

# SOHIBQIRON YULDUZI



*Соҳибқирон юлдузи*

№3 (41) 2020 йил

*“Bizkim-mulki Turon, amiri Turkistonmiz, bizkim  
- millatlarning eng qadimi va eng ulug‘i Turkning  
bosh bo‘g‘inimiz!”*

*Sohibqiron Amir Temur*



# SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов  
академик Анатолий Сагдуллаев  
академик Дилором Юсупова  
проф. Убайдулла Уватов  
Спирожиддин Саййид  
проф. Поён Равшанов  
проф. Абдурахим Эржабов  
проф. Қахрамон Ражабов  
проф. Юлдуз Эргашева  
проф. Баҳодир Эшов  
ф.ф.д. Нафас Шодмонов  
Тўлқин Ҳайит  
т.ф.д. Г.Мўминова  
проф. Шокир Гоффоров

## Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

## Масъул котиб:

Азизбек Норов

## Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

## Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

## МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот  
бошқармасида 2012 йил 12 мартда  
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.  
Журналдан қўчирма олинганда манба  
қайд этилиши шарт.

## Манзилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,  
2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32  
Теришга 240.07.2020 йилда берилди.  
Босишга 14.09.2020 йилда рухсат  
этилди. 18.09.2020 йилда босилди.  
Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табақ.  
Адади 240 нусха. Буюртма № 344  
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш  
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

## Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

## Электрон манзилимиз:

sohibqiron\_jurnali@mail.ru

2020 йил № 3 (41)



2020 йил - «Илм, маърифат  
ва рақамли иқтисодиётни  
ривожлантириш йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият  
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев  
ташаббуси билан ташкил этилган.  
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси раёсатининг 2018 йил  
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан  
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар  
рўйхатига киритилган.



## БОШ МУҲАРРИР САҲИФАСИ

Ўзбекистонда учинчи ренессанс:.....4

## ТЕМУРШУНОСЛИК

Тўлқин АЛИМАРДОНОВ, Амир Темур армияси бошқарувида рағбат тизими асослари.....10

С.НОРОВ, Ҳ.АЛИҚУЛОВ. Мирзо Улугбек ҳаёти: ижтимоий зиддият ва муаммолари ҳақида мушоҳадалар.....15

## ХОТИРА - МУҚАДДАС

Тириклардан тирикроқ алломай замон .....18

## ТАРИХШУНОСЛИК

Қаҳрамон Ражабов, Туркистон мухторияти ҳукумати аъзоларининг фаолияти ва кейинги тақдири.....24

Зухриддин ЖУНАЕВ, Бухоро халқ совет республикасида пул ислоҳоти ва нарх-наводаги ўзгаришлар.....32

Иқбол ЖАББАРОВА, Қашқадарё воҳасида суғорма деҳқончилиқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиши.....37

Бекзод ТОШПУЛАТОВ, Ўзбекистонда уруш йилларида тиббиёт институтлари фаолияти.....42

Э.НУРИДДИНОВ, Ғ.МИРЗАЕВ, Ўзбекистон ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари .....46





## ТАДҚИҚОТЛАР

Ш. ИСКАНДАРОВ, У. АВКАРАЕВА, Ўзбекистон арабларининг анъанавий уй жойлар трансформацияси.....	52
Набижон НАРЗИЕВ, Мулоқот маданиятини ўрганишга доир баъзи мулоҳазалар.....	57
Шахзод АХМЕДОВ, Ўзбекистонда чорвачилик тарихи ўтмиш сабоқлари ва ҳозирги замон.....	63
Сухроб НАРКУЛОВ, Фарида УМАРОВА, Ўзбек халқи тафаккуридаги ўзгаришлар ва маънавий тараққиёт.....	68
Ёсин ОРТИҚОВ, Ўзбекистон дунганлари анропонимиясидаги ўзгаришлар.....	73
Сирожиддин ЭШҚУРБОНОВ, Сурхон воҳасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар.....	79
Исмоилжон ХЎЖАХОНОВ, Туркистон жадидларининг миллат ҳақидаги қарашлари ва замонавийлик.....	85
Набижон ДАМИНОВ, Самарқанд вилояти Ўрта махсус, касб-хунар таълими халқаро алоқалари (1991-2016 йй).....	91
Асрор ПАРДАЕВ, Илм-маърифатга бахшида умр.....	96
Наримон ДЕХҚАНОВ, Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг назарий асоси.....	99
Очил БЎРИЕВ, Темурийлар даври тарихий манбаларида Қарши шаҳри тавсифи.....	103
Ахрор АЗИЗОВ, Ўзбекларда жониворларга нисбатан муносабатда ҳадисларнинг ўрни ва роли.....	109

## РУҲИЯТ СУРАТИ

Азизбек НОРОВ, Ўтмиш кўз юмган воқеа.....	114
---	-----





# **O'ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS: TARIXIY ILDIZLARI VA HOZIRGI ZAMON**

*Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик  
вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий  
гоя даражасига кўтармоқдамиз.<sup>1</sup>*

**Шавкат Мирзиёев**

Жаҳон халқларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти мислсиз даражада ривожланиб, глобаллашув жараёнининг қамрови гоят кенг кўламда кучайиб бораётган ҳозирги даврда инсоният келгуси ҳаётга, айниқса, жаҳон цивилизациясининг тақдири ва барқарорлигига улуг аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо илмий-адабий, маънавий-маданий қадриятларни кенг кўламда ўрганиш ва тарғиб этиш билан бевосита боғлиқ бўлиб турибди.

Биз Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилинди. Шу боисдан ҳам энг аввало, Ренессансинг тарихий илдизлари, асослари учинчи Ренессансинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз чуқур англаб олишни тақазо қилмоқда.

Ўрта асрларда яшаган буюк алломалар мислсиз даҳосининг маҳсули ўлароқ, юзага келган беқиёс илмий меросни янги тамойиллар асосида тадқиқ этиш, улар томонидан яратилган илмий кашфиётларнинг дунё томонидан ривожланган ўрнини белгилашда ва Шарқ халқлари илмий тафаккурининг жаҳоншумул аҳамиятини кўрсатиб бериш тақозо этилмоқда.

Сўнги даврда Марказий Осиё ва қўшни ҳудудларда олиб борилган тарихий, археологик ва этнографик тадқиқотлар мазкур минтақада қадимги Шарқ цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос ўрин тутганлигини кўрсатувчи кўплаб ашъвий далилларни юзага чиқарди. Уларга асосланиб, "Марказий Осиё цивилизацияси", "Ўрта Осиё цивилизацияси", "Турон ёки Туркистон цивилизацияси" каби тарихий тушунчалар илмий тадқиқотларда кенг фойдаланилмоқда<sup>2</sup>.

"Ренессанс" сўзи - французча "Renaissance", италянча - "Rinascimento" - қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ, қайта тирилиш, уйғониш - деган маъноларни англатади<sup>3</sup>.

"Уйғониш" истилоҳи илк бор XVI асрда меъмор, мусаввир ва санъат тарихчиси Жорж Вазари (1511-1574) томонидан ўарбий Европада буржуа

<sup>1</sup> "Халқ сўзи", 2020 йил 1 октябрь

<sup>2</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг Қадимги йўллари. - Т.: "Академия", 2008. Б.3

<sup>3</sup> ЎзМЭ, 7-ж. - Т.: ЎзМЭ ДИН, 2004. Б.305



муносабатлари ривожланишининг дастлабки босқичи билан шартланган тарихий даврни тавсифлаш учун қўлланилган. Ушбу истилоҳнинг ҳозир биз билдирган маъноси фаранг тарихчиси Жюль Мишле (1798-1874) томонидан XIX асрда жорий қилинган.<sup>4</sup>

"Мусулмон Ренессанси" тушунчаси тарих фанига таниқли Австрия шарқшуноси Адам Мец (1876-1946) томонидан XX аср бошларида киритилган (1909). Олим "Шарқ" атамасини тарихий мазмунда ишлатиб, Ўрта Ер денгизидан то субконтинентгача бўлган юртларни ва унинг IX-XII асрлардаги маданиятининг юксакларга кўтарилганлигини кўзда тутган. Мазкур ўлкалар қадимий цивилизация бешигидир<sup>5</sup>.

Собиқ Совет даврида тарих ва ўқув адабиётларида фақат ўрб Уйғониш даври ҳақида гап борарди. Шарқдаги Уйғониш жараёни ҳақида лом-лим дейилмасди. Чунки тарих фанида европоцентризм гоёси ҳукмрон, ўрб илғор, Шарқ қолақ ақидаси устувор эди. Ваҳоланки, ўша даврда австриялик олим А.Мец, рус шарқшуноси Н.И.Конрадлар Шарқ Ренессанси ҳақида холисона фикрларини билдиришганди. Ўзбек олимларидан И.Мўминов, М.М.Хайруллаев, Ф.Сулаймонова, Б.Қосимов, А.Эркаев, Т.Шириновлар ҳам Шарқ Уйғониш даври ҳақидаги теран фикрларни салмоқли асарларида баён этишган.

Ҳаттоки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи маротаба: "Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман"<sup>6</sup>, деб таъкидлади.

Темурийлар Ренессанси – Мусулмон Ренессанси Шарқ тамадду-ни тожидаги жаҳоҳирлардан бири саналиб, ўрганишга бағишланган баъзи тадқиқотлар яратилди<sup>7</sup>.

Ренессансининг асосий аломатлари: тафаккурда ва илмий ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуглаш, унинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш; антик давр (Юнон-Рим) маданиятига қайтиб, уни тиклаш; бойитиш; черков схоласликасидан қутулиб, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизғин куйлаш, инсон эрки, ҳурфикрлилик учун курашиш, бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намоиш этадиган улугвор бадий асарлар, салобатли бинолар яратилди, илм-фан ривожлантирилди<sup>8</sup>.

<sup>4</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. - Т.: "Hilol - Nashr", 2019. Б.269-270

<sup>5</sup> Ширинов Т. Тарихимиз этюдлари. - Т.: "Шарқ", 2011. Б.203.

<sup>6</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолияти-мизга берилган энг олий баҳо. 2-ж. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018. Б.253.

<sup>7</sup> Ширинов Т. Кўрсатилган асар; Бўриев Очил. Темурийлар Ренессанси. - "Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари", - 2016 йил 3-сон, Б.125-126.; Шу муаллиф. Темурийлар Ренессанси - Уйғониш даврида Туронда маданий юксалиш ва ҳозирги замон. - "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари", - 2008 йил 4-сон, Б.40-44. Шу муаллиф. Туроннинг олтин даври. - Т., 2019. Шу муаллиф. Темурийлар Ренессанси. - Т., 2020; Бўриев Очил, Хўжаёров Асилбек. Темурийлар даврида илм-фан ва маданият равнақи. - Қарши, 2020

<sup>8</sup> Исмоилов И., Шаропов А. Тарих атамалари луғати. - Т., 2013. Б.10.



Маълумки, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Турон замин азаддан юксак цивилизация ўчоқларидан бири саналган. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар миллий давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран идизларидан хабар беради.

Антик даврда Ренессанс шакланган Юнонистондаги илмлар IX-XII асрларда Марказий Осиёда равнақ топган. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс шакланди ва у бутун жаҳон тан оладиган машҳур алломаларни етиштириб берган. Шарқ Уйғониш даврида ҳам буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиққан. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, фалсафа соҳасида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Муҳаммад ўаззолий, Азизиддин Насафий, тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий, шеърятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавийлар баракали ижод қилишган<sup>9</sup>. Уларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшди.

Тарихий манбаларда "ислом маданиятининг олтин асри" деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин ан-Насафий каби улуг мутафаккирлар бутун мусулмон оламига донг тартган эдидар.

Ҳозирги даврда жаҳонга "ҳали ҳануз ўз таъсирини ўтказаяётган Ўрта Осиё цивилизацияси асосчиси", қолаверса тарихда ҳам ўчмас из қолдирган буюк давлат арбоби, музаффар саркарда, моҳир дипломат, жонкуяр илм-фан ҳомийси, буюк бобокалонимиз Амир Темур асос солган салтанат ўзига хос салмоқли ўринга эгадир. "XV аср тақди-рини белгилаб берган буюк сиймо" - Соҳибқирон ва унинг ворис-лари Туркистон, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Араб дунёсида бир ярим асрга яқин ҳукм суриб, марказлашган салоҳиятли туркий давлат ташкил этишган эди.

"Туркистоннинг суянган тоғларидан бири" - Амир Темур асос солган тамаддун XIV-XVI асрлар Турон тарихининг "олтин даври" - Уйғониш даврининг алоҳида босқичи "Шарқ Уйғониши" (Н.И.Конрад), ҳозирда "Темурийлар Ренессанси" номлари билан жаҳонда эътироф этилди ва тарихга абадий муҳрланди<sup>10</sup>. Машҳур француз олими Люсьен Керен таъкидлаганидек: ", европалик ижодкорлар Амир Темурни Шарқ Ренессансининг бунёдкори сифатида қадрлайдилар"<sup>11</sup>.

XV асрда бугун Соҳибқирон Амир Темур бобокалонимиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу

<sup>9</sup> ЎзМЭ, 9-ж. - Т., 2005. Б.57

<sup>10</sup> Конрад Н.И. Запад и Восток. - М., 1972; Хайруллаев М. Ўрта Осиёдаги Уйғониш даври маданияти. - Т., 1994.; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т., 1997.; Ширинов Т. Тарихимиз этюдлари. - Т., 2014. Б.252-254

<sup>11</sup> Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой науки. - Т., 1999. С.20



даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, ўйёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди.

Бу даврда шаҳарсозлик, меъморлик, тасвирий ва амалий санъат, наққошлик, зардўзлик, металлга бадиий ишлов бериш, хаттотлик, илм-фан ва таълим-тарбия, бадиий ижодиёт, китобат санъати ва кутубхоначилик, мусиқашунослик каби соҳалар ниҳоятда ривожланган. Туронзамин Ренессанси таъсири Хуросон ва Ҳиндистон, ҳаттоки, Европа мамлакатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Европа халқлари темурийлар Ренессансини теран таҳлил қилишган.

Амир Темур илм-фан ва маданият равнақига кенг имкониятлар яратган, дин пешволари, олимлар, санъатшунослар, ёзувчилар, шоирларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб турган. Бу сиёсат натижасида Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичига асос солган<sup>12</sup>.

XIV асрдаги улкан ва ёрқин сиймо - Амир Темур жаҳон тари-ҳида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодини ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд шаҳрини унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатида кирган.

Соҳибқирон олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳофизи машшоқларга ғамхўрлик қилишда ҳам ном қозонган. Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва таълимнинг беҳад равнақ топганлигини таъминлаган Шарқ Уйғониш даври эди. Шунингдек, муаррихлар бу даври "Мовароуннаҳр (Турон) тарихининг олтин даври" деб ҳам баҳолашмоқда.

Кўплаб тарихчи олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан Марка-зий Осиё минтақаси IX–XII ва XIV–XVI асрларда бамисоли пўртана-дек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган. Шарқ Уйғониш даври - Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Машҳур француз темуршуноси Л.Керен таъкидлаганидек: "Темур инсоният ривожига ажойиб миниатюралар, тенги йўқ сирланган сопол идишлар, шеърият ва илҳомга тўла фалсафий асарлар яратилишига имкон яратган ва катта ҳисса қўшган. "Темурийлар уйғониш даври" деб аталмиш сермаҳсул маданий меросга асос солган"<sup>13</sup>

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жа-

<sup>12</sup> Саидов А.Х. Амир Темур ва Султон Мирҳайдар ота. - Қарши, "Насаф", 2016. Б.52

<sup>13</sup> "Фан ва турмуш", 1995 йил, 5-6 сонлар, Б.12



дидлар амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш гоёсига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни гафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар ва улар "Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас" деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-ҳунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрат домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турдилар. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этдилар.

Жадидларимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл берганди. Улар ўша даврнинг турли кимсаларининг туҳмат-маломатларига дучор бўлдилар. Дастлаб Россия ҳукумати, кейинчалик шўролар уларни аёвсиз қувгин ва қатағон қилиб, миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати Ватанимиз учун ёрқин хотира сифатида қолди.

Юртимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадий мероси ҳозирги даврда ҳам катта аҳамиятга эга.

XX аср 90-йиллари бошларида Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, Ренессанснинг учинчи янги босқичи учун қулай шароит вужудга келди. 2014 йил 14-15 майда Самарқанд шаҳридаги халқаро илмий анжуманда юртимиз учинчи Уйғониш даври бўсағасида турганлигини алоҳида таъкидлаган эди. Қарийб 30 йиллик қисқа даврда беқиёс ва кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган танталали маросимда таъкидладик: "Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда "Янги Ўзбекистон" ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш - Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади".<sup>14</sup>

Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз.

<sup>14</sup> "Халқ сўзи", 2020 йил 1 сентябрь



Бундай тенгсиз бойликни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос жаҳондаги санокли халқларга насиб этган. Масалан, биргина Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзмаларга жаҳон аҳли ҳавас қилади. Алломаларимизнинг ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша барчамизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлайди, албатта.

Ҳозирги пайтда буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд, дейишга тўла асослар мавжуд. Ҳамма гап ана шу бор имкониятлардан самарали фойдалана олишимизга боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2020 йил 30 сентябрда 1-октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқида ҳам Ўзбекистондаги янги Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳияти, тарихий асослари, унинг мустаҳкам пойдеворини яратиш соҳасидаги энг долзарб вазифаларга тўхтади ва ўзининг теран амалий тавсияларини берди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистондаги Учинчи Ренессанс гоёси бўйича матбуот ва ОАВ ларда мунозаралар қизгин бошланиб кетди. Чунки мазкур гоё ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, ижтимоий фанлар вакиллари ўзларининг аниқ мулоҳазаларини билдиришлари ва ягона илмий концепция яратилиши лозим.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс каби Учинчи Ренессанс ҳам узоқ эгидиган жараён пойдеворини яратиш жараёни беш-ўн йил давом этмай, анча катта ва машаққатли даврни талаб қилади. Бунинг учун, энг аввало минглаб истиқодли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур.

Президентимиз раҳнамолигида улуг ниятлар билан пойдевори қўйилган янги Уйғониш даври юртимизда саҳифаларга бой тарих яратилмоқдаки, Бу келгусида авлодларга муносиб мерос қолдиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

"Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" эзгу даъваткор гоё ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Бизда айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўйилмоқда.

Хуллас айни вақтда Янги Ўзбекистондаги Учинчи Ренессанс жараёнининг мазмун-моҳияти ва тарихий илдишлари бўйича теран илмий излашлар ҳамда уни кенг оммага етказиш учун қамровдор тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.



**TEMURSHUNOSLIK**

# **AMIR TEMUR ARMIYASI**

## **BOSHQARUVIDA RAG'BAT**

### **TIZIMI ASOSLARI**

*Тўлқин Алимардонов,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

**Таянч иборалар:** Соҳибқирон, Амир Темур, сиёсат, давлат, хизматчи, садоқат, ҳарбий қудрат, салоҳият, ислоҳот, тажриба, жанговорлик руҳи

Соҳибқирон Амир Темур давлат умумфаровонлик йўлида қудратли ва армия унинг ишончли суянчиги бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. У тадбиқ этган ҳарбий қўшин тезкорлиги, вазиятлиги, ўзгарувчан, ихчам, сафарбалик имкониятлари ва айниқса руҳий жанговарлиги юқорилиги билан ажралиб турган. Бу борада Соҳибқирон улкан ҳарбий қўшинни идора қилишда ўз замонасининг энг илғор тажрибаларидан фойдаланган ва унинг ўзига хос илғор асосларини шакллантиришга эришган.

Ҳарбий бошқарув таълимотлари "Темур тузуклари"да бошқа соҳалар қаторида изчил, кетма-кет ва ўзаро алоқадор яхлит концепциянинг мукамал шаклланган тартиботини кузатамиз. Жумладан, унда "Сипоҳ сақлаб туруш тузуғи", "Сипоҳга улфа бериш тузуғи", "Сипоҳга танхоҳ ва улфа тақсимлаш тузуғи" каби уч қисмга ажратилади. Унинг ҳар бир фаслида сипоҳларга алоҳида масъулият, манфаатдорлик ва мажбурият қоидалари белгиланганки, улар бири-бир билан ўзаро алоқадор тизимий хусусият касб қилади. Бунда улкан ҳарбий қўшинни яхлит организм сифатида ҳаракатга келтирувчи омиллар сифатида, у бешта кетма-кет шаклланган тартибни жорий қилади: 1. Сипоҳни танлаш ва саралаш тартиблари; 2. Сифат ва маҳорат мезонлари тартиблари; 3. Вазифалар иерархияси ва тақсимот тартиблари; 4. Мансабдор шахс ваколати ва масъулият тартиблари; 5. Мажбурият ва қатъий интизом тартиблари.

Бундай тамойиллар мезони ҳарбий тартиб, маҳорат, сипоҳни салоҳиятига қараб танлаш ва тарбиялаш ҳамда ваколат, мажбуриятларини белгилашга ҳамда муносиб рағбатлантиришга қаратилади. Амир Темур шундай дейди: "Амр қилдимки, қачонки асл сипоҳийлардан иш кўрган, жангу жадал билан суяги қотган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар."<sup>1</sup>

Бу элементларнинг тартиби то амир лавозимигача сайлов асосида амал-

<sup>1</sup>Темур тузуклари. -Т.: "Шарқ", 2005. - 83 б.



га оширилган. Зўрлардан зўри танланган ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар Амир Темур тасдиғига юборилган. Жумладан, - "Ўн нафар ўнбоши жам бўлса, ўз ичларидан энг иш кўрган, жанг майдонларида тобланиб, тажриба орттирган, баҳодирликда номи чиққан бировини амир қилиб, уни юзбоши деб номласинлар"<sup>2</sup> дейди. Демак, хулоса чиқариш мумкинки, давлатнинг энг юқори - то Амир ул-умарогача бўлган лавозим номзодлари сайлов асосида танланган. Сайлов асосида шакллантирилган танлов сипоҳнинг амирлик даражасига кўтарилишига эга имконият, амирнинг эса сипоҳ даражасига тушиб қолиш хавфини белгилаган. Бундай нисбат эришилган мавқени сақлаб қолиш учун тузукларга амал қилиб ишлаш интизомини шакллантирган.

Мазкур тартибларни Амир Темур қуйидагича ташкилий чоралар билан мустаҳкамлайди: "Яна буюрдимки, уруш кунларида ва салтанат ишларини бошқаришда мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбошиники қўл остидагиларга жорий этилади. Агар бу тузукка қаршилиқ қилсалар, жазога тортилсинлар. Агар уруш ишларида ким камчиликка йўл қўяр экан, уни четлатиб, ўрнига бошқани қўйсинлар"<sup>3</sup> дейди. Ушбу тартиб-қоидалар бошқарув тилида "субординация" деб аталади. Агар "субординация" бўлмаса, бошқарув иерархияси ташкил топмайди, бошбошдоқлик вужудга келади. Бошқарувда субъектив омилар таъсири ортади, хуфёна зўравонлар ва умумий тартибларга қаршилиқ кўрсатувчи кучлар вужудга келади. Мазкур қоида ботирларнинг ўз ваколатлари доирасида сақлайди. Талабларда, аввало, салоҳият, эркинлик, адолат, интизом, масъулият, жавобгарлик каби сифатлар устуворлик қилади. Оддий сипоҳдан тартиб то амиргача барчанинг ягона интизомга итоатда бўлишини тақозо қилади.

"Сипоҳга улуфа бериш тузуги" фаслида амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва оддий сипоҳийларга маош тайинлаш амали қуйидаги тартибда белгиланади: - "Оддий сипоҳийга ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шарти билан, ойлиги минган отининг баҳоси бўлсин. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайин қилинсин. Ўнбошилар ойлиги қўл остидаги оддий сипоҳийлардан ўн баробар ортиқ бўлсин. Юзбошилар маоши ўнбошиларга қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар зиёда бўлсин.

Яна ҳукм қилдимки, сипоҳийлардан қайси бири уруш ишларида хатолликка йўл қўйса, маошини ўндан бирига камайтирсинлар. Яна буюрдимки, ўнбоши юзбоши тасдиғи билан, юзбоши мингбошининг тасдиғи билан, мингбоши амирлар амири тасдиғи билан ҳақ олсинлар."<sup>4</sup>

Ҳақ бериш тақсимооти ҳам аниқ бажарилган ишга қараб белгиланган. Сипоҳ ўз вазифасини ўринлатиб бажариш эвазига ойлиги минган отининг баҳоси билан оширилган. Баҳодирларга икки от баҳосидан тўрт от-

<sup>2</sup>Шу жойда

<sup>3</sup>Шу жойда

<sup>4</sup>Шу жойда



гача тайинланган. Ўнбошиларники қўл остидагиларга яъни, оддий сипоҳийларникига нисбатан ўн баробар кўп бўлган. Бундай ёндашув рағбатлантиришнинг дефферинциал тартиботини вужудга келтиришга хизмат қилган. Эътиборли жиҳати шундаки, жамоада тартиб-интизомнинг мавжудлиги қадриятларга амал қилиш эҳтиёжини ҳам оширган.

Кейинги жумлада, - "Амр қилдимки, амир ул-умаронинг маоши қўл остидагилардан ўн баробар ортиқ бўлсин"<sup>5</sup>, девонбеги ва вазирнинг маоши амирларникидан ўн баробар ортиқ, ясовуллар, чоповуллар<sup>6</sup>, қалақчи<sup>7</sup>ларнинг маошлари мингдан ўн минг тангагача белгиланган. Айни пайтда, белгиланган маош уларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқлангач, олиш мумкин бўлган. Мазкур муносабатларда мақсадли элементлар аниқ молиявий тизимларнинг изчил жорий этилганлигини кузатамиз. Бундай тартибот бугунги кунда ҳам ҳали амалда тадбиқ этишга эришилмаётган муаммоларимиз қаторига киради.

Тузуқларда белгиланган маошга яраша иш ҳажми бажарилиши шарт қилиб қўйилган. Шу тартибда улар ўртасидаги фарқ мартабаларни қадрлашга ҳамда унга муносиб бўлишга даъват этган. Моддий тақсимот даражаларининг белгиланиши хизматчиларни мавжуд тартибда ўз имкониятларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатиш шароитини яратган ҳамда салоҳиятларидан ташқари ва ортиқча даражага даъво қилиш эҳтиёжини қолдирмаган. Яъни, барча нарсани тартибли ва ошқора тарзда амалга ошириш устувор ёндашув бўлганки, натижада салоҳиятли ва маҳоратли сипоҳларнинг бошқарувда иштирок этишнинг амалий шароитларини кафолатлаган. Сипоҳлар расмий маошлардан ташқари қўшимча мукофотлар ҳам олишган. Мазкур тартиб ҳар бир аскарга ўз хизмат соҳасида юқорига кўтарилиб боришни рағбатлантирган. Бундан ташқари интизомий жазолаш чоратадбирлари ҳам мукамал ишлаб чиқилган. Жазолаш тартибига маошнинг ўндан бир қисмини олишдан бошланиб, ҳарбий хизматдан озод қилишгача олиб борилган. Бундай жазо лашкарлар учун энг оғир жазо турлари саналган<sup>8</sup>.

Мазкур қоидаларнинг яна бир муҳим жиҳатлари - бу ҳақни тақсимлаш ҳуқуқи бевосита жавобгар раҳбар ихтиёрига берилган. Жумладан, "Яна буюрдимки, ўнбоши юзбошининг тасдиғи билан, юзбоши мингбошининг тасдиғи билан, мингбоши амир ул-умаро (амирлар амири)нинг тасдиғи билан улуфа олсинлар"<sup>9</sup>. Нега маблағлар тақсимоти марказлаштирилмаган? Унинг алоҳида поғонавий афзаллиги нимада бўлган? Биринчидан, раҳбарнинг ваколати бўлмаса, жамоада унинг топшириқларини суистеъмол қилиш ёки иродасини тан олмаслик муҳити шаклланади. Натижада юқори раҳбарият томонидан белгиланган вазифалар пастда ўз ижросини топмайди. Иккинчидан, раҳбарда меҳнатга, қўшилган ҳиссага қараб

<sup>5</sup>Ўша жойда.

<sup>6</sup>Чоповул - тунги ҳужум жангчиси.

<sup>7</sup>Қалақчи - аҳолидан йиғилган ҳосилдан хирож миқдорини белгиловчи мансабдор.

<sup>8</sup>Корниенко А.В. Тамерлан.Электронная библиотека, 2011,С-20.



ҳақ тўлаш ваколатининг мавжудлиги жамоавий интизомни оширади. Кичик раҳбар катта вазифаларнинг ижрочиси сифатида самарадор имкониятларни ахтаради, фикрлайди. Ижрочиликдан, ташаббускор ва мустақил масъулиятни ўз зиммасига олувчи етакчига айланади. Бугунги кунда энг замонавий коорпорацияларнинг бошқарув тизимлари ҳам ана шундай манتيқий тизимлар асосида қурилган.

Амир Темур "Яна ҳукм қилдимки, амир ул-умаро ўз ҳақини девонбеги ва вазирларнинг тасдиғи билан олсин. Давлат томонидан белгиланган бутун маошларнинг тўлиқ маълумотларини девонбеги ва вазирлар аввал менга билдирсин, сўнгра танҳо<sup>10</sup> берилсин. Берилган маошлар то Амир Темурга-ча шу тартибда назоратга олинган. Айни пайтда, ҳозирги тил билан гапирганда ойлик варақалари тўлдирилган ва улар назорат-тафтиш учун сақланган.

Агар сипоҳ сақлаб туришнинг мезонлари белгиланиб, унга ҳақ беришнинг тузуғи бўлмаса ёхуд унга ҳақ тақсимлашнинг аниқ белгиланган ахлоқий мезонлари, боз ўстига манбаси бўлмаса, қўйилган мақсадлар самараси натижасиз бўлади. Чунки, мажбурият бор, ваколат йўқ! Ваколат йўқ жойда, албатта масъулият ҳам бўлмайди. Мазкур масалалар бугунда тизим назарияси фани орқали ўрганилмоқда.

Сипоҳлар нуфузини ошириш учун табиий равишда уларнинг баҳодирларини танлаш лозим бўлган. Бундай тизимнинг барқарорлигини сақлаш учун аниқ қоидалар ташкил этилган. Амир Темур мазкур сиёсатни маҳорат билан уйғунлаштиришга эришган. Ҳарбийларнинг даражаси, хизмат кўрсатган довуракларнинг бирини иккинчисидан (яхшини ёмондан Т.А) ажратиб турадиган махсус унвонлар таъсис қилинган. Шавкатли сипоҳларнинг унвонлари эса тегишли моддий қийматлар билан мустаҳкамланган.

Бу борада Амир Темур давлати тарихини чуқур ўрганган инглиз тадқиқотчиси Хукхэм Хилданинг маълумотлари фикримизни тўлдиради. Жумладан, у шундай ёзади: "Амир Темур жасурлиги билан ажралиб турган баҳодирларни "Тархон" унвони билан тақдирлаган. Улар алоҳида давлат йиғинлари ва байрамларига махсус таклифсиз иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган. Бундай унвонли баҳодирлар барча солиқлардан озод қилинган. Айни пайтда, жангда ёки овда орттирилган ўлжа ва неъматлар ўзининг шахсий мулки ҳисобланган. Тархон мабодо интизомни бузса ёки жиноят қилиб қўйса, фақат тўққизинчи маротабадан сўнг жавобгарликка тортилган"<sup>11</sup>. Албатта, нега тўққизинчидан сўнг, деган савол тугилади? Бизнингча, бунда инсоннинг хато қилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Айни пайтда, бундай мезон унинг унвонини қайтариб олиниши мумкинлигини ҳам назарда тутган.

<sup>9</sup>Темур тузуқлари. - Т.: "Шарқ", 2005 й. - 84.б

<sup>10</sup>Танҳо - сарой хизматчилари, лашкарбошилар ва бошқалар учун махсус хазинадан маош топширилиши учун ғисобот бериш шарти билан бериладиган пул.



Давлатнинг баҳодирларига бўлган эътирофи салтанатда маҳоратли шахсларнинг танловини вужудга келтирган. Қадимий туркий халқлар анъанасига кўра тархонлар халқ орасидан чиққан ва ўз хизматлари билан кўтарилган давлатнинг садоқатли амалдорлари ҳисобланган. Тархон унвонлари шахснинг бутун умри давомида фақат ўзида сақланган ва фарзандларига ўтказилмаган.<sup>12</sup>

"Темур тузуклари"ни таҳлил қилиш натижасида ҳарбий бошқарувда қаттиқ интизомий қоидалар билан бирга сипоҳлар қадр-қимматини оширишга ҳамда садоқатли муносабатларнинг таъсир мурвати сифатида фойдаланганлигига гувоҳи бўламиз.

Соҳибқирон "Кимнинг ақли ва шижотини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлигини билсам, уни тарбиямга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра, кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим"<sup>13</sup>, дейди. Бу давлат қудратини юксалтиришга хизмат қилган адолатли сиёсатнинг ифодаси сифатида, инсон омили ҳар қандай ривожланиш ва тараққиётнинг асоси эканлигини яна бир бора тасдиқлайди. Шу жиҳатдан Амир Темур давлатчилик меросини ўрганиш, англаш ва уни замонавий бошқарувга жорий этиш олдимизда турган долзарб вазифаларимиз қаторига киради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Темур тузуклари. -Т.: "Шарқ", 2005.
2. Содиқов Ҳ. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати. Т.: "ART FLEX" 2018.
3. Хукхэм Хилда. Властитель семи созвездий. -Т.: "Адолат", 1994.
4. Садри Максуди Арсал. Тюркская история и право. Казань, "Фэн" 2002.
5. Корниенко А.В. Тамерлан.Электронная библиотека, 2011.

### Аннотация:

Мақолада Амир Темур армияси бошқарув тизими моҳиятлари "Темур тузуклари" асосида очиб берилган. Унда ҳарбий қисмларни ташкил этиш, етакчилик вазифаларига муносиб номзодларни сайлаш, рағбатлантириш, жазолаш тартиб мезонлари таҳлил этилган.

### Abstract:

The essence of the Amir Temur army management system based on the "Code of Temur" has been studied in the present article. The criteria for organizing military units, selecting worthy candidates for leadership positions, incentives, and punitive procedures has been analyzed.

<sup>11</sup>Хукхэм Хилда. Властитель семи созвездий. -Т.: "Адолат", 1994, -С.72.

<sup>12</sup>Садри Максуди Арсал. Тюркская история и право. Казань, Издат "Фэн" 2002. 222 с.

<sup>13</sup>Темур тузуклари. - Т.: "Шарқ?", 2005. - 97 б.



# MIRZO ULUG‘BEK TAQDIRI

## HAQIDA BA‘ZI MUSHOHADALAR

Саид НОРОВ,  
Хаким АЛИҚУЛОВ,

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти  
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Калит сўзлар:** Мирзо Улуғбек, моддий ва маънавий бойлик, зидди-  
ят, муаммо, тинчлик ва сулҳ, эътиқод.

Буюк инсонларнинг ҳаёт тарзи, ибрати шахсий намунаси у яшаган даврда ҳам, ундан кейин ҳам бир хил баҳоланмаган. Кимдир уни ёқтирган, бошқаси эса, танқид қилган, бундан аён бўладики, яшамоқ ё улуғликка ё залолатга ман-сублиқдир. Бунга Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти яққол мисол бўлади.

Бугунги кунда ўтмиш тарихимизни янгича тафаккур билан оқилона ўрганиш, бой маданий меросимизни давр талаби руҳида одилона таҳлил қилиб, ижодий бойитган ҳолда келажак авлодларга етказиб бериш, ёшларимизни ана шу ме-росга ҳурмат ва эътибор руҳида тарбиялаб, уларда инсонпарварлик, ватанпар-варлик ва миллий гурур руҳида тарбиялаш долзарб муаммодир.

Биз Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти ўрганар эканмиз, фақат машҳур номи ҳамда яратган таълимотларини билиб олиш учунгина эмас, балки инсоният тари-хида ўчмас из қолдирган буюк олимнинг зиддиятга тўла ҳаёти, ўлмас гоёлари моҳиятини чуқур англаш, уларга таяниб, бугунги кун зиддиятли-муаммоларининг қулай ечимини топиш, шу тариқа Ватанимиз ва халқимизга муносиб хизмат қилиш, қолаверса, буюк аждодларимизга, элу юртимизга муносиб фарзандлар тарбия-лаш учун ҳам пухта ва чуқур мушоҳада қилишимиз бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Темурийзода Мирзо Улуғбекнинг фазо ва вақтда биздан асрлар сари узоқла-шиши уни янада яхшироқ англаш, ўрганишга ундайди. Яратганга ҳамду сано-лар бўлсинким, янги давр имкониятлари бирор ҳодиса ёки воқеага аниқроқ баҳо бериш, таҳлил қилиш учун ҳам асос бўлмоқда.

Мустақиллик йиллари ва ундан олдин чоп этилган илмий адабиётлар, манба-ларга мурожаат этсақда, Мирзо Улуғбек ҳақидаги тушунчаларимиз жуда тор-дек. Яна қандайдир манбаларни излаб топиш ватандошимиз ҳақида ишонарли маълумот излаш истаги ҳамон мавжуд.

XX аср йирик олимлари асарларида (масалан; Т.Қори-Ниёзий, И.Мўминов, Б.Ғ.Ғафуров ва бошқалар) Мирзо Улуғбек шахси, илмий мероси, ижтимоий фа-олиятига баҳо беришда шўро мафкураси руҳини кўрамиз.

Кейинги давр, айниқса, XX аср охири - XXI аср бошларида ёзилган манба-ларда эса ўтган давр илмий - фалсафий ожизлик касаллиги давом этган. Бун-дай бўлишга бош сабаб араб, форс тиллари ва ёзувини билмаслик, ўқий олмас-лик билан изоҳлаш мумкин. Республикамизда мавжуд илмий ташкилотлар, ил-мий тадқиқот институтлари, университетларимизнинг хорижий тилларни ўрга-ниш факультетлари ва бошқа манфаатдорлар томонидан Мирзо Улуғбек тарихини янги давр шароитида кашф этсалар ажаб эмас.

Юқорида зикр қилинганидек, аллома даври, фаолияти, ижтимоий зиддиятла-



ри ҳақида адабиётлар жуда кўп, аксариятининг номланишини биламиз, аммо матн ва маъноларидан беҳабармиз.

Мирзо Улуғбек даврини ўрганганлар эътирофича, барча ижтимоий зилзилалар, кескин воқеалар имкон қадар тинчлик ва сулҳ воситасида ҳал қилинганлигини айтилади. Замондошлари томонидан, агар сулҳ амаллари сиёсатда ожизлик қилиб қолса, танбеҳ ва мурасосозлик иш бермаса, "... оламини забт этувчи байроқлар (ни) юқори кўтар(дилар) худди қаҳрли шеру даҳшатли филлардек ҳаракатга келдилар"[1; Б.203] - деб ёзади.

Шуни таъкидлаш кераки, Мирзо Улуғбек даврида ҳам темурийларда содир бўлганидек ижтимоий зиддиятлар ечимини топишда дастлаб сулҳ таклиф этилган, агар бу сиёсат амалга ошмаса жангу жадалга киришган. Темурзодалар орасида кўзга кўринган, ақл ва фаросатда юксакликка эришганлар анчагина бўлганлиги манбаларда ёзилган. Бу сулола даврида давлатчилик анъаналарини сақлаш, хизматкорлар мартабасини аниқлаш, чегараларни мустаҳкамлаш, раият аҳволига ғамхўрлик кўрсатиш, дину давлатни тартибли тутиш ҳақида алоҳида эътибор берилган.

Мирзо Улуғбек даврида мамлакатнинг ички ва ташқи ишларини бошқаришда ислом фалсафаси, эътиқоди талабларидан келиб чиқиб, зийраклик, тадбиркорлик, ноинсофлар таноби риштасини тартиб қўйишлик, адолат ногорасини чалиб туришлик, мамлакат душманларининг кирдикорларини ҳисобга олиш, эътиқоди, имони суст бўлган исёнкор ёшларни аниқлаш, тартибга чақириш учун ",оламининг шарқу гарбига айғоқчилар тайин қилинсин,"[2;Б.203] яъни, ўша даврнинг махсус хизмат фаолиятини ташкил этган ва иш фаолиятини доимо рағбатлантириб борган.

Мирзо Улуғбекни амавакиваччаси Мирзо Аҳмад билан орасида содир бўлган зиддиятли жараёни (1415 йил май ойида) пойтахт Ҳиротга етиб келганлиги ва бу ҳол ", фиску фасодчиларнинг номўътабар сўзларига эътиборан шаҳарлар ва фуқароларнинг ташвишларини орттирувчи кечмиш юз берибди"[3;Б.203] - деб таъкидланади. Подшоҳ Шохрух Мирзо томонидан ҳар иккала темурийзодаларга маслаҳат берилиб, Ҳиротга келишлари тавсия этилади, мусулмонлик ва инсоний ғамхўрлик килиш зарурияти уқтирилади.

Шу ўринда темурийлар даврида мамлакат мустаҳкамлиги, тинчлик, тотувлик, катта кичикларни ҳурмат қилиш, маънавий сокинлика эришишда ислом дини вакиллари, валийларини хизмати катта бўлганлигини таъкидлаш керак.

Шунингдек, бу даврда давлат ишлари қаторига хазинани юритиш, темурийлар олган қарзлар, уни қайтариш, сарф-харажат ишларида поклик масалалари доимо диққат масаласида бўлиб келган. Девон маблағларини ўзлаштирганлиги, иш фаолияти тафтиш қилинганда ",номақбул ҳаёти сурати ва но дуруст тирикчилиги сифати, мусулмонлар, мол-мулкига таъмаси ва девон маблағларини ўзлаштираётганлиги ҳамда унинг барча хиёнат - жиноятлари намоён бўлди"[4;Б.238] деб таъкидлайди.

Тарих сабоқларидан тўғри хулоса чиқара олмаган темурийзода амалдор ёки оддий амалдор бўладими ўз гуноҳлари учун эртами-кечми жавоб бериши муқаррар бўлган.

Бугунги кунга қадар ҳам жумбоқли бўлиб келаётган воқеа ҳисобланмиш, Мирзо Улуғбек ва унинг ўғли Абдуллатиф ўртасидаги зиддият ва у кишининг вафоти масаласи. Кичик тадқиқотимиз орқали қуйидаги манбалар орқали ёритилишини олиб қараймиз:

1. "Мирзо Улуғбек расадхонаси" мажмуаси илмий ходими И. Сирожиддинов бу жараёни қуйидагича изоҳлайди: ота -болани бир - бирига қарама - қарши қўйган мўғул хонлари бир ўқ билан икки буюк миллат фарзандларини қарама -



қарши қилишга улгурганлар. "Улуғбек ва Абдуллатифни ўлдирган Аббос ва Бобо Хусайнлар мўғул хонлари, Мўғлуқхоннинг одамлари эди" - деб ёзади[5;].

2. <https://arboblaz.uz> - "Ўзбекистон арбоблари" веб-сайтида бу воқеани қуйидагича ёритади: "Буюк олим бўлиш билан бирга, Улуғбек кучсиз саркарда эди. Асосий вақтини расадхонада ўтказар эди ва давлат ишларига кам вақт ажратган. Улуғбекнинг тўнғич ўғли Абдулатиф, руҳонийларнинг кескин таъсири остида отасига қарши уруш эълон қилади. Ўғли отасига Макка зиёратига боришликни таклиф қилади. 1449 йил Маккага сафари чоғи Улуғбек шариат қарорига мувофиқ, хоинона ўлдирилади"[6].

Бундан кўриниб турибдики, ҳатто Мирзо Улуғбекнинг вафотига муносабат ҳам тортишув ва тахминларга бойдир. Албатта, кейинги тадқиқотлар бунинг ҳолисона тарихини илмий тадқиқ этишади.

Биз кўпинча, Мирзо Улуғбекни адолатли шоҳ ва илм аҳлининг ҳомийси бўлганлиги биламиз. Аммо, унинг илм ва шеърятга ниҳоятда мухлис шахс эканлиги Алишер Навоийнинг "Мажолис ун - нафоис" асари орқали гувоҳ бўламиз. Навоий Мирзо Улуғбек баъзан шеър назмига ҳам майл этар эди., деб таъкидлайди. Мирзо Улуғбек форс тилида қуйидаги байтни айтган экан:

Ҳарчанд мулки ҳусн дар зери нигини туст,  
Шўҳи макун, ки чашми бадон дар камини туст!

Таржимаси: Қанчалик давлат узуги қўлингда бўлса ҳам, ҳазил ва шўхлик қилмагилки, ёвузқишиларнинг кўзлари сен томон қаратилган! [9;Б. 197-198]

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Амир Темур балки ўзи ҳам кутмаган бир равишда она юртида маданий ва маърифий юксалиш, буюк тараққиёт билан бир қаторда оламшумул фалсафий-илмий дунёқарашнинг шаклланишига сабабчи бўлди, темурийзода подшоҳлар эса, унинг тараққийпарвар фаолияти ва амалий равнақиға ҳисса қўшди.

Юқорида айтилган сўз ва тарихий ҳақиқатга яна бирор хулоса ёки фикрни қўшиш, таъкидлаш жуда мушкул иш. Аммо моддийлик ва маънавийлик, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тутқинлик ўртасида содир бўладиган абадий кураш қонуни доимий ҳаракатда эканлигиға амин бўламиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

1. Абдурразоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс - тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. - Т.: Фан, 1969. Б.203
2. Абдурразоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс - тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. - Т.: Фан, 1969. Б.203
3. Абдурразоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс - тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. - Т.: Фан, 1969. Б.203
4. Абдурразоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс - тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. - Т.: Фан, 1969. Б.238
5. <http://www.e-tarix.uz/maqolalar/552-maqola.html>
6. <https://arboblaz.uz/uzkr/people/mirzo-ulugbek>
7. Чориев Н.К. Шарқ Уйғониш даври ва Улуғбек академияси. // "Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни" мавзусида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. Тошкент - Самарқанд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти 2007. Б.197-198.



**XOTIRA**

# TIRIKLARDAN TIRIKROQ ALLOMAI ZAMON

*Сизга халқимиздан эҳтиром, эъзоз,  
Маърифат аҳлига чўққи, нишонсиз.  
Қанча таърифласак, шунча бўлур оз,  
Элига ардоқли Поён Равшансиз.  
Момохол Элмуродова*

Оламнинг сарвари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг "Бешикдан қабргача илм изланг!" деган муқаддас ҳадиси ҳаётнинг гултожи - инсон умрининг зийнати мазмун-моҳияти билан янада юксак бўлишини англатади.

Шунингдек, ҳадис илми султони ҳазрати Имом Бухорийнинг "Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган" деган дурдона ҳикматида ҳам олам-олам маъно мужассамдир.

Шарқ Уйғониш (Ренессанс) даврининг бешиги ҳисобланган Турон заминидан етишиб чиққан етук алломалар илм-маърифатнинг турли йўналишларида самарали ижод қилишгани жаҳон аҳлига яхши маълум ва тўла эътироф этилмоқда. Шу боисдан ҳам жаҳон илмий жамоатчилигида "Ўзбекистон - алломалар юрти" ибораси кўп қўлланилмоқда.

Юртимизда Ренессанс - Уйғониш даврида хоразмийлар, бухорийлар, самарқандийлар, шошийлар, фарғонийлар, насафийлар, кешийлар, термизийлар тахаллуслари билан самарали ижод қилишган алломалар жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшишган.

Қашқадарё воҳаси нахшабий, насафий, қарший, касбавий, баздавий, косоний, офуроний, субахий, гузорий, кеший каби тахаллуслар билан баракали ижод қилишган маърифатпарварлар ҳам жаҳонда доврўқ қозонишган.

Воҳанинг ана шундай буюк алломалари издошларидан бири машҳур тарихшунос ва таниқли адабиётшунос олим Поён Равшанов (1941-2020) ҳисобланади. Муқаддас ҳадислардаги "Дунёда ўтганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар!" эзгу даъватга кўра Қашқадарё воҳаси олимларининг сардори П.Равшановнинг сермазмун ҳаёт йўли ва самарали илмий фаолияти ҳақида тўхтаб ўтмоқчимиз. Лекин бу Беназир сиймо ҳақида мухтасар битик битиш ниҳоятда мушкул, шу баробарида ниҳоятда масъулиятли ҳамдир. Чунки, устознинг бой мероси ва юксак маънавий фазилатлари теран таҳлил этиш чуқур билим ва тафаккурни талаб қилади, албатта.

Мамлакатимиз илм-маърифат аҳли ўртасида доврўқ қозонган олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Қашқа воҳаси тарихшунос ва адабиётшунослари ялов-



бардори, Қарши давлат университети профессори П.Равшановнинг сермазмун ҳаёт йўли ва самарали илмий педагогик фаолияти ҳақда ибратлидир.

У 1941 йил 20 июлда Қашқадарё вилояти Қамаш туманида Катта Дустберди қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топиб, болалиги Иккинчи жаҳон уруши оқибатларини бартараф этишдек қийин даврда ўтди. 1958 йилда қишлоғидаги ўрта мактабни олтин медаль билан битирди. Самарқанд давлат университети филология факультетига ўқишга кириб, ўз даврининг етук олимлардан сабоқ олди. 1963 йилда олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатиб, бир муддат Самарқанд вилоятидаги ҳозирги "Зарафшон" газетасида адабий ходим бўлиб ишлади.

Табаррук ҳадисларда муҳрлангандек, "Илм саҳрода - дўст, ҳаёт чорраҳаларида - таянч, ёлғиз дамларда - йўлдош, бахтиёр дақиқаларда - раҳбар, қайғули дамларда - зебу зийнат, душманларга қарши курашда - қуролдир". Ёшлигидан илмга чанқоқ Поён Равшановнинг 1964 йилдан бошлаб 55 йилдан зиёд илмий-педагогик фаолияти ҳозирги Қарши давлат университети билан чамбарчас ҳолда кечди. У мазкур олийгоҳда "Ўзбек адабиёти" кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, филология факультети декани, қарийб ўн йил мобайнида университет ўқув ишлари проректори лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Ўз даврининг етук фузалоси, таниқли адабиётшунос олим, профессор Орифжон Икромов раҳбарлигида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ёқлади (1973), кейинчалик доцент (1976), профессор (1995) унвонларига сазовор бўлди. У кўплаб минтақавий, республика ва халқаро илмий анжуманларда ўзининг сермазмун маърузалари билан фаол қатнашди.

П.Равшанов асосий ишидан ажралмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ҳозирги Бошқарув академияси "Ўзбекистоннинг янги тарих" марказида етакчи илмий ходим сифатида ўриндошлик асосида ишлаб, тарихшунос профессорлар Р.Шамсутдинов, Қ.Усмонов, Ҳ.Содиқовлар билан ҳамкорликда "Ўзбекистоннинг янги тарихи: Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида" 1-жилдини тайёрлади ва нашр эттирди (Т.: "Шарқ", 2000).

Аллоҳ таоло барча мукаддас инсонларни турли замонларда доимо илмга тарғиб қилган. Масалан, Қуръони каримнинг биринчи илоҳий ояти "Ўқи!" деб нозил бўлганлиги ҳам бутун инсониятни илмга чорлаганлигидан далолатдир. Мазкур муқаддас китобда "Илм" калимаси кўп марта тилга



## XOTIRA

олинганлиги бежиз эмас, албатта.

Ана шу пурҳикмат нақлларни дилига жо қилган П.Равшанов бутун иқтидори ва салоҳиятини юксак даражадаги қамровдор олим сифатида педагогик, маънавий-маърифий ишлар билан биргаликда адабиётшунослик, бадиият (поэзия, проза), таржима, ватан тарихи, темуршуносликда самарали илмий тадқиқотлар олиб бориб, салмоқли асарлар яратдики, бундай сермахсул олимлар мамлакатимизда жуда кам учрайди. Ниҳоятда қамровдор илмий-педагогик фаолияти туфайли кенг жамоатчиликка танилди ва мамлакатимиз раҳбарияти эътиборига тушди ва халқимизнинг юксак эҳтиромига сазовор бўлди.

Сермахсул олимнинг "Адабий саҳифалар", "Тарих бадиияти", "Завол" ("Мўмин Мирзо"), "Амир Темур тугилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси", "Сайиднаби қоровулбеги", "Қашқадарё тарихи", "Жейнов тарихи", "Амирлашкар Алимқул тарихи", "Амир Темур хонадони", "Ҳофиз Рўзибой Машраб", "Аждодларимиз қадр", "Ўзбекистоннинг янги тарихи" (1-ж.), "Малика Кенагас Ойим ёхуд Амир Насруллонинг ўлими қиссаси", "Амир Темур ватани", "Қашқадарё истиқлол арафасида: 1986-1989", "Ватан тарихидан: Турон VII-IX асрларда", "Нахшаб - Кеш тарихи манбалари", "Қарши тарихи", "Дагар полвон", "Мозий сабоғи", "Шаҳрисабз тарихи", "Қизил истибдод исканжасида" (3 жилдлик), "Амир Темур сулоласи", "Султон Мир Ҳайдар Ота даражоти", "Темурийлар силсиласи", "Оқсарой тарихи", "Пўлати тарихи", "Қашқадарё тарихига саёҳат" каби тарихий-адабий мавзудаги китоблар, "Сайланма" (4 жилдлик) ҳамда кўплаб бадииятга доир китоблар ёзган.

П.Равшанов истиқлол арафасида Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома" асарини форс тилидан маҳорат билан таржима қилиб, нашр эттирди. Мазкур китоб 1990 йилда 200 минг, 1991 йилда ҳам 200 минг, жами 400 минг нусхада чоп этилди. Бу мустабид шўро тузуми вақтида чинакам маънавий жасорат эди. Шунингдек, олим Ҳасан Ато Абушийнинг "Туркий қавмлар тарихи" китобини нашр эттирди.

Олим шаклланаётган миллий темуршунослик равнақига ҳам сезиларли ҳисса қўшди. Унинг "Ёшлик" журнали 1989 йили 10-сондаги "Соҳибқирон муҳри" мақоласи жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотган эди. Юртимиз мустақиллигидан сўнг П.Равшановнинг илмий-ижодий фаолияти янада юқори поғонага кўтарилди. У республикамиз вилоятлари ичида биринчи бўлиб, "Қашқадарё тарихи" номли салмоқли китобини яратди (1995). Бу мукамал китоб илмий соҳа вакиллари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Ҳозиргача ҳам кўпгина вилоятлар тарихи бўйича ҳам бундай муҳташам китоб яратилмаган. Ушбу китобга тақриз ёзган машҳур тарихчи академик Б.Аҳмедов унга юксак баҳо берганди: "Поён Равшановнинг мазкур асари муҳим ва таҳсинга сазовордир. Асар тарих фани учун янгилик бўлиб қадимий ва навқирон маънавиятимиз тараққиётига қўшилган муносиб ҳиссадир".

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов ҳам мазкур китобни яратишда Поён домланинг машаққатли хизматларини алоҳида эътироф этганди: "Поён



Равшанов "Қашқадарё тарихи"ни яратиб, инсоф юзасидан айтиш жоизки, ўзига ҳайкал тиклади. Бу салмоқли асар воҳанинг қарийиб уч минг йиллик кечишини қамрайди. Бу хилдаги китобларни ёзиш учун билимдан ташқари катта қалб, юртга муҳаббат бўлмоғи лозим, албатта. Дўстимизда булар жамулжам".

Поён Равшанов 70 га яқин китоб, монография, рисола, қўлланма, 50 та тарихий қисса, 5000 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир. Устознинг архивида ўнга яқин нашрга тайёрланган китоблари, қўлёзмалари анчагина қораламалари ҳам сақланмоқда. Олимнинг барча асарлари мухтасар рўйхати (библиография) тузилса, алоҳида салмоқли рисола бўлиши мумкин.

Олимнинг китобларига Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири А.Орипов, Халқ шоирлари - Ж.Жабборов, Н.Нарзуллаев, Б.Бойқобилов, Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор О.Шарафутдинов, академиклар Б.Аҳмедов, К.Шониёзов, С.Мамажонов ва соҳанинг бошқа кўплаб етук мутахассислари сўзбошилар ва тақризлар ёзишган.

Юртимиз қишлоқ ва шаҳарларидаги кўплаб хонадонларда, жойлардаги ахборот-кутубхона марказларида домланинг китобларини кўриш мумкин. Яна кўпчиликка устознинг исми-шарифи ва китоблари жуда яхши таниш. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича кенг қамровли эзгу тадбирлар доирасида жойларга энг сара китоблар тарқатилмоқда. Халқимизнинг асл фарзандлари ҳам ўзлари таҳсил олган таълим муассасаларига китоблар совға қилишмоқда. Қувонарлиси, П.Равшановнинг китоблари ҳам энг ўқимишли китоблар рўйхатига киритилиб, мамлакатимизнинг турли ҳудудларига тарқатилмоқда. Бу ҳам олимнинг юксак илмий ва бадий салоҳиятининг нишонасидир.

Ҳаёт адабий, умр ўткинчи деганларидек донишманд олим Поён Равшанов 2020 йил 24 августда бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар. Илоҳим, домланинг жойлари жаннатда бўлиб, охиратлари обод бўлсин! Зеро, табаррук ҳадисларда битилганидек, "Инсонларни илмдан баҳраманд қилиш савоб ишдир. Демак кимки китоб чиқариш йўлида риёзат чекса у жаннатидир".

Халқимизда "Боғбон кетар, боғ қолар" деган пурҳикмат нақл мавжуд. Устоздан ҳам гўё сермева боғ авлодларга мерос бўлиб қолди. Эл-юртга беминнат хизмат қилувчи фарзандлари, зукко невара-чеваралари, садоқатли, иқтидорли шогирдлари, халқимизга қилган яхшилигу эзгу амаллари, илмий ва бадий мероси устозга қўйилган бамисоли ҳайкал дейиш мумкин.

Устозда ниҳоятда бой манбалар хазинаси мавжудки, уни мамлакатимиздаги бой шахсий кутубхоналардан бир ҳисобланади. Шунингдек, бу маскандаги кўплаб нодир қўлёзмалар ўрганилса, халқимиз айниқса ёшлар маънавий дунёси янада ошади. Домланинг ўз шахсий кутубхонасида фарзандлари, шогирдлари, ёш иқтидорли ўқувчилар, талабалар, турли ҳудудлардан келган ижодкор зиёлилар билан қизгин мулоқотини кўриш мум-



## XOTIRA

кин эди. Мазкур нурхона воҳа ижодкорларининг маънавият ошёнига айланган эди, десак асло муболаға бўлмас.

Кейинги 30 йилдан зиёд вақт давомида домла билан бир университетда, бир факультетда (у киши тарих филология факультети декани эдилар) илмий-педагогик фаолият давомида тарихшунослиги бўйича кўплаб мулоқотлар қилинган. Эсимда, 90-йил бошларида П.Равшанов олийгоҳдаги илмий конференция ялпи мажлисида Қашқадарё воҳаси ўтмиши ва кечмиши, буюк алломалари мероси ҳақида сермазмун маъруза қилганда залдаги ўқитувчилар, ҳаттоки соҳанинг етакчи олимлари ҳам маъруза мазмунини унчалик тушунмаганликларини эътироф этишганди. Чунки, у вақтда совет мафкураси ҳукмрон, анжуман иштирокчилари ғарбпараст, тарихчиларнинг кўпчилиги советолог (советшунос) эди. Жамиятда эндигина бироз илиқлик бошланган, мустақиллик эпкилари эса эндигина бошлаган бир пайтда билимдон маърузачи фикрларининг мағзини чақишга бу иштирокчиларнинг салоҳияти етарли эмас эди.

Ҳозирда ҳам бу соҳадаги аҳвол қониқарли бўлмай, қадимги ва ўрта асрлар тарихи, археология, тарихий манбашунослик, этнология, нумизматика, палеография каби йўналишлар бўйича мутахассислар етишмайди ёки баъзилари бўйича йўқ деярли. Рўй-рост айтиш керакки, ҳозирги тадқиқотчиларнинг баъзилари "Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтишмоқда". К.Шониёзов, Б.Х.Кармишева, Р.Сулаймонов, У.Уватов, П.Равшанов каби ҳассос олимлар бир китобини 30 йиллаб ёзишмайди-да.

Поён Равшановда чинакам олимларга хос бўлган ноёб фазилатлар муржаасам эди. У илм ва ижод билан мунтазам шуғулланар, форс, тожик, араб, рус, Ўрта Осиё туб халқлари тилини пухта эгаллаган эди. Тарихни манбасиз ўрганиб бўлмаслигини теран тушуниб, Москва, Санкт-Петербург, Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги давлат архивларида кўп йиллар ишлади ва ноёб маълумотларни илмий йўналишга киритди.

Тарих, археология, этнография, антропология, нумизматика, лингвистика, фольклор, архив, оғзаки тарих маълумотларига таяниб, ўзининг салмоқли асарларини яратди. Китоблари ниҳоятда мукамал бўлиб такрорлаш, саёзликдан умуман йироқ. Қизиги шуки, у кишининг оғзаки ва ёзма нутқи бир текисда равон, ўқимишли ва жозибадор эди. Домланинг асарларида ўзига хос "тили" мавжуд бўлиб, ўқиган синчков ўқувчи тезда буни дарҳол илғаб олади.

Поён домлага донишмандлардан бирнинг "Ҳақиқий олим шундай кишики, унинг сўзи, ўзи, фикри ва иши бир хил бўлади", деган ибораси тўла тааллуқли десак асло муболаға бўлмайди.

П.Равшанов том маънода юксак салоҳиятли ижодкор олим бўлиб, адабиётшунослик, манбашунослик, матншунослик, тарихшунослик, бадиият (назм, наср), публицистика каби йўналиш ва жанрларда баравар қалам тебратарди. Бундай талант, салоҳият камдан кам олимларда учратиш мумкин. Илмий жамоатчилик ўртасида у киши ҳақида: "Исми Поён бўлса ҳам, билими бепоёнда" деган иборани кўп маротаба эшитганмиз.

Домла ниҳоятда хушмуомала, оддий, камсуқум, одамхун, одамлар, ай-



ниқса ёшларга гамхўр эди. Бошқалардан асло ёрдамани аямасди. Хонадонидан ижодкорлар аримасди. Уларга ижод сирларини ўргатар, рисола, китобларига тақриз ёзар, қораламаларини кўриб берар эди, ижодкорларнинг ютуқларидан қувониб, уларга оқ йўл тиларди.

Ҳар сафар янги китоб чиқариб, берганимда беҳад қувонарди. Мен домлага "Сиз, ҳар йили 2-3 та китоблар чиқарасиз, сизга асло етиб ололмаймиз", десам мийиғида кулиб қўярди. У киши "Адабиётшунос Алишер Навоий ижодини, тарихчи эса Амир Темур даври тарихини теран билса яхши малакали мутахассис бўлиб етишади", деб кўп такрорларди.

П.Равшанов қарийб 60 йиллик илмий педагогик фаолиятида оддийлиги, камтарлиги, хушмуомалалиги, ёшларга қайиша билиши, жонкуярлиги, билими ва тажрибали мураббийлиги билан мамлакатимизда катта обрў-эътибор қозонганди. Бу диёнатли, комил инсон бутун онгли ҳаётини эл-юрт манфаатларини рўёбга чиқаришга, бор билими ва тажрибасини олий таълим равнақига ҳамда илм-маърифат тарқатишга бағишлади.

Устоз аллома ўз шогирдларига доимо "Инсонларга керак бўлишдан ортиқ бахт йўқ, кераксиз бўлиб қолишдан ёмон бахтсизлик бўлмаса керак" деб, қайта-қайта таъкидларди. Ҳаттоки, кейинги йилларда улуг ёшдалигига қарамасдан ҳам қаламини қўлидан асло қўймади, салмоқли китоблар ёзди, ижодкор ёшларга йўл-йўриқлар кўрсатди, матбуот ва ОАВлар орқали чиқишларда ва учрашувларда фаол қатнашди.

П.Равшанов ўзининг сермазмун илмий ва ижодий фаолияти доимо муқаддас ҳадисларга амал қилиб келган эди: "Бор илми ва билимини ёзиб қолдирган олим авлодлар ҳурматига сазовордир", "Олиму фузалолари, шоиру донолари бор халқ доимо бахтлидир", "Ҳаёт ва турмуш китобини ўқиш ва ундан олинган сабоқларни ўзига татбиқ этиш саодатдир".

Алломанинг эл-юрт олдидаги фидокорона меҳнатлари "Шуҳрат" нишони (1996) билан тақдирланди ва унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" (2003) фахрий унвони берилди.

Домла Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллик юбилейлари, буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги доирасидаги маърифий тадбирларида фаол қатнашди. "Навтака" жамғармаси, "Қашқадарё алломалари меросини ўрганиш илмий маркази"га раҳбарлик қилиб, кенг қамровли илмий изланишлар олиб борди.

(Давоми куйинги сонда)



# TURKISTON MUXTORIYARI HUKUMATI A'ZOLARINING FAOLIYATI VA KEYINGI TAQDIRI

Қаҳрамон Ражабов,  
ЎзФА Тарих институти профессори

**Таянч сўз ва иборалар:** Туркистон, Мухторият, истило, ҳукумат, Қўқон ҳукумати, миллий, мажлис.

Ўзбек халқи миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухторияти ҳукумати алоҳида ажралиб туради. Мухторият ҳукумати қисқа фурсат (1917 йил 27 ноябрь – 1918 йил 22 февраль) фаолият кўрсатган бўлса ҳам, у тарихимизда чуқур из қолдирди. Шу кунларда Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинганлигига 100 йил тўлмоқда. Фақат Ўзбекистонда эмас, балки қардош туркий давлатларда ҳам бу сана илмий жамоатчилик томонидан кенг нишонланмоқда.<sup>1</sup>

Тарихдан маълумки, Қўқон шаҳрида 1917 йил 26 – 28 ноябрда (янги ҳисоб билан 8 – 10 декабрда) бўлиб ўтган Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқуллода IV қурултойида Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинди. Қурултойда Туркистон ўлкасини Россия Федератив Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилинди. Шунингдек, Таъсис Мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимиятни Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Миллий [Миллат] Мажлиси қўлида бўлиши керак деб ҳисоблади.

Қурултойда Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларидан Туркистон Мухторияти ҳукумати (8 нафар кишидан иборат) тузилди. Европалик аҳоли вакиллари орасидан номзодлар кўрсатилиши учун уларга ҳам яна 4 ўрин ажратилди. Ҳукумат таркибига қуйидагилар киритилди:

1. Муҳаммаджон Тинишбоев[Тинишпаев] (1879 – 1938) – Бош вазир ҳамда ички ишлар вазири, II чақириқ Давлат Думасининг аъзоси, Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети аъзоси, йўл муҳандиси.

2. Ислон Султон Шоаҳмедов[Шоислом Шагисултанович Шагиахмедов] (1882 – 1921) – Бош вазир ўринбосари, Бутунроссия мусулмонлари Шўроси Ижроия Комитети аъзоси, ҳуқуқшунос.

3. Мустафо Чўқай[Мустафо Чўқай ўғли; Мустафо Чўқаев] (1890 – 1941) – ташқи ишлар вазири, Туркистон мусулмонлари Марказий Шўроси раиси, ҳуқуқшунос.

<sup>1</sup> Туркистон Мухторияти ҳукумати ҳақида таниқли ўзбек тарихчиси профессор Саидакбар Аъзамхўжаевнинг қуйидаги асарларига қаранг: Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. –Т.: "Маънавият", 2000. – 168 бет; Агзамходжаев С. История Туркестанской Автономии (Туркистон Мухторияти). –Т.: Издательско-полиграфическое объединение "Тошкент ислом университети", 2006. – 268 стр.



4. Убайдулла Хўжаев[Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев] (1886 - 1942) - халқ милицияси раҳбари [ҳарбий ишлар вазири], Бутунроссия мусулмонлар Шўроси Ижроия Комитети аъзоси, ҳуқуқшунос.

5. Ҳидоятбек Юрвали Агаев[Ҳидоятбек Юрғули Акаев] (? - 1918) - Ер ва сув бойликлари вазири, агроном.

6. Обиджон Маҳмудов(1871 - 1936) - озиқ-овқат вазири, Қўқон шаҳар Думасининг раис ўринбосари, тоғ-кон саноати мутахассиси.

7. Абдураҳмонбек Ўразаев(1888 - ?) - ички ишлар вазирининг ўринбосари, ҳуқуқшунос.

8. Соломон Абрамович Герцфельд(1881 - 1918) - молия вазири, ҳуқуқшунос<sup>2</sup>.

Туркистон тарихидаги дастлабки демократик ҳукуматнинг таркиби билан биргаликда қурулғойда Халқ Мажлиси [Миллий Мажлис] ҳам ташкил қилинди. Халқ мажлисига 54 ўрин белгиланди. Унга 32 нафар вакил мусулмонлардан ва яна 4 нафар киши маҳаллий бошқармалардан киритилиб, улар 36 нафар бўлди. Европаликларнинг ташкилотларига эса 18 ўрин ажратилди<sup>3</sup>.

Қурулғой жараёнида Миллий Мажлис таркибига қуйидаги 32 нафар киши сайланди: Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқай, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Садриддинхон Шарифхўжаев, Қўнғирхўжа Ҳожинов, Исмадулла Убайдуллин, Саидносир Миржалилов, Шерали (Серали) Лапин, Саид Жаъфарбой Саидов, Ислом Султон Шоаҳмедов, Абдураҳмонбек Ўразаев, Ҳидоятбек Юрвали Агаев, Носирхон Тўра (Носирхонтўра Камолхонтўраев), Миродил Мирзааҳмедов, Тошхўжа Ашурхўжаев, Абдулқодир Қўшбеғиев, Обиджон Маҳмудов, Жамшибдой Қорабеков, Соломон Абрамович Герцфельд, Абдусамад Абдусалимов, Убайдулла Дербисалин, Муса Акчурин, Мустафо Махсуров, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Иброҳим Далшин, Муҳаммаджон Тинишбоев, Халил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Камол Раҳмонбердиев [Камол қози], Олимхонтўра Шокирхонтўраев, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров<sup>4</sup>. Халқ Мажлиси раиси лавозимига Сайланган Шерали Лапин (1868 - 1919) бу таклифни рад этди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига 1917 йил декабрда Носирхон Тўра [Носирхонтўра Камолхонтўра ўғли] (1871 - 1935) маориф вазири сифатида киритилди, Саидносир Миржалилов (1884 - 1937) ҳукумат хазиначиси (газначиси) бўлди<sup>5</sup>. Шунингдек, Миродил Мирзааҳмедов ҳам ҳукумат таркибига киритилди<sup>6</sup>. Бундан ташқари ҳукумат таркибида бошқа ўзга-

<sup>2</sup>"Улуғ Туркистон" (Тошкент), 1917 йил 8 декабрь.

<sup>3</sup>Аъзамхўжаев С.Туркистон Мухторияти. -Б. 130; Мингнарлов А.Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши (1917 - 1918 йиллар). -Т.: "Истиқлол нури", 2013. -Б. 104 - 105.

<sup>4</sup>Қўқон Муваққат халқ шўроси ҳайъати // "Улуғ Туркистон", 1917 йил 8 декабрь; "Эл байроғи" (Қўқон), 1917 йил 9 декабрь.

<sup>5</sup>"Улуғ Туркистон", 1918 йил 7 январь.

<sup>6</sup>Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М. ЖҒраев. -Т.: "Шарқ", 2000. -Б. 53 - 54.



ришлар ҳам бўлди. М. Тинишбоев Алаш Ўрда ҳукумати фаолиятида қатнашиш учун декабрь ойи бошларида Оренбургга жўнаб кетгач, 1917 йил 12 декабрда Мустафо Чўқай унинг ўрнига Бош вазир лавозимини эгаллади. Ислон Шоаҳмедов С. А. Герфельд ўрнига молия вазири, йирик сармоядор Рафаэль Потеляхов О. Маҳмудов ўрнига озиқ-овқат вазири қилиб тайинланди. Совет ва партия тарихчиси П. Алексеенковнинг ёзишича, Обиджон Маҳмудов юстиция<sup>7</sup> вазири бўлди. Полковник Магди Чанишев ҳукуматнинг ҳарбий кенгаш раиси бўлди. Ҳарбий ишлар вазири бўлган Убайдулла Хўжаевнинг лавозими ўзгартирилиб, у халқ милицияси раҳбари ва жамоат хавфсизлиги вазири лавозимини эгаллади. Бундан ташқари ҳукумат таркибига этник жиҳатдан бухоро яҳудийларига мансуб бўлган йирик сармоядорлар ака-ука Ёқуб Вадыев (1868 - 1936) ва Сион Вадыев (1878 - 1943), "Юсуф Давидов" ва "Кнапп-Зигель" савдо фирмалари вакиллари ҳам киритилди<sup>8</sup>.

Қўқон шаҳри Тошкент, Скобелев ва бошқа шаҳарлардан келтирилган большевикларнинг ҳарбий кучлари: қизил гвардиячилар отрядлари ва арман дашноқлари дружиналари томонидан ўраб олинган пайтда Туркистон Мухторияти ҳукумати ичида яна ўзгаришлар юз берди. 1918 йил февраль ойи ўрталарида уламочилар ҳукуматни эгаллашди. Бош вазир Мустафо Чўқай ва унинг яқин сафдошлари ҳокимиятни тарк этди ҳамда Қўқондан чиқиб кетди. 18 февралда (янги ҳисоб билан) Қўқон шаҳар машрабларининг бошлиғи (қўрбошиси) Кичик Эргаш (1885 - 1918) Мухторият ҳукуматида ҳокимиятни эгаллади. Кичик Эргаш томонидан ҳарбий вазир М. Чанишев ва айрим вазирлар, рус офицерлари қамоққа олинди. Қисқа муддат давомида ҳукуматда "Шўрои Уламо" вакилларининг таъсири кучли бўлди<sup>9</sup>. Кичик Эргаш қўрбоши 20 февралда Қўқон шаҳридан жанг билан чиқиб кетишга мажбур бўлди. У 18 - 22 февралда Туркистон Мухторияти ҳукуматини бошқарди.

Ўлка большевиклари Туркистон Мухторияти ҳукуматига катта хавф деб қарадилар. Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва крестьян депутатларининг Тошкентда 1918 йил 19 - 26 ноябрда бўлган фавқулодда IV съездида мухторият ҳукуматига муносабат масаласи асосий ўринда турди. Съезд Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолда деб ҳисоблаб, ҳатто вазирларни қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилди. 1918 йил 30 январда Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети Туркистон Мухториятини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Тошкентдаги большевиклар бунинг учун қизил гвардиячилар отрядлари ва арман дашноқлари ("Дашнакцутюн") дружиналаридан кенг фойдаланди. Миллий матбуотнинг ёзишича, 31 январда (янги ҳисоб билан 13 февралда) жанглار бошланди. Большевиклар 31 январда Скобелев (ҳозирги Фарғона),

<sup>7</sup>"Улуғ Туркистон", 1918 йил 31 январь.

<sup>8</sup>Алексеенков П. Кокандская автономия. -Т.: Узгиз, 1931. -С. 26.

<sup>9</sup>Алексеенков П. Кокандская автономия //Революция в Средней Азии. Сборник 1. -Т.: Издательство "Правда Востока", 1929. -С. 40.



Андижон, кейинчалик Перовск (ҳозирги Қизил Ўрда) шаҳарларида 200 нафардан ортиқ аскарларни Қўқонга ташлади. Скобелевдан келтирилган ҳарбий отрядга Константин Осипов бошчилик қилган. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 14 февралда (янги ҳисоб билан) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилди<sup>10</sup>.

Дастлабки жангда мухториятнинг тахминан 1000 нафар кишидан иборат миллий қўшинидан ташқари қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам қатнашди. Асосан болта, гўкич, таёқ кўтарган халойиқнинг сони 10 000 нафар кишига етди. Шунга қарамай, қуролсиз бу кишилар қизил гвардиячилар Қўқон шаҳрига қилган ҳужумини уч кун давомида мардонавор қайтардилар. Шу орада мухториятчилар сафида парокандалик юз берди (юқорида айтиб ўтилганидек, 18 февралда уламочиларнинг тазйиқи билан Мустафо Чўқай истеъфога чиқди ва баъзи вазирлар сингари Қўқонни тарк этди. Айрим вазирлар жанглarda ҳалок бўлди ёки душман қўлига тушиб қолди. Мустафо Чўқайнинг кейинчалик ёзишича, "Бу пайтда ҳуқуқ аъзоларидан Миродил [Миродил Мирзааҳмедов], Абдурахмон Ўрозий [Абдурахмонбек Ўразаев], Ҳидоятбек Юргули [Ҳидоятбек Юрали Агаев] ҳамда мен [Мустафо Чўқайнинг ўзи кўзда тутилмоқда - Қ.Р.] Қўқонда эдик... Носирхон Тўра Наманганда, Ҳарцфельд [Соломон Герцфельд] Самарқандда, Убайдулло Хўжа [Убайдулло Хўжаев] Ашхобод - Самарқанд йўлида, Обиджон [Обиджон Маҳмудов] Бухорода, Шаҳмадбек [Ислом Султон Шоаҳмедов] эса Қўқон қўргони ичида экан, большевиклар қўлига тушиб қолган эдилар<sup>11</sup>.

1918 йил 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е. Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлик ва артиллерия қисмларидан иборат 11та эшелондан иборат қўшин етиб келди. Умумий қўмондонлик К. Осипов зиммасига юкланди. 19 февралдан бошлаб 3 кун давомида большевикларнинг ҳарбий кучлари шаҳар устига тўплардан ёндирувчи снарядлар ёғдиришди. Шаҳар бутунлай вайрон бўлди ва ўт-олов ичида қолди. Қўқоннинг ўзида 3 кун давомида 10 000 нафардан зиёд киши ўлдирилди<sup>12</sup>.

"Қўқонд ҳозир ўликлар шаҳри" деган даҳшатли ибора билан тугайди. Ниҳоят, 1918 йил 22 февралда Қўқон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган "тинчлик шартномаси" имзоланди. Ушбу шартноманинг иккинчи моддасида "Аҳоли ўлка Халқ Комиссарлари Совети ҳокимияти ва барча маҳаллий совет ташкилотларини тан олади", деб ёзилган эди. Ҳа, ўққа тутилган, ўлдирилган, таланган ва таҳқир этил-

<sup>10</sup>Аъзамхўжаев С., Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 8. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004. -Б. 650 - 651.

<sup>11</sup>Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). -Т.: Гафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. -Б. 49.

<sup>12</sup>Раджабов К.К. Истиқлолчиликхаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918 - 1924 гг.). Автореферат дисс канд.ист.наук. -Т.: 1995. -С. 21 -22; Он же. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918 - 1924 гг.). Автореферат дисс докт.ист.наук. -Т.: 2005. -С. 39.



ган қўқонликларнинг тирик қолган қисми совет ҳокимиятини расмий равишда тан олишга мажбур бўлди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 кун умр кўрган бўлса ҳам, у эрксевар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъват этди. Бу ҳукуматнинг зўрлик билан ағдарилиши туркистонликлар томонидан совет Россиясининг Туркистонга нисбатан тажовузкор режалари мавжудлигининг яна бир далили сифатида қабул қилинди. Туркистонликлар тинч йўл (парламент) билан миллий давлатчиликни қайта тиклаш мумкин эмаслигини тушуниб, 1918 йил февраль ойининг охирида қўлларига қурол олган ҳолатда Туркистонда совет режими ва большевикларга қарши қуроли ҳаракатни бошлаб юбордилар.

1918 йил 30 апрелда Туркистон ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг V съездида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (баъзи манбаларда Туркистон Совет Республикаси) тузилганлиги эълон қилинди<sup>13</sup>. Совет ҳокимияти Туркистонда яшовчи маҳаллий халқларга гўёки совет автономияси бошқарувидаги "миллий давлатчилик" ва "мухторият"ни берди. Шу муносабат билан 1918 йил май ойининг бошларида амнистия эълон қилиниб, Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоларидан тирик қолганлари қамоқхонадан чиқарилди ҳамда вақтинчалик авф этилди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти ҳамда кейинги тақдири тўғрисида энди батафсил тўхталиб ўтамиз. Мухторият ҳукуматининг биринчи таркибига сайланган 8 нафар киши ҳақида қисқача маълумотлар қуйидагича:

Муҳаммаджон Тинишбоев – давлат ва жамоат арбоби, тарихчи олим. 1879 йил 12 майда Еттисув вилояти Лепсинск уезди Сафир волостининг Эчкиолмас тоғи этагида тузилган. Миллати – қозоқ. У 1889 – 1900 йилларда Верний эркаклар гимназияси, 1900 – 1906 йилларда Санкт-Петербург Императорлик институти – Александр I номидаги темир йўл транспорти инженерлар институтида ўқиди. 1907 йили II чақириқ Россия Давлат думаси депутати қилиб сайланди. 1917 йил апрелда тузилган Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети аъзоси. Айни пайтда Муваққат ҳукуматнинг Еттисув вилояти комиссари<sup>14</sup>. Қўқонда Туркистон Мухторияти ҳукумати 1917 йил 27 ноябрда ташкил топгач, ҳукуматнинг Бош вазири ва ички ишлар вазири (1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль). 1917 йил 5 – 13 декабрда Оренбургда ўтказилган II Бутунқозоқ съездида қатнашди. Бу съездда Алихон Букейхонов (1866 – 1937) бошчилигида Алаш автономияси (Алаш Ўрда ҳукумати) ташкил топди. У Алаш Ўрда ҳукуматида ички ишлар вазири (1917 йил декабрь – 1920 йил март) ва кейинчалик Бош вазир ўринбосари лавозимларида ишлади.

<sup>13</sup>Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917 - 1924 йиллар). -Т.: "Университет", 2002. -Б. 47 - 48.

<sup>14</sup>Марат Ескендирули (Эбдешев). Министры "Алаш Орды" (Қозоқ ва рус т.). -Алматы, 2008. -С. 75 - 77.



М. Тинишбоев кейинчалик Туркистон АССР ва Қозоғистон АССРда турли лавозимларда ишлади. Туркий халқлар тарихи ва этнографиясига оид турли асарлар ёзган ҳамда улар рус тилида Тошкентда нашр қилинган.

Совет ҳокимияти томонидан М. Тинишбоев биринчи марта 1930 йил 3 августда илк марта қамоққа олинди ва беш йилга РСФСРнинг Марказий қоратупроқ ҳудуди (ҳозирги Воронеж области)га сургун қилинди (1930 - 1935). Кейинчалик Тошкентда МКВД томонидан 1937 йил 21 ноябрда қайта қамоққа олинди ҳамда Тошкент турмасида 1938 йил 20 апрелда отиб ташланди<sup>15</sup>.

М. Тинишбоевнинг танланган асарлари Алматида нашр этилди. Қозоғистонда СССР тарқалгач, унинг хотираси шарафига кўплаб ҳайкаллари ўрнатилди.

Ислом Султон Шоаҳмедов - мусулмон жамоат ва сиёсат арбоби. 1882 йил 21 ноябрда Оренбургда туғилган. Миллати - татар. Оренбург эркалар гимназиясини тугатгач (1905), Санкт-Петербург университетининг аввал шарқшунослик, сўнгра юридик факультетида ўқийди (1905 - 1909). Петроградда 1917 йил ёзда ташкил қилинган Бутунроссия мусулмонлари Шўроси Ижроия Комитети аъзоси.

И. Шоаҳмедов 1917 йил кузида Тошкентга келиб, Туркистондаги мухториятчилик ҳаракатида фаол қатнашди. "Туркестанский край" (Тошкент, 1917) газетаси муҳаррири ва ношири. Туркистон мусулмонлари Марказий Шўроси аъзоси. Туркистон Мухторияти ҳукуматида Бош вазир ўринбосари, кейинчалик молия вазири бўлди. Туркистон Мухторияти Конституцияси лойиҳаси муаллифи. Мухторият ҳукумати тугатилган пайтда Қўқон қўрғони ичида большевиклар томонидан қўлга олинган (1918 йил февраль). "Улуғ Туркистон" газетасида 1918 йил баҳорида ёзилишича, у қамоқхонада қийноқлар натижасида ақдан озган ватурма лазаретига кўчирилган. Кейинчалик қамоқдан чиққан. Айрим маълумотларга қараганда 1920 йили Ҳиндистонга жўнаб кетган, бироқ орадан кўп ўтмай касалланган ва юртига қариндошлари ҳузурига қайтган<sup>16</sup>. У тахминан 1921 йилда вафот этган.

Мустафо Чўқай - таниқли давлат ва жамоат арбоби. Туркистон халқлари мустақиллиги учун изчил курашди. 1890 йил 25 декабрда Сирдарё области Перовск уезди Жопек волостидаги Авлиётарангил овулида (баъзи манбаларда Наршоки қишлоғида) туғилган<sup>17</sup>. Отаси Чўқайбей Тўрғай даҳоқ ўғли бўлиб (волость) бошлиғи, қозоқларнинг қипчоқ уруғи аслзодаларидан бўлган онасининг аждодлари Хива хонларига бориб тақалган.

Мустафо Чўқай бошланғич маълумотни Оқмачитда олгач, Тошкентдаги эркалар гимназиясида ўқиди (1902 - 1910). Санкт-Петербург университетининг юридик факультетини тугатган (1914). Айнан ушбу ўқув юрталарини 1899 ва 1904 йилларда кейинчалик Россиядаги Муваққат ҳукумат-

<sup>15</sup> [Ражабов Қ.]. Тинишбоев Муҳаммаджон //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 8. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004. -Б. 439.

<sup>16</sup> ШагиахметовШахислам (Ислом) Шагисултонович //Ислам в Санкт-Петербурге. Энциклопедический словарь. -Москва-Нижний Новгород: "Медина", 2009. -С. 301 - 302.

<sup>17</sup> Садыкова Б. Мустафа Чокай. -Алматы: "Алаш", 2004. -С. 231.



нинг Бош вазири бўлган Александр Керенский (1881 - 1970) ҳам тугатган эди. Мустафо Чўқай 1916 - 1917 йилларда Россия IV Давлат думасининг мусулмонлар фракциясида котиб ва таржимон бўлиб ишлайди. Туркистонда 1916 йили кўтарилган қўзғолон шафқатсиз бостирилгандан кейин Давлат думасининг А. Керенский бошчилик қилган махсус комиссияси таркибида август ойида Туркистон ўлкасида, жумладан, Жиззахда бўлиб вайронага айланган шаҳар харобаларини кўрган.

1917 йил апрелда Мустафо Чўқай Петрограддан Тошкентга қайтди ва Туркистондаги сиёсий жараёнлар марказида турди. У Тошкентда 1917 йил баҳоридан бошлаб "Бирлик туғи" ва "Свободный Туркестан" газеталарини чоп эта бошлади. 1917 йил 16 - 23 апрелда Тошкентда ўтган Бутунтуркистон мусулмонларининг I қурултойида Мустафо Чўқай раислигида Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (Краймуссовет), яъни Миллий Марказ ташкил қилинди. Оренбургда 21 - 28 июлда ўтган Бутунқирғиз [Бутунқозоқ]I съездида фаол қатнашди. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети аъзоси (1917 йил августдан). Тошкентда большевиклар томонидан зўравонлик билан ҳокимият босиб олинган, Мустафо Чўқай бошчилигидаги Миллий Марказ ноябрь ойи бошларида Қўқонга кўчиб борди. 1917 йил 27 ноябрда Қўқон шаҳрида ташкил қилинган.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташқи ишлар вазири (1917 йил ноябрь - 1918 йил февраль), кейинчалик Бош вазир (1917 йил декабрдан). Айни пайтда Оренбургда 1917 йил 5 - 13 декабрда бўлиб ўтган Бутунқозоқ II съездида қатнашди ҳамда Алаш Ўрда ҳукуматида ҳам ташқи ишлар вазири лавозимига сайланди.

Мухторият ҳукумати большевикларнинг ҳарбий кучлари томонидан тугатилган, 1918 йил февраль охирида Қўқондан чиқиб кетди ҳамда яшириш равишида март ойида Тошкентга келди ва бу ерда 2 ой яшади. У Тошкентда 1918 йил 16 апрелда эски таниши актриса Мария Яковлевна Горина (1888 - 1969) билан Тошкентдаги масжиддан никоҳдан ўтиб, турмуш қурди. Ёш оила 1918 йил 1 майда Тошкентдан 8 поездда Москвага жўнайди. Бироқ поезд Волгадаги жанговар ҳаракатлар сабабли Актюбинскага боради. 1918 йил июнда Самарада большевикларга қарши Таъсис мажлиси аъзолари комитети (Камуч) ҳукумати тузилди. Июль ойида Алаш Ўрда раҳбарлари Алихон Букейханов ва Мустафо Чўқай Самарага келиб, Камуч ҳукумати билан большевикларга қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузди. Бу пайтда Мустафо Чўқай Самара, Уфа, Омскда фаолият кўрсатди. 1918 йил 18 ноябрда ўз сафдошлари билан қамоққа олинган Мустафо Чўқай туркистонлик эсер Вадим Чайкин ва татар Илёс Алкин билан Челябинскда қамоқдан қочади. 1918 йил 1 декабрда Оренбургдаги Карвонсаройда (Бошқирдистон ҳукумати қароргоҳида) у билан Бошқирдистон ҳукумати раиси Аҳмад Заки Валидий ўртасида учрашув бўлди. Мустафо Чўқай қисқа муддат Камуч ҳукуматида фаолият кўрсатди.

Мустафо Чўқай 1919 йил февралда Европа давлатларига махсус мемо-



рандум билан мурожаат қилиб, Туркистондаги истиқлолчиларга большевикларга қарши курашини қўллаб-қувватлашга, совет режимини ағдариб ташлашга чақирди<sup>18</sup>.

Мустафо Чўқай қозоқ десантлари ва Каспий денгизи орқали 1919 йил баҳорида аввал Боку сўнгра Тифлис шаҳрига боради. У Тифлисте 2 йил яшайди. Бу ерда у мусулмонлар учун "Yeni D?nya" ва "?afak" газеталарини ташкил қилиб, "На рубеже" журнаliga муҳаррирлик қилди. Қизил армия Тифлисни босиб олгач, 1921 йил февраль ойида Мустафо Чўқай муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлди ҳамда Истанбулга етиб келди. Мустафо Чўқай хотини билан 1921 йил ёзида Парижга келди. Мустафо Чўқай муҳожирликда 20 йил яшаб, турли халқаро анжуманларда иштирок этди ҳамда матбуотда инглиз, француз, поляк, рус, турк тилларида ўткир публицистик мақолалар билан мунтазам қатнашиб турди. Парижда унинг рус тилида "Марказий Осиёдаги Советлар" (1928) ҳамда "Туркистон совет ҳокимияти остида" (1935) ҳамда турк тилида Париж - Берлинда "1917 йил хотиралари парчалари"<sup>19</sup> (1937) китобларини чиқарди.

Мустафо Чўқай 1929 йилдан бошлаб Туркистон Миллий Бирлиги Марказий Қўмитасининг раиси бўлди. 1929 - 1939 йилларда чиққан "Ya? T?rkistan" журнаliga муҳаррирлик қилди. Журнал Парижда тайёрланиб, Берлинда чоп этилган (унинг 117та номери чиққан).

ган Кичик Эрғаш қўрбоши 1918 йил 27 февралда қизил гвардиячилар ва арман дашноқлари билан бўлган тўқнашувларнинг бирида ўлдирилади .

Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазири Мустафо Чўқайнинг ташаббуси билан 1918 йил январда ҳукуматдаги қолган 4 ўринга ҳам вазирлар тайинланди. Бироқ уларнинг уч нафари бухоро яҳудийларидан эди. Хуллас, мухторият ҳукуматида 4 нафар вазир этник жиҳатдан бухоро яҳудийларига мансуб бўлган.

**(Давоми келгуси сонда)**



<sup>18</sup> Ражабов Қ. Мустафо Чўқай //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 6. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2003. -Б. 157.

<sup>19</sup> Қаранг: Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Сўзбоши муаллифи Б. Қосимов.-Т.: Фафур Фулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.-80 бет; Мустафа Чокаев. Отрывки из воспоминаний в 1917 г. Составление, предисловие, примечания С.М. Исхакова. Токио-Москва, 2001. 54 стр.



# **BUXORO XALQ SOVET RESPUBLIKASIDA PUL ISLOHOTI VA NARX-NAVODAGI O'ZGARISHLAR**

**Зухриддин Жунаев,**  
Навоий давлат педагогика институти.

**Таянч сўз ва иборалар:** БХСР, нарх-наво, пул ислоҳоти, Молия нозирлиги, Бухоро Иқтисодий Кенгаши (БухЭКОСО), ТАССР, нуқра танга, Марказий Ревком.

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) нинг иқтисодий сиёсатида молия ва савдо тизимларидаги ўзгаришлар, хусусан, пул тизими ва бу соҳада ўтказилган ислоҳотлар алоҳида ўрин тутди.

Бухорода амирлик тузуми афдариб ташлангач, нарх-наволарда ҳам ўзгариш бўлган. БХСР Савдо ва саноат назорати (нозирлиги) хабарларида айтилишича, 1921 йил 25 ноябрда Бухоро бозорларида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ўтин, кўмир, шам ва совуннинг баҳолари қуйидагича бўлган:

"1) Буғдой (бир ботмон<sup>1</sup>) -260.000 сўм; 2) ун (1 ботмон) -350.000 -360.000 сўм; 3) арпа (1 ботмон) -180.000 сўм; 4) жўхори (1 ботмон) -140.000 сўм; 5) кунжут (1 ботмон) -500.000 сўм; 6) кунжут ёғи (ярим пуд) -92.000 сўм; 7) қўй ёғи (ярим пуд) -110.000 сўм; 8) зиғир ёғи (5 қадоқ<sup>2</sup>) -80.000 сўм; 9) йирик туз (5 қадоқ) -4000 сўм; 10) совун (1 қадоқ) -5200 сўм; 11) шам (1 қадоқ) -8800 сўм; 12) биринч-гуруч (1 пуд) -200.000 сўм; 13) қўй гўшти (5 қадоқ) -20.000 сўм; 14) мол гўшти (5 қадоқ) -18.000 сўм; 15) ўтин (1 эшаги) -22.000 сўм; 16) кўмир (1 туяси) -12.500 сўм; 17) қора майиз (1 пуд) -12.500 сўм; 18) майда майиз (1 пуд) -200.000 сўм; 19) ёнғоқ чормағиз (1 пуд) -130.000 сўм; 20) мурч (1 пуд) -1.500.000 сўм; 21) чой (1 пуд) -2.200.000 сўм;"<sup>1</sup>.

Бухорода Республика тузуми ўрнатилгач, Бухоро пул тизимида ҳам катта ўзгаришлар юз берган. 1920 йил 5 сентябрда Туркистон fronti қўмондонни М.В. Фрунзе ва Марказдан келган бошқа Россия вакиллари нинг талаби билан Бухоро Халқ Совет Республикасида янги пул белгиларини жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилинган<sup>2</sup>. Бироқ ўша куни БХСР Халқ Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев ва Марказий Ревком раиси Абдулҳамид Орипов имзолаган 2-декретда Бухоро ҳудудида амалда бўлган эски пул белгилари то янги пул чиқарилгунга қадар муомалада юриши, шу билан бирга, РСФСР пул бирликлари Янги республика ҳудудида амал қили-

<sup>1</sup> Бир ботмон (манн)-оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, турли мамлакатлар ва турли даврларда унинг мезони ҳар хил бўлган. XX аср бошларида Бухорода 1 ботмон асосан 8 пуд (131 кг)ни ташкил қилган.

<sup>2</sup> Бир қадоқ (фунт)-409,5 граммга тенг оғирлик ўлчови.



ши айтилган<sup>3</sup>.

БХСРнинг дастлабки миллий валютаси - кумушдан ишланган танга (нуқра танга) бўлиб, у 1920 йил сентябр ўрталаридан бошлаб муомалага чиқарилган. Орадан кўп ўтмай қоғоз пуллар - қўлда тайёрланган 50, 100, 200, 500 ва бошқалар (улар "сўм" деб аталган) босилган. Кейинроқ пул чиқариш учун янги қолип ясалган. Бироқ Бухорода кейинчалик ҳам тилла ва кумуш тангалар муомалада бўлган. БХСРнинг қоғоз пуллари бошқа бир янги давлат - Хоразм Халқ Совет Республикаси валютасига нисбатан анча барқарор эди. Пулнинг тўлов қурби, яъни харид қобилияти юқори бўлишига ҳукумат бошлиғи Файзулла Хўжаев алоҳида эътибор қаратган<sup>4</sup>.

1920 йил 11 октябрда Бутун Бухоро Марказий инқилобий қўмитаси чиқарган 7-рақам қонунда БХСРдаги пул ислоҳотининг асосий қоидалари қуйидагича кўрсатилган:

1. Бухоро Шўролар Жумҳуриятида Русия Шўролар ҳукуматининг 1919 йилда чиққан қоғоз оқчаларни ҳукумат пулидек юргазмоқлик тўғрисида қонун чиқуви ила Туркистоннинг муваққат оқчалари Бухоро Шўролар Жумҳуриятининг вилоятларида юрмайдир.

2. Ушбу Туркистон вилоятининг қоғоз оқчалари молия назорати тарафидан ўн сўм бир сўм пулга алмаштириладур.

3. Ушбу муваққат қоғозларни алмаштирмоқ шу кундан то 1921 йилнинг 1 январигача бўладур.

4. Ҳар ким кўрсатилган муҳлатда бажармаса, бошқа пул олмоққа ҳаққи йўқдур<sup>5</sup>.

Ўша куни қабул қилинган 8-рақам қонунда ҳам пул ислоҳоти ўз аксини қуйидагича топган:

1. Русия Шўролар Жумҳурияти билан иқтисодий муаммоларни зиёдалаштирмоқ мақсади билан ҳукумат Бухоро қоғоз оқчалари баробаринда Русия Шўролар Жумҳуриятининг 1919 йилда чиққан қоғоз оқчаларини алмашув ишида баробар қабул қиладур.

2. Русия Шўролар Жумҳуриятининг 1919 йилда чиқарилган қоғоз оқчалари ва 1917 йилда чиққан Русия қоғоз оқчалари (А.Ф. Керенский томонидан чиқарилган "керенки" пули - З.Ж.) билан бир нарҳда юрадур.

3. Юритиладиган қоғоз оқчалар ҳукумат томонидан идорахоналарда хусусий шахслар суммасидан қатъий назар қабул қилмоқлари лозимдур.

4. Мазкур қоғоз оқчаларини Бухоро Шўролар Жумҳуриятининг қайси фуқароси олмаслик ёки монеълик қилса инқилоб қонунларига мувофиқ қаттиқ жазога гирифтор қилинадур<sup>6</sup>.

БХСР Молия нозирини Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) томонидан 1920 йил 12 октябрда чиқарилган 3-рақам буйруқда пул ислоҳоти бўйича Молия нозирлигининг асосий сиёсати қуйидагича баён этилган:

<sup>2</sup> "Бухоро ахбори", №57, 1921 йил 1 декабр.

<sup>3</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости - С. 342.

<sup>4</sup> Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 122-иш, 7-варақ.

<sup>5</sup> Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли / Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. - Т: "Шарқ", 2001. - Б. 196-197.

<sup>6</sup> "Бухоро ахбори", №8, 1920 йил 21 ноябр



"Ушбу кундан эътиборан Бухоро ва Бухорога тобе барча вилоят ва туманлар аҳолисига молия назорати томонидан эълон қиламизки:

Қўлларинда бўлган барча муҳрсиз ва қолип қоғоз оқчаларни тездан Молия назорати комиссиясига келтириб топширсинлар ва ҳам мундан сўнгра муҳрсиз ва қолип қоғозларни ҳеч ким олиш-беришга истеъмом қилиб олмасунлар. Агар бу кун ва бу тарихдан сўнгра ҳар қайси олиш-берувчи касаба ва бозор халқи қолип ва муҳрсиз қоғоз оқчаларни олиш-беришга қўлласалар, олган ва берган ҳар икки тараф қаттиқ жазо кўрадулар"<sup>7</sup>.

1922 йил БХСРда яна пул ислоҳоти ўтказилди. Энди янги пуллар қўлда эмас, балки матбаа усулида ишлаб чиқарила бошланди. 1922 йил 14 апрел ва 15 майда БХСР Нозирлар Шўроси янги пуллар чиқариш бўйича махсус декретлар қабул қилган. 1922 йил охирида эса бу пуллар ҳам қадрсизлана бошлагач, яна пул алмаштириш лозим топилди.

"Бухоро ахбори" газетасида нашр қилинган "Нуқра танга зарби" номли мақолада БХСРда амалга оширилган пул ислоҳоти ҳақида қуйидагича муҳим маълумот келтирилади:

"Жадал суръатда қоғоз пулларни нуқра танга (кумуш танга - З.Ж.) билан алмаштириш учун Халқ Хўжалик Олий Шўроси нуқра танга зарбига қарор берган.

Бу ҳақда лойиҳа тузиб, йўлга қўймоқ иши Халқ Хўжалиги Олий Шўросининг раиси Фитрат билан ўртоқ Жўрабоевга топширилган"<sup>8</sup>.

1922 йил ноябрь ойида БХСР ҳудудида танга курси (1 кумуш танга курси) 100 000 сўм қилиб тайинланган<sup>9</sup>.

1922 йил 5 декабрда БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Порсо Хўжа (Порсо Хўжа Ҳасан Хўжа ўғли) тарафидан махсус декрет чиқарилиб, унда Бухорода қуйидаги янги қоғоз пулларни чиқарилиши айтилган:

1. Янги қоғоз оқчаларни 1000, 2500, 5000 сўмлик қийматда чиқариладур.  
2....Янги оқчаларни 1 сўми 1922 йил апрелигача чиққан оқчаларнинг 10000 га тенг.

3. БХСРнинг молия идорасига янги чиқарилган 1000, 2500, 5000 сўмлик қарз оқчаларни олиш-бериш ва савдо-саноат муаммоларини осонлаштирмоқ йўлини тутганлиги ҳақида яхши тушунтирмоқ учун кўрмоққа тақлиф қилинган. Аҳолига буларни тушунтирмоқ учун мусулмон, рус газеталарида ёзилган. Ушбу декрет 5 декабр 1922 йилдан кучга киради"<sup>10</sup>.

1923 йил март ойида Тошкентда Ўрта Осиё Республикалари (Туркистон АССР, БХСР, ХХСР)нинг биринчи иқтисодий конференцияси бўлиб ўтди. Айнан шу конференцияда бу республикаларда маҳаллий пулларни чиқаришни тўхтатиш ва РСФСР давлат пул белгиларига ўтишга қарор қилинган<sup>11</sup>. Хуллас, Марказнинг тазйиқи билан 1923 йил ёзида Бухородаги миллий валюта Россия рублига (3,5 Бухоро сўмига 1 Россия рублига тенг нисбатда)

<sup>7</sup> "Бухоро ахбори", №8, 1920 йил 21 ноябр.

<sup>8</sup> Нуқра танга зарби // "Бухоро ахбори", №111, 1922 йил 19 ноябр.

<sup>9</sup> Танга курси // "Бухоро ахбори", №112, 1922 йил 23 ноябр.

<sup>10</sup> 1000, 2500, 5000 сўмлик қоғоз оқча чиқармоқ тўғрисида декрет// "Бухоро ахбори", №116, 1922 йил 10 декабр.

<sup>11</sup> Первая Экономическая конференция Средне-Азиатских Республик-Туркестана, Бухары и Хорезма. 5-9 марта 1923г. Стенографический отчет. -Т.: Туркгосиздат, 1923.-С.9.



алмаштирилди.

БХСР ҳудуди ҳам худди Туркистон АССР ва ХХСР сингари СССРнинг ягона иқтисодий макони доирасига тортилган. Бухоро Халқ Совет Республикасида қарийб уч йил мобайнида мавжуд бўлган миллий пул бирлиги-танга ва сўм (маълумки, валюта-мустақил давлатчиликнинг энг муҳим хусусиятлари (атрибутилари)дан бири бўлган) Марказнинг зуғуми ва тазйиқи билан тугатилган. Бироқ БХСР раҳбарлари шундай ҳолатда ҳам бошқа валюталардан фойдаланиш имкониятларини излашган. Масалан, ўша давр матбуотида таниқли иқтисодчи П.Ф.Лифшицнинг ёзишича, 1923 йил декабрида БХСР ҳудудида, хусусан, Шарқий Бухорода афгон рупияси кенг муомалада бўлган<sup>12</sup>. 1924 йил 19 мартда бўлган Бухоро Иқтисодий Кенгаши (БухЭКОСО)нинг мажлисида БХСР ҳудудида рубдан<sup>13</sup> ташқари бошқа валюталардан ҳам фойдаланилаётганлиги эътироф этилган.

БХСРда ўша пайтда мавжуд бўлган бозор нарх-навосини унинг яқин қўшнилари - Туркистон АССР ва Совет Россиясидаги худди шундай маҳсулотларнинг давлат томонидан белгилаб қўйилган қатъий нархига солиштирилса, бухороликларнинг иқтисодий турмуш ва яшаш шароити уларга нисбатан бирмунча яхши эканлиги англашилади.

Хулоса қилганда, Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташлангач, янги ҳукумат - БХСР зудлик билан пул ислохотини ўтказди. БХСР даврида Бухоро бозорларида нарх-наво устидан назорат ўрнатилиб, маҳаллий аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжи қондирилган. Республика йилларида Бухорода амирлик даврига қараганда халқнинг турмуш даражаси анча юқори бўлган.

#### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Полевой С. Бухарский рынок в июле 1920 г. // "Народное хозяйство Туркестана", 1920, №13. -С.13.
2. "Бухоро ахбори", №57, 1921 йил 1 декабр.
3. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, -С. 342.
4. Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 122-иш, 7-варақ.
5. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. -Т: "Шарқ", 2001.-Б. 196-197.
6. "Бухоро ахбори", №8, 1920 йил 21 ноябр
7. Танга курси // "Бухоро ахбори", №112, 1922 йил 23 ноябр.
8. Первая Экономическая конференция Средне-Азиатских Республик - Туркестана, Бухары и Хорезма. 5-9 марта 1923 г. Стенографический отчет. -Т.: Туркгосиздат, 1923.-С.9.
9. Введенский П.П. Денежное обращение в Таджикистане 1923-1925гг.

<sup>12</sup> Қаранг: Введенский П.П. Денежное обращение в Таджикистане 1923-1925гг. -Т.: "Востказгосиздат", 1926. -С.75.

<sup>13</sup> БХСР ҳудудида РСФСР валютаси (рубль) жорий қилингач (1923 йил ёзи), барча ҳисобкитоблар Бухоро сўми ёки тангаси билан эмас, балки совет рубли билан олиб борилган. Мазкур тадқиқотда ҳам сўм, ҳам танга, ҳам рубль атамалари ишлатилишининг сабаби ана шунда.



-Т.: "Востказгосиздат", 1926. -С.75.

10.Ўзбекистон МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 185-186-варақлар

### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Бухорода амирлик тузуми ағдарилган сўнг янги қарор топган ҳукумат - БХСРнинг пул ислоҳоти ўтказиши, бозорларда нархнаво устидан олиб борган назорат ишлари, аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжининг қондирилиши ҳамда халқнинг турмуш даражаси архив материаллари, манба ва адабиётлар асосида ёритилади.

### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы, касающиеся вновь сформированного правительства БНСР после свержения эмирата в Бухаре, такие как проведение денежной реформы, контроль цен на рынках, удовлетворение спроса на товары и уровень жизни населения на основе архивных материалов, источников и литературы.

### SUMMARY

This article describes the newly established government in Bukhara after the overthrow of the emirate - monetary reform of the BPSR, control over prices in the markets, meeting the needs of the population in goods and living standards on the basis of archival materials, sources and literature.





# QASHQADARYO VOHASIDA SUG'ORMA DEHQONCHILIKNING PAYDO BO'LISHI VA RIVOJLANISHI

Иқбол Жабборова,  
Қарши давлат университети

**Таянч сўз ва иборалар:** Қашқадарё, Нахшаб, Насаф, Қарши, Кеш, Шаҳри-сабз, суғорма деҳқончилик, сув, ер, тарих

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев ўзининг "Таълим ва маърифат-тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" номи маърузасида "Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир", -деб алоҳида таъкидлаган эди. Юртбошимизнинг ушбу фикрларида уч жиҳат кишини диққатини тортади ва фахр-ифтихор туйғусини уйғотади: биринчиси, тарихий меросни асраб-авайлаш, иккинчиси, уни ўрганиш ва учинчиси, авлодлардан авлодларга қолдириш вазифасида давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканлиги уқтирилади ва унинг ижросини таъминлаш эса ҳар бир ўзбек зиёлиси, қолаверса, тарихчи ва бошқа тадқиқотчиларни бундай долзарб вазифаларни бажаришга ундайди.

Шу жиҳатдан қаралганда, Ўзбекистон тарихини ўрганишда маълум бир ҳудуддаги муайян бир соҳанинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай соҳалардан бири Қашқадарё воҳасида суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихидир.

Археолог топилмалар ва тарихий манбалардан маълумки, инсоният оламнинг тафаккур хазинасида лалмикорва суғорма деҳқончилик энг қадимий, муҳим босқич ҳисобланган. "Олам деҳқон қўлига таянади" деган француз мақоли бежиз яратилмаган. Деҳқон эса ерни таянчим деб билади. Ер эса сувни. Сув ҳақида Юнон файласуфи Фалес ҳам: сув ҳамма нарсанинг ибтидосидир", -деб қайта-қайта айтган эди. Суғорма деҳқончиликка келсак, у моҳият эътибори билан барча касб-корлардан анча аввал пайдо бўлган. Бу шундан далолат берадики, деҳқончилик тирикчилик воситаларини топишнинг энг қадимий ва энг табиий усулидир.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳудудида, хусусан, Қашқадарё воҳасида суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ўрганишда тарихчи, археолог, ирригатор, этнограф, тилшунос ва бошқа олимларнинг бу соҳадаги тадқиқотлари, асар ва мақолалари муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур мақолада Қашқадарё воҳасида суғорма деҳқончилик маданияти-

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. -Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. Б. 29.



нинг вужудга келиши, суғориш тармоқлари, сув иншоотларининг барпо этилиши ҳамда ирригация хўжалигининг ривожланиши тарихи ҳақида қисқача фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Асосий мавзуга ўтишдан олдин жаҳон ва Ўрта Осиё тарихшунослигида ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, қолаверса, суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганган олимларнинг тадқиқотларига қисқагина муносабатимизни баён этамиз.

Жаҳон халқлари ҳаётида суғорма деҳқончилик ва қадимги Шарқ халқлари тарихи, ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, инсонларнинг дарё ва жилгалар бўйларидаги ерларга жойлашиб ерларни ўзлаштиришлари, илк ибтидоий зироатчиликнинг пайдо бўлиши ҳамда шаклланишини В.И. Авдиев, Э.Б. Тайлор, Б.А. Келлер, В.Л. Комаров, С.А. Семенов, Б. Л. Богаевский, Е.В. Антонова, Л. С. Васильев<sup>2</sup> ва бошқалар ўрганганлар.

Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик тарихини ёритишда рус шарқшунослари, тарихчи, археолог, этнографларнинг хизматлари каттадир. Бу олимларнинг тадқиқотларида, туркий халқлар яшаган ҳудудларда қадимги суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, Ўрта Осиёда замонавий археологик тадқиқотлар ва деҳқончиликнинг пайдо бўлиш муаммолари, Қашқадарёда ирригация ишлари, III-VIII асрларда Нахшабнинг қадимий тарихи ҳақида баъзи бир муҳим маълумотлар сақланиб қолган. Бу соҳа тарихини ўрганишда В.В. Бартольд, Б.В. Андрианов, С. Лунина, М.Е. Массон, Н.Д. Андреев, Г.Н. Виноградов, А.Р. Воейков, В.А. Полозов<sup>3</sup>ларнинг тадқиқотлари муҳим роль ўйнайди.

Кўрсатиб ўтилган тадқиқотларнинг айримларида бевосита Туркистон, хусусан, Қашқадарё воҳаси суғорма деҳқончилиги тарихи, этнографияси билан боғлиқ ҳолатларнинг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Н. Мусаевнинг таъкидлашича, суғорма деҳқончилик қилишни дастлаб аёллар кашф этган. Термачилик билан шуғулланган аёллар бошоқли ўсимликларни териб ўз маконларига келтиришган. Бошоқларни янчиш ва тозалаш жараёнида жамоа кулбалари атрофида тўкилган донлар униб чиққан. Аёллар уларни парвариш қилишган. Бу деҳқончилик сари қўйилган дастлабки қадамлар эди. Неолит даврида Ўрта Осиёда яшаган уруғ ва қабилаларда ҳам илк суғорма деҳқончилик маданиятининг дастлабки кўринишлари шакллана бошлаган<sup>4</sup>.

Ибтидоий деҳқонлар нималар экишган, бошоқли экинлар қанақа эди, бу-

<sup>2</sup> Авдиев В.И. История Древнего Востока.-Ленинград: Изд. Политической литературы, 1953. 747 с; Тайлор Э.Б. Первобытная культура. -Москва: Изд. Политической литературы, 1989. 573 с; Келлер Б.А. "Происхождение и развитие жизни на Земле. Изд. 3.-Москва: Сельхозгиз, 1948.136 с; Комаров В.Л. Происхождение растений. Изд.7. Москва-Ленинград: Сельхозгиз, 1943. 179 с; Семенов С.А. Происхождение земледелия. -Ленинград: Наука, 1974. 68 с; Богаевский Б. Л. Земледельческая религия Африки. Т.1.СПБ, 1916. 232 с.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. К истории орошения Туркистана. Соченения -Москва: аука, 1965.-С.97-232; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. - Москва: Наука, 1969. -254 с; Лунина С. Древние города в долине Кашкадарьи. -Т.: Узбекистан, 1988.-62 с; Кабанов С. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VIII вв). -Т.: Наука, 1977.-245 с; Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. -Т.: Наука, 1973.-176 с, История Древнего Востока.- Москва: Наука, Политической литературы. 1988. -283 с; Андреев Н.Д., Виноградов Г.Н. Ирригация в долине Кашкадарьи. Труды САНИИРИ. -Т.: 1975.вып. 75. С. 51-64; Воейков А.Р. Туркестан, его воды и орошение. // Вестник Европы. - Москва. 1915. №3, - С. 14-22; Полозов В.А. Узбекское общинное земледелие в Шерабадской долине и Каршинской степи//Народное хозяйства Средней Азии".- Т.: 1925.- №7. -С.69-75;



лар бизга қоронғу. Ўша замон бошоқли экинлари ҳақида айрим археологик қазилмалар маълумот беради. 1975-1982 йилларда профессор Р. Сулаймонов раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи Қарши шаҳри яқинидаги Ерқўрғонда қазилма ишлари олиб бораётганда, хоналардан бирида буғдой уруғи солинган кўзани топишди. Аниқланишича, бу кўзанинг ёши уч минг йилдан ошиқ экан<sup>5</sup>. Шундан маълум бўладики, бу ўлкада азалдан деҳқончилик билан шуғулланган, экин экиб келинган.

Оташпарастликнинг муқаддас китоби, "Авесто"да илк деҳқончилик билан боғлиқ галла экиш, ерни суғориш, ҳайдаш каби жараёнлар тўғрисидаги маълумотларга кенг ўрин берилган. "Авесто"да ҳосилдорликни оширишдаги асосий омиллардан бири ернинг захини қочириш, шўрини ювиш, деб маслаҳат берилади. Зардуштийларда яхлит бир деҳқончилик маданияти яратиш учун махсус ирригация тизими ва ер майдонлари жамоа аъзолари ўртасида тартибли тақсимланишига амал қилинган. "Авесто" да ёзилишича, "кимда-ким буғдой экса, у Ашаҳни (Ҳақиқатни) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкларга кўтаради. Қачонки, эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан тура бошлайдилар. Қачонки, буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатлардан титрай бошлайдилар. Қачонки, буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлашаолмайдилар"<sup>6</sup>. Маълум бўладики, "Авесто" пайдо бўлган даврда галла экиш, дон етиштириш, умуман, деҳқончилик маданияти етарли даражада ривожланган.

Илк темир даври Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари билан узвий боғлиқ. Кейинги йилларда ўтказилган қазилма ишлари темир буюмларнинг тарқалиш ареалларини янада кенгайтирди. Далварзин, Даратена ва Қуйисой топилмалари милoddан аввалги VII асрга мансуб бўлиб, улар Жанубий Туркманистон, Қашқа ва Сурхон ҳамда Зарафшон водийларида темирдан ишланган буюмлар тарқалганлигини исботлайди. Улар асосан темир пичоқ ва ўроқлардир. Шу тариқа Қашқа воҳасида илк темир давридаёқ суғориладиган деҳқончилик водийлари вужудга келади ва у, энг аввало, воҳанинг тоғ олди туманларида қарор топади<sup>7</sup>.

V.M.Массоннинг фикрига кўра, эрамизга қадар бўлган V-IV минг йилликларга келиб, Ўрта Осиё деҳқончилиги тараққиётида янги давр бошланади - улар мис эритишни ўзлаштирадилар. Уларнинг меҳнат қуролилари бир қадар такомиллашади<sup>8</sup>. Тарихий манбаларда Ўрта Осиёда деҳқончилик маданиятининг шаклланиши эрамиздан олдинги IV асрларга тўғри келиши қайд этилган. Демак, мавжуд маълумотларга суяниб айтиш мумкинки, Қашқа қадарё воҳасида ҳам суғорма деҳқончилик эрамиздан олдинги IV асрларга тўғри келади.

Бу даврда кишилар бронзадан турли-туман деҳқончилик қуролилари ясашни ўрганганлар. Ибтидоий кетмончалар, ўроқлар ва омочларнинг пайдо бўлиши деҳқончиликда катта бурилиш ясаган. Ўтмишда суғориш жараёнида ишлатиладиган кетмон ва белнинг воҳа деҳқонлари учун хизмати катта бўлган.

<sup>4</sup> Мусаев Н. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (Тош даври охирларидан - XX аср бошларига қадар). -Т.: Фан, 2005.- Б. 9.

<sup>5</sup> Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Самарканд. -Т.: Фан, 2000. -С. 45.



Одамлар ариқларни кетмон ва бел билан қазиб, деҳқончилик қилишга кўчиш билан сувни сунъий ҳовузларга тўплайдиган, унча катта бўлмаган тоғ сойларини ҳамда текисликлардан оқувчи Қашқадарё вилоятидаги дарёлардаги сув қуриб бораётган шохобчаларни тартибга солиб туриш йўли билан катта-катта участкаларга сунъий равишда сув олиб келганлар<sup>9</sup>.

"Насафда ўрта асрларда илм-фан тараққий этиб қолмасдан, қишлоқ хўжалиги ҳам барқ уриб ривож топган. IX асрга оид Насаф қудуғи очиб тозаланганда, ундан бир чаноқ пахта, чигит, қовун, тарвуз, узум, кади ва бошқа полиз экинлари уруғлари чиққан. Бу Насаф теварак-атрофида деҳқончилик ривожланганлиги, маҳсулотларнинг эса Насафда сотилганлиги, қайта ишланганлигини кўрсатади"<sup>10</sup>.

XI асрнинг охирлари, XII асрнинг бошларида туркий уруғ қабилаларнинг умумтуркий халқ сўзлашув тилида қўллаган сўзлари, туркий халқларнинг суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлигини исботловчи далиллардир. Чунки бу даврда кўплаб суғорма деҳқончиликка оид қурол-яроғ, экин номлари ўша давр ёзма ёдгорликларда акс этган.

Маҳмуд ибн Вали (XVII)нинг ёзишича, ғаллачилик, ўзининг аҳоли кундалик ҳаётида тутган ўрнига кўра, барча деҳқончилик турлари орасида етакчи мавқега эга бўлган. Шаҳрисабзда ғалладан яхши ҳосил олинганлигини алоҳида таъкидлайди<sup>12</sup>. Манбаларда Шаҳрисабз атрофида, шунингдек, Ертепа, Ҳамадон ва Чимқўрғон қишлоқлари орасида кўплаб экинзор далалар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Қашқадарё воҳасининг суғорма деҳқончилик маданияти тарихи бўйича А. Абдулҳамидов<sup>13</sup>, А. Асқаров<sup>14</sup>, Х. Муҳамедов<sup>15</sup>, Ф.Раҳманов<sup>16</sup>лар ҳам тадқиқотлар олиб боришган ва асарлар ёзишган, уларда суғорилиш тарихининг айрим жиҳатлари ва даврий тафсилотларидан намуналар ёритилгандир. Воҳаниннг суғорилиш тарихи махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги, мазкур муаммони илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш заруратини кўндаланг қилиб қўяди.

Шу ўринда айтиш жоизки, кўҳна Турон тарихининг, қолаверса, Ўзбекистон тарихининг таркибий бир қисми бўлган Қашқадарё воҳаси тарихининг умумий тарзда тадқиқ этилиш даражаси кишида фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади. Кузатишлар ва изланишлар шуни кўрсатдики, Қашқадарё вилояти тарихи республикамизнинг бошқа вилоятлари тарихига қараганда, анча мукамал, даврма-давр, ҳудудлараро атрофлича ўрганилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қашқадарё воҳасининг суғорилиш тарихини ёритишда Р. Сулайманов, Қ.Ўлжабоев, П. Равшанов Қ. Абдуллаев, А. Равшанов, О. Бўриев, А. Р. Эгамбердиев, А. Раззоқов, М. Қориев., А. Ҳисомов, Х. Тошев, Н. Ҳамраев, Э. Холиқов, Б.Узоқов, А. Жуманов, А. Жуманазаров, Н. Ражабова каби олимларнинг хизматлари беқиёс.

Қашқадарё воҳасининг улкан тарихини ёритишда адабиётшунос олим ва ёзувчи, зукко ва заҳматкаш тарихчи Поён Равшановнинг машаққатли ва

<sup>6</sup> Авесто. Тарихий - абадий ёдгорлик//Асқар Маҳкам таржимаси. - Т.: 2001. - Б.114-115.

<sup>7</sup> Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII- XII вв. - Т.: 1984.- С. 23.

<sup>8</sup> История Древнего Востока.- Москва: Политической литературы, Наука,1988. - С. 283.

<sup>9</sup> Ўзбекистон тарихи. 1-том. - Т.: Фан, 1970. - Б. 56.

<sup>10</sup> Равшанов П. Қашқадарё тарихи. - Т.: Фан, 1995.- Б.6.



шарафли меҳнатларини алоҳида қайд этиш зарур. Олим қаламига мансуб "Қашқадарё тарихи" (780 саҳифалик), "Қарши тарихи" (640 саҳифалик), "Нахшаб ва Кеш тарихий манбаларда (83 саҳифалик) каби фундаментал тарихий асарлари билан танишган ўқувчи воҳа тарихининг ибтидоий замонлардан бугунги истиқлол даврига қадар бўлган залворли ва улкан тарихини ўқиб чиққанда, кўплаб тарихий маълумотларга эга бўлади.

Аммо бу асарларда Қашқадарё воҳасининг суғорилиш тарихи ҳақида айрим фикрлар мавжуд: Масалан, олим ёзади: милоддан аввалги III минг йилликда Ўрта Осиё жанубий ҳудудларида жез асбоб-ускуналар ишлатила бошланади. Ўқларнинг учи, ханжарлар, теша ва пичоқлар, ўроқ сингари рўзгор ашёлари жездан ишланади. Жез замонаси инсоният тарихида муҳим давр саналади. Деҳқончиликда сунъий суғориш амал қила бошлайди, Ўрта Осиёда истиқомат қилувчи барча қабилалар ишлаб чиқарувчи хўжалик тусини олади, йирик аҳоли манзиллари вужудга келади. Қадимшунос олимлар эрдан бурунги V минг йиллик арафаларида Ўрта Осиё хўжалик ривожини икки йўналиш бўйлаб давом этганлигини кўрсатадилар. Копетдоғ ва бошқа жойларда яшовчи қабилалар (аниқроғи сунъий суғориш имконияти бўлган ерларда яшовчи) ибтидоий кун кечиришдан, дон-дун етиштиришга кўчадилар<sup>17</sup>.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, Қашқадарё воҳасида ҳам деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши, суғориш иншоотларининг барпо этилиши ва фойдаланилиши орқали қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳамда кишилар, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар воҳанинг бугунга қадар мамлакатимиз тарихида тутган ўрнидан дарак беради. Қашқадарё воҳасининг суғорилиш тарихи мамлакатимиз халқларининг сув учун курашлар тарихининг узвий таркибида акс этади.

<sup>11</sup> Қошғарий М. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). 3 томлик. - Т.: Фан, 1960. 1-том. - 498 б., Қошғарий М. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). 3 томлик. - Т.: Фан, 1963. 2-том. - 460 б.

<sup>12</sup> Қадимги Кеш - Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. - Т.: Шарқ, 1998. - Б. 180.

<sup>13</sup> Абдулҳамидов А. Из истории народной ирригационной практики в зоне предгорий Узбекистана XIX начало XX вв. - Т.: Наука, 1981. - 156 с.

<sup>14</sup> Асқаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. - Т.: Наука, 1973. - 231 с.

<sup>15</sup> Мухамедов Х. Ўзбекистоннинг қадимги деҳқончилик воҳалари тарихидан. - Т.: 1964. - Б. 5.

<sup>16</sup> Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг деҳқончиликка оид урф-одат ва маросимлари (XIX аср охири - XX аср бошлари). - Т.: Янги нашр, 2014. - Б. 16.

<sup>17</sup> Равшанов П. "Қашқадарё тарихи". - Т.: Фан, 1995. - Б. 18.



# O'ZBEKISTONDA 2-JAHON URUSH YILLARIDA TIBBIYOT INSTITUTLARI FAOLIYATI

Бекзод ТОШПЎЛАТОВ,  
Қарши давлат университети

**Калит сўзлар:** Иккинчи жаҳон уруши, таълим тизими, Хотира ва Қадрлаш куни, тиббиёт, тиббиёт институтлари, илмий-тиббиёт кенгаши, Тош МИ, Сам-МИ, шифокорлар, дезинфекция воситалари

Иккинчи жаҳон уруши ўтган XX асрнинг энг фожиавий воқеларидан бири сифатида тарихда қолди. Уруш йиллари дунё мамлакатларининг аксарият қисмига ва уларнинг кейинги ривожланишига ниҳоятда кучли даражада сахий таъсир кўрсатган. Уруш асоратлари бугунги кунда ҳам дунёнинг геосиёсий ҳолати бевосита сезилиб туради.

Ўзбекистонда кейинги йилларда Иккинчи жаҳон уруши тарихини янгича қараш ва талқинлар асосида яратишга кенг йўл очилди. Уруш даврида Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи билан бирга маданий соҳада, хусусан, таълим тизимида ҳам ўзига хос трансформация жараёнлари кечган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1994 йил 16 мартдаги "1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида"<sup>1</sup>ги ва 1999 йил 2 мартдаги "9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида"<sup>2</sup>ги фармонлари Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги Ўзбекистон тарихини ўрганишда тадқиқотчилар учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ғалабанинг 75 йиллиги кенг нишонланиб, уруш даври тарихини бутунлай холисона ёритиш вази-фаси қўйилди.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки ойларида Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқлари уруш даври эҳтиёжлари ва талабларини қондириш томон йўналтирилди, шу жумладан, таълим соҳаси ҳам. Ўзбекистон таълимининг асосий таркибий қисми ҳисобланган тиббий таълим тизимида ҳам уруш йиллари жиддий ўзгаришлар бўлди. Тиббиёт институтлари ва билим юртларининг кўплаб профессор-ўқитувчилари ҳаракатдаги армия сафи-га қақриди.

Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтлари ўқитувчилари уруш йиллари ҳам таълим-тарбия, ҳам касалланганларни даволаш ишини биргаликда олиб борди. Янги шароит улардан давлат ҳам ўқитиш, ҳам ишлаш талаб этди. Тиббиёт билим юртлари ва институтлари моддий таъминотдаги ночорлик, хусусан, ўқув бинолари, дарсликлар, кадрлар етишмаслиги таълим сифатига жиддий таъсир кўрсатди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1993-1995 йй.). - Т.: Адолат, 1995. 3-китоб. - Б. 58-59.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995-1999 йй.). - Т.: Адолат, 2000. 4-китоб. - Б. 291-292.

<sup>3</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 5 апрель, 67 (6761)-сон.

<sup>4</sup> Халқ сўзи, 2019 йил 24 октябрь.



Мамлакатнинг гарбий ҳудудларидан кўплаб илмий муассасалар, олий ўқув юртлари Ўрта Осиё республикаларига кўчириб келтирилди<sup>5</sup>. Жумладан Украина ва Белоруссия тиббиёт академияси эвакуация қилинди. Эвакуация қилинган тиббиёт ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг кўпчилиги Самарқанд шаҳрига жойлаштирилди. Ўзбекистонда эвакуация қилинган 203 нафар юқори малакали мутахассис фаолият кўрсатди. Эвакуация қилинган илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари ўз илмий фаолиятларини давом эттириб, Ўзбекистон фани ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонда уруш йиллари тиббиёт соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги қошидаги илмий-тиббиёт кенгаши раҳбарлик қилди. Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардан келган тиббиёт соҳасининг машҳур олимлари тадқиқотларда фаол иштирок этдилар. Тиббиёт фани арбоблари М.И. Слоним, М.С. Нестров, П.Р. Архангельскийлар шулар жумласидандир. Биргина 1943 йилда шу соҳада 153 та илмий-тадқиқот ишлари бажарилди<sup>6</sup>. Ушбу илмий тадқиқотларнинг натижалари амалиётга жорий этиб борилди.

Тиббиёт олимларининг саъй-ҳаракати билан илмий соҳада қатор янги усул ва воситалар кашф этилди. Яраланган жойларнинг тез тузалишига ёрдам берадиган энг янги усуллар, газ гангрена, шок, сепсис сингари оғир ярадорлик оқибатларига қарши кураш олиб бориш усуллари ишлаб чиқилди, жарроҳлик ва нейрорроҳлик усуллари такомиллаштирилди, таъсирчан дезинфекция воситалари излаб топилди, маҳаллий ресурслардан тайёрланган доривор препаратлардан самарали фойдаланиш меъёри ўрганилди, оғриқ иқлим электр терапиялари қўллашнинг даволаш тизимида ва тиббиёт муассасалари тажрибасида жорий қилиш учун даволашнинг бошқа энг янги усуллари ишлаб чиқилди<sup>7</sup>.

Ҳукумат қарори билан кўплаб институтлар ва факультетларнинг кўпчилиги қайта тузилди, бошқалари эса қисқартириб юборилди. Масалан, Самарқанд халқ хўжалиги институти Тошкент молия-иқтисод институти билан қўшилди. Самарқанд ва Ўрта Осиё университетларининг кафедралари қўшилди, кейинроқ эса иккала университет тўла бирлаштирилди. Самарқанд тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт институти ҳам қўшиб юборилди<sup>8</sup>.

Шароитдан келиб чиқиб кадрлар тайёрлашнинг янги усул ва воситалари ишлаб чиқилди. СССР ХКС қошидаги Олий таълим муассасалари иши бўйича Бутуниттифоқ комитетининг фармойишига мувофиқ барча олий ўқув юртлари таълим муддатининг қисқартирилган ўқув режаси бўйича ишлай бошлади.

1942 йил 15 майда ВКП(б) МК ва СССР ХКС "1942 йилда олий ўқув юртларига қабул қилиш ва олий ўқув юртларини мустақамлашга доир тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ олий ўқув юртларига кириш тартибига ўзгаришлар киритилди. 1941-1942 ўқув йилини "яхши" ва "аъло" баҳоларга тутатган ўрта мактаб ўқувчилари институт ва университетларга имтиҳонсиз қабул қилинди. Шу билан бирга шу ўқув йилида армия ва ҳарбий денгиз флотига ҳизмат қилиб яраланган ёки касаллан-

<sup>5</sup> Левшин Б.В. Мобилизация научного потенциала Советского государства и вклад учёных в разгром фашистских агрессоров. 1941-1945гг. Автореф дисс.докт.ист.наук. -М.: 1984. -С. 86.

<sup>6</sup> Советская интеллигенция Узбекистана. КН.П. -Т.: Фан. 1979. -С. 29.

<sup>7</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. -Т.: Шарқ. 2000. -Б. 489.



ган талабаларга стипендиялар жорий этилди<sup>9</sup>.

Уруш йиллари энг кўп ҳарбий госпиталлар Ўзбекистонга жойлаштирилди. Республикада юзлаб тиббиёт муассасалари фаолият олиб борди. Олий маълумотли тиббиёт кадрларини, асосан, Тошкент тиббиёт институти (ТошМИ) ва Самарқанд тиббиёт институтлари (СамМИ) тайёрлаб берди. Профессор-ўқитувчиларнинг кўпчилиги армия сафига кетди<sup>10</sup>. СамМИ жамоасидан 190 нафар киши ҳаракатдаги армия сафларига кетди. Тошкент тиббиёт институтидан профессор А. С. Стекольников, Ф. М. Файбушевич, Ф. Ф. Амиров ва бошқалар армия сафида душманларга қарши курашди. Институтни тугатган Солиҳ Собиров Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди<sup>11</sup>.

1941 йили ТашМИ таркибига 36 та кафедра ва клиника бириктирилиб, унда 320 нафар профессор-ўқитувчи ва илмий ходим, 124 нафар врач-ординатор фаолият олиб борди. Уруш йилларида тиббиёт институтларига талабалар қабул қилиш кўпайтирилиб борилди. Масалан, 1940 йилда ТашМИда 2283 талаба таҳсил олган бўлса, 1943 йилда 2578 нафар, 1944 йилда 3168 нафар талаба таълим олди. 1942 йили ТошМИ 649 нафар талаба тамомлаб, шундан 420 нафари фронтга, 229 нафари республика даволаш муассасаларига юборилди.<sup>12</sup> Умуман, уруш йилларида ТошМИ 2122 нафар малакали шифокор тайёрлаб берди<sup>13</sup>, шундан 215 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди.<sup>14</sup> Мазкур ўқув юртининг кўплаб профессор-ўқитувчилари ҳаракатдаги армия сафларига кетди. Д.А. Введенский, А.М. Геллер, Л.Д. Василенко, Б.А. Стекольников, М.А. Ашрапова, С.А. Далимов, Д.Н. Максумов, А. Умаров, В.С. Карухина, Л.И. Васковская, А.Б. Бабаян ва бошқалар шулар жумласидандир. Институтдан 400 нафарга яқин профессорлар, ўқитувчилар, хизматчилар урушдаги жасорати учун давлат мукофотлари билан тақдирланди<sup>15</sup>.

СамМИ уруш йилларида ўртача ҳар йили 400 нафар мутахассис тайёрлади, уларнинг кўпчилиги ҳаракатдаги армия сафига юборилди.<sup>16</sup> 1944 йилда СамМИда аспирантура бўлими очилди<sup>17</sup>.

Уруш йиллари СамМИнинг кафедралари, клиникалари, лаборатория ва аудиторияларига С. М. Киров номидаги Ленинград ҳарбий тиббиёт академиясининг жойлаштирилиши ўқув муассасасида ўқув-тарбия, даволаш, илмий-тадқиқот ишларининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Уруш йиллари институтда таниқли академиклардан Н. Н. Аничков, Е. Н. Павловский ва В. Н. Танковлар фаолият юритди<sup>18</sup>.

Хуллас, Ўзбекистонда 2-жаҳон уруши йиллари бошқа олий таълим муассасалари қатори тиббиёт институтлари ҳам жуда оғир шароитда ўз фаолиятини давом эттирган. Уруш йиллари ҳукумат қарори билан институтлар, факультетлар ҳамда кафедралар бирлаштирилган. Жумладан, тиббиёт йўналишидаги ўқув юртларида ҳам бу кузатилади. Уруш йиллари тиббиёт институтлари Ғарбдан кўчириб келинган илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда фаолият кўрсатиб, ёш мутахассисларни тайёрлаб берган.

<sup>8</sup> Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. I. -Т.: 1983. -С. 194-195.

<sup>9</sup> История Великой Отечественной войны Советского Союза 1941-1945гг. Т.2. -С. 544.

<sup>10</sup> Кадиров А. А., Мадаханов А. С. Первый медицинский институт Узбекистана.- С. 58.

<sup>11</sup> Каримов А. Здравоохранение Советского Узбекистана. - 1947.- С 24-26.

<sup>12</sup> ЎЗР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3709-йиғма жилд, 67-68-варақлар.

<sup>13</sup> Здравоохранение в Узбекской ССР. (Ст.сб.). -Т.: 1958. -С. 157.

<sup>14</sup> Джураев А.Д. Ташкентский медицинский институт.(1919-1964). -Т.: 1966. -С. 26-27.



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Джураев А.Д. Ташкентский медицинский институт.(1919-1964). -Т., 1966. -С. 26-27.
2. История Великой Отечественной войны Советского Союза 1941-1945гг. В-6-ти. Т.2. -С. 544.
3. Кадиров А. А., Мадаханов А. С. Первый медицинский институт Узбекистана.- С. 58.
4. Каримов А. Здравоохранение Советского Узбекистана. Т: 1947.- С 24-26.
5. Левшин Б.В. Мобилизация научного потенциала Советского государства и вклад учёных в разгром фашистских агрессоров. 1941-1945гг. Автореф,дис-с.докт.ист.наук. -М.: 1984. -С. 86.
6. Ленинский путь, 1965. 1 января.
7. Самаркандский Государственный медицинский институт им. академика И.П.Павлова. (Краткий справочник). -Т., 1962. -С. 6.
8. Советская интеллигенция Узбекистана. КН.П. -Т.: Фан, 1979. -С. 29.
9. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т I. -Т.: 1983. -С. 194-195.
10. Халқ сўзи. 2017 йил 5 апрель, 67 (6761)-сон.
11. Халқ сўзи, 2019 йил 24 октябрь.
12. Здравоохранение в Узбекской ССР. (Ст.сб.). -Т.: 1958. -С. 157.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1993-1995 йй.). - Т.: Адолат, 1995. 3-китоб. - Б. 58-59.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995-1999 йй.). - Т.: Адолат, 2000. 4-китоб. - Б. 291-292.
15. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. -Т.: Шарқ. 2000. -Б. 489.
16. ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3709-йиғма жилд, 67-68-варақлар.

### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда тиббий таълим тизимининг аҳволи, уруш йилларида тиббиёт институтларининг гарбдан кўчириб келинган илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликдаги фаолияти ҳамда тиббиёт кадрларининг урушда кўрсатган хизматлари акс эттирилган.

### РЕЗЮМЕ

В этой статье отражено состояние системы медицинского образования в Узбекистане во время Второй мировой войны, деятельность медицинских институтов с научно-исследовательскими учреждениями, перемещенными с Запада во время войны, а также услуги, оказанные медицинским персоналом во время войны.

### RESUME

This article reflects the state of the medical education system in Uzbekistan during the Second World War, the activities of medical institutes with research institutions displaced from the West during the war, as well as the services provided by medical personnel during the war.

<sup>15</sup> Ўша жойда.

<sup>16</sup> Самаркандский Государственный медицинский институт им. академика И.П.Павлова. (Краткий справочник). -Т.: 1962. -С. 6.

<sup>17</sup> Ленинский путь, 1965. 1 января.

<sup>18</sup> Самаркандский Государственный медицинский институт им. академика И. П. Павлова (Краткий справочник).- Ташкент, 1962.- С. 6.



# O'ZBEKISTON TASHQI SIYOSATIDA MINTAQAVIY XAVFSIZLIKNI TA'MINLASH MASALALARI

Эркин НУРИДДИНОВ,

Тошкент давлат педагогика университети,

Фулом МИРЗАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик, барқарорлик, ташқи сиёсат, халқаро ҳамкорлик, трансчегаравий масалалар, халқаро терроризм, диний экстремизм, экологик муаммолар.

Марказий Осиёнинг ҳозирги дунёдаги аҳамияти нафақат минтақа имкониятлари ва ташаббускорлик салоҳияти билан, балки минтақада келиб чиқиши ва тарқалши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдидлар туфайли ҳам жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказидадир.

XX аср охирида дунёнинг геосиёсий харитасида йирик ўзгаришлар натижасида суверен давлатлар ўзларининг миллий тараққиёт моделларини ишлаб чиқиш жараёнида уларнинг асосий вазифаси, ўз-ўзидан минтақавий хавфсизлик, тинчлик ва барқарор таъминлаш, хавфсизликка таҳдид туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай хавф-хатарга қарши кураш бўлиб қолди. Ана шундай мураккаб вазиятда Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати доирасида амалга ошириши керак бўлган муҳим вазифалардан бири сифатида – минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи муҳим устувор вазифага айланди.

Минтақанинг айни пайтдаги геосиёсий аҳамиятини белгиловчи омиллар гуруҳини минтақа тараққиётига гов бўлаётган таҳдидлар ташкил этади. Марказий Осиё минтақасида хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: халқаро терроризм, диний экстремизм, экологик муаммолар, ноқонуний қурооллар тарқалиши, ички геосиёсий рақобат, ички сиёсий вазият, минтақага нисбатан ташқи кучлар рақобати, ўзаро этник можаролар, ноқонуний наркотик моддалар савдоси каби минтақа хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларни айтиб ўтиш мумкин.

Сўнгги йилларда халқаро муносабатлар тизимида содир бўлган кескин ўзгаришлар, бир томондан, хавфсизлик муаммоси долзарблигининг янада ортганлигига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, халқаро муносабатлар, миллат, давлат, "хавфсизлик" борасидаги тушунча ва қарашларни қайта кўриб чиқиш заруратини вужудга келтирди.

"Хавфсизлик" тушунчасига доир бир қатор илмий адабиётларда берил-



ган таърифлардан келиб чиқиб қуйидаги изоҳларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

хавфсизлик – шахс жамият, давлатнинг хатарлардан ҳимояланганлик ҳолати;

хавфсизлик – миллатнинг бошқа мамлакатлардан ҳам, ўз мамлакати ичида ҳам бўладиган ўз мавжудлигига нисбатан таҳдидларга қаршилик кўрсатиш учун етарли даражадаги иқтисодий ва ҳарбий қудратини таъминловчи ҳолати;

хавфсизлик – ҳалқларнинг хавфсизлигига таҳдид солишни истисно этувчи ҳолати;

хавфсизлик – ҳалқаро муносабатларнинг, эркин дунёнинг бузилишини, халқларнинг хавфсизлигига ҳар қандай шаклда бўлмасин таҳдид солишини истисно қилувчи ҳолат”;

хавфсизлик – инсоният учун тараққиёт кафолатларининг таъминланишини, мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли манфаатларига мувофиқ келувчи, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қобилиятларини тўлиқ намоён қилиш ва турмуш даражасининг мутгасил ўсиб боришига имкон берувчи тизим экан, унда шахс, жамият, давлат, минтақа, дунё хавфсизлиги каби бир-бирига асос бўлувчи тушунчалар сифатида намоён бўлади [12, 16–17; 3, 21; 5, 15].

Хавфсизлик тушунчасини маълум бир жиҳатларига, яъни маконда тарақлиш даражаси мезони қараб қуйидаги турларга ажратиш орқали янада аниқлаштириш мумкин.

– миллий хавфсизлик – бир давлатнинг чегарасида таъминланадиган хавфсизлик;

– минтақавий хавфсизлик – дунёнинг у ёки бу қисмида давлат гуруҳлари(бирлашмалари)нинг манфаатлари таъминланадиган хавфсизлик;

– глобал(умумсайёравий) хавфсизлик – бутун дунёни қамраб оладиган ва бошқа даражалардаги хавфсизликнинг таъминланишига ҳам таъсир кўрсатадиган хавфсизлик (юқори босқич).

Бу уч хавфсизлик тури халқаро хавфсизлик билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳаммаси давлатлараро муносабатларнинг қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқдир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев минтақавий хавфсизликни таъминлашга доир стратегик қарашларини 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида батафсил баён қилди. Ушбу (2017)йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги конференцияда Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё, жумладан, Афғонистонда мустақам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсдаги қўшма саъи-ҳаракатларнинг кенг қамровли дастурини тақлиф этди [6].



Шу ўринда биз минтақавий хавфсизликка қисқача изоҳ бериб ўтишимиз жоиздир. Минтақавий хавфсизлик бу глобал, халқаро хавфсизликнинг таркибий қисми бўлиб, ер шарининг маълум бир минтақасига қаратилган хавфсизликка нисбатан айтилади. Яъни, бунда минтақанинг ривожланишига, барқарорлигига, ундаги давлатлар гуруҳлари ўртасидаги алоқаларга уруш, беқарорлик таҳдидини солаётган омилардан ҳимояланиш ҳолати тушунилади [11, 20]. "Минтақавий хавфсизлик маълум бир муштарак геосиёсий муҳитда жойлашган ва бир – бирига узоқ тарихдан бевосита боғланиб қолган халқлар, миллатлар, давлатларга тегишли бўлган ҳаётий муҳим манфаатларни ички ва ташқи таҳдидлардан давлатлараро ҳамкорлик асосида ҳимоя қилиш ҳолатидир" [9, 174].

Бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда. Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти жаҳон ҳамжамиятини хавфсизликка таҳдидларни "ўзиники ва ўзгаларники" деб ажратишдан воз кечиш, "ялпи хавфсизлик" тамойилига амалда риоя қилиш зарурлигига тўғридан-тўғри даъват қилди [1, 269].

Дарҳақиқат, минтақавий хавфсизлик деганда, маълум бир геосиёсий ҳудудда жойлашган ва бир-бири билан қадимдан бевосита боғлиқ ҳолда яшаб келаётган халқлар ва давлатларнинг ўзларига тегишли бўлган ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан давлатлараро ҳамкорлик асосида ҳимоя қилиш фаолияти тушунилади.

Ҳозирги пайтга келиб шу нарса аён бўлдики, халқаро муносабатлар тизимида чуқурлашиб бораётган иқтисодий-ижтимоий инқирозлар ва олдиндан аниқ бир баҳолаб бўлмайдиган мавҳум сиёсий тангликлар дунёнинг барча минтақалари каби Марказий Осиёда минтақасида ҳам ўзга хос хавфсизлик тизимини яратиш, минтақа давлатлари олдида ўз ички ва ташқи сиёсати тараққиётини мустақамлаш заруриятини, ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожлантириш талабини қўя бошлади. Зеро, минтақа давлатларининг ўтган йиллар давомидаги мустақил ташқи сиёсий фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, "...Марказий Осиёнинг муаммолари ташқи кучларнинг аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилмоғи зарур" [10, 12].

Ўзбекистон ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида илгари сурилган таклифларидан яна бири "Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона"га айлантириш таклифидир. Яъни, 1995 йил 15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон давлати раҳбари ташаббуси билан Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Минтақада ишончли хавфсизлик тузилмасини тузиш, коммуникация инфраструктураси ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш каби масалалар кенгаш кун тартибидаги асо-



сий масала сифатида эътироф этилди [2, 9].

2008 йил сентябрида Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисида шартнома имзоланди. Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, БМТ Бош Ассамблеяси Марказий Осиё давлатлари номидан Ўзбекистон Республикаси тақдим этган 66/88-сонли "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисида"ги резолюцияни овоз бериш йўли билан тасдиқлади ва бу ҳужжат 141 та давлат томонидан қўллаб-қувватланди [5, 72-74].

Хусусан, 2012 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлари, жумладан, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Ушбу концепцияда таъкидланишича, "Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси бўлиб, мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақа билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёга оид сиёсатининг асосий йўналишлари - минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашдан, минтақавий хавфсизликнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш, жумладан, Афғонистондаги вазиятни изга туширишга кўмаклашишдан, трансчегаравий сув ҳавзалари ресурсларидан фойдаланиш масалаларини ҳал этишдир" [10, 12].

Албатта, бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида манфаатлар ва мафкуралар кураши тобора авж олиб бормоқда. Шундай мураккаб вазиятда минтақа давлатларининг бир-бири билан ўзаро тушуниш, ишонч ва яхши қўшничилик асосида яқин ҳамкорлик қилиши минтақа халқларининг умумий манфаатларига тўла мос келадиган сиёсатдир.

Ўтган йиллар мобайнида Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, транспорт-коммуникация, энергетика соҳалари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Оролни қутқариш бўйича ҳамкорликка оид долзарб масалалар юзасидан кўплаб амалий таклиф ва гоаяларни илгари сурди.

Сўнгги йилларда бўлиб ўтган учрашувларда глобал ва минтақавий хусусиятга эга бўлган қатор масалаларда Ўзбекистон ва минтақа мамлакатларининг нуқтаи назарлари, ёндашувлари мос ёки ўхшашдир. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, хусусан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича ҳам икки давлат ўртасида умумий ёндошув мавжудлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Минтақа мамлакатлари ушбу қўшни мамлакатда муҳим инфратузилма объектларини қайта тиклашга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилишини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Жумладан, 2018 йил 22-23 апрель кунлари Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида ҳам минтақа хавфсизлигига таҳдид солиб турувчи Афғонистондаги вазият яна бир



бор муҳокама этилиб, ушбу ҳудудда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги ҳақида сўз юритилиши ва икки мамлакат раҳбарининг терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби таҳдидларга қарши кураш борасида ҳамкорликка доир масалалар юзасидан яқдил келишувга эришганлиги минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш йўлидаги ҳақорликнинг ёрқин намунаси [7].

Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига сайланганидан сўнг қўшни давлатларга бир неча муҳим ташрифларни амалга оширди. Марказий Осиёдаги фаол конструктив ҳамкорликнинг тикланиши расмий Тошкент янги сиёсатининг муҳим қадами эди. Афғонистон йўналишида эса, Тошкентда 2018 йили бўлиб ўтган халқаро конференция бу борадаги халқаро чоратадбирларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. 2020 йил 29 февралда Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида АҚШ ва "Толибон" гуруҳи ўртасида узоқ кутилган тинчлик битимини имзолаш маросими бўлиб ўтиб, унда Давлатимиз Раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг афғон муаммосини ҳал этишга доир ташаббуслари ўз ижросини топа бошлади [8].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, геосиёсий нуқтаи назардан, Марказий Осиё минтақаси стратегик муҳим минтақа ҳисобланиб, унда халқаро муносабатлар иштирокчиларининг манфаатлари кесишади. Жумладан, глобал масштабда Россия, Хитой ва АҚШ, минтақавий масштабда Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасида БМТ, НАТО, ЕХҲТ ва шу қабиларни айтиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари хусусида фикр юритиб қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

Марказий Осиё хавфсизлигига раҳна солиши мумкин бўлган ички минтақавий хавф-хатарларга чегаравий келишмовчиликлар, сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги масалалар, экологик, этномаданий ва демографик муаммоларни қайд этиш жоиз;

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ташқи сиёсатида ҳамоҳанг равишда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари ҳам бирдек манфаатдор эканлигидан келиб чиқиб ташқи сиёсат олиб боришлари даркор;

хавфсизлик муаммолари бўйича минтақа давлатларини бирлаштирувчи ёки ажратувчи ички минтақавий омиллар ҳамда минтақадан ҳудудидан ташқаридаги манбаларига эга бўлган турли характердаги минтақа давлатлари хавфсизлигига бевосита таҳдид солувчи муаммоларни Марказий Осиё давлатларининг ўзлари ҳал этишлари жоиз;

минтақа хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа мамлакатлари ўртасида минтақавий ва глобал даражадаги интеграция жараёнларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташқи сиёсати Марказий Осиё минтақасининг халқаро муносабатлар тизимида геосиёсий ва геоиқтисодий



жиҳатдан янада муҳим аҳамият касб этиб Марказий Осиё давлатларининг ривожланишлари учун кенг имкониятлар яратишга хизмат қилмоқда.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, - 508 б.
2. История становления и развития сотрудничества Республики Узбекистан с международными организациями. Ташкент. 2011. С.9.
3. Муҳаммадсидиқов М.М. Саудия Арабистони Подшолигининг Қизил денгиз минтақасида хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг хусусиятлари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси, - Б. 21.
4. Нуриддинов Э.З. Геополитическое место Республики Узбекистан в Центральной Азии. // Халқаро муносабатлар янги тизимининг шаклланиши ва унда Ўзбекистон Республикасининг иштироқи. Республика конференция материаллари. - Тошкент, 2010. С. 23.
5. Турсунмуратов Т, М, Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда илмий техник салоҳият омили. Сиёс. фан. номзод. диссертацияси. - Т.: 2008. Б.15. 72-74
6. Халқ сўзи. 2017 йил 20 сентябрь.
7. Халқ сўзи. 2018 йил 24 апрель.
8. Халқ сўзи. 2020 йил 3 март.
9. Ўзбекистонда политология. -Т.: Шарқ, 2002. - Б.174.
10. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси. 2012 йил 10 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси 2012/№9/1 (1437), 12-б.
11. Қиличев Н.Р. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда буюк давлатларнинг ўрни. - Т., 2011. - Б. 20.
12. Гофуров С.М.. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё республикалари ва Форс кўрфази Араб давлатлари амалиёти.

### **Аннотация.**

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашдаги ташқи сиёсати ёритилган. Унда мамлакатимиз томонидан минтақа хавфсизлигини таъминлашга доир халқаро миқёсда илгари сурилган таклифларнинг аҳамияти таҳлил этилган.

### **Annotation.**

This article examines the foreign policy of Uzbekistan in ensuring security in the Central Asian region. It analyzes the importance of international proposals put forward by our country to ensure regional security.



# O'ZBEKISTON ARABLARINING AN'ANAVIY UY-JOYLARI TRANSFORMATSIASI

Шерзод Искандаров,  
Тошкент тиббиёт академияси,  
Умида Авкараева,  
тадқиқотчи

**Калит сўзлар:** гор, тоғ, чайли, ўтов, ертўла, чўлгумбаз, тойбон, уй-жой, этно-маданий анъана, трансформация, шифер, пол, бетон, гишт, пахса, синч.

Маълумки, ўзбек халқининг турар жойларида ҳар бир воҳада ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турарди. Масалан, Қашқадарё воҳасида уйларнинг қурилишида синчли уйлар камчиликни ташкил қилади. Чунки, Қашқадарё воҳасида синчли уйларнинг қурилиши унчалик ҳам аҳмиятига эга эмас. Биринчидан, синч уйлар учун кераклик материалларни камлиги, иккинчидан эса воҳада камроқ зилзиллар бўлганлиги, учинчидан эса ёгингарчилик камроқ бўлганлигидир.

XX асрнинг 20-йиллари бошида Самарқанд араблари ҳаётини ўрганган М. С. Андреев ўзи раҳбарлик қилган илмий экспедиция хулосаларига кўра қуйидагиларни ёзади: "Араблар ўз қўшниларида тил билан бирга кийим-кечак, уй-жой қуриш анъаналари, умуман, турмуш тарзини ўзлаштирганлар"<sup>1</sup>.

Фарғона водийсининг араблар яшайдиган ва меҳнат қиладиган саккиз жамоа хўжалигидан олтитасида ўтказган тадқиқотларимиз, натижаси шуни кўрсатадики, деб ёзади Я. Р. Винников - ҳақиқатда ҳам араблар ўзбек тили билан бир қаторда, ўз қўшилари бўлган ўзбеклардан хўжалик тутиш шаклини, турмуш шароитини, уй-жой тарзини, либос кийишни ва хуллас, моддий ва маънавий унсурлардан аксариятини қабул қилганлар. Бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Совет ҳокимияти йилларида юз берган пахта яккаҳокимлиги сиёсати туфайли дашт ва чўл зоналарни ўзлаштириб, пахтазорларга айлантириш сиёсати натижасида асрий касби чорвадорлик бўлган арабларнинг ҳам пахта етиштириш билан шуғулланишга мажбур қилинганликлари маълум. Бу даврда Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари орасида жойлашган Ўртачўл дашти аҳолисининг сезиларли бир қисмини ташкил қилган арабларнинг ўз яшаш жойларидан кўчирилиб, пахта етиштиришга мослаштирилган ҳудудларда жойлаштирилгани ва шу тариқа уларнинг хўжалик тарзида муайян ўзгаришлар: трансформация жараёнлари бошланганлигини мисол сифатида келтириш мумкин .

<sup>1</sup> Андреев М.С. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область в 1921 году. - Т.: 1921. - С. 128.



Ўзбекистон араблари чўл ҳудудларда ўзига хос турар жойларни барпо этишган. Уйларнинг асосан гумбазли қилиб қурилиши катта аҳамиятга эга ҳисобланган. Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида истиқомат қилиб келаётган араблар "ўтов", "чўлгумбаз", "тойбон" деб юритиладиган уйлар қуришга эътибор қаратганлар.

Айрим тадқиқотчиларнинг қайд этишича, ҳовлиларнинг "ички" ва "ташқи" қисмларга бўлиниши қадимги Юнонистон ва Рим каби давлатларда ҳам мавжуд бўлиб, ислом дини ўзидан анча аввал аёлларнинг жамиятда ажралиб яшаш шаклини қонунлаштирган<sup>4</sup>. XX аср бошларида Фарғона водийси ўзбеклари анъанавий турар-жойлари "ичкари" ҳамда "ташқари" ҳовлиларга бўлинган. Кўплаб тадқиқотларда бу жиҳати аёлларни номаҳрам кишиларнинг назаридан четда бўлишини таъминлашга қаратилган исломий қараш билан боғлиқ деб таъкидлайди<sup>5</sup>. Уйлар 1930 йилларга қадар ҳовли "ички" ва "ташқи" қисмларга бўлинган. Қашқадарё воҳасининг уйлари бошқа ҳудудлардан ажралиб туришга сабаб "ички" ва "ташқи" ҳовлили уйларни кўпроқ бой табақа кишилар томонида қурилган.

Ўзбекистонда яшовчи араблар маҳаллий аҳоли таъсирида уйларини "ички" ва "ташқи" ҳовли қисмлар бўлиш анъанасини ўзлаштирган. Уйнинг тепа қисмига рамзий белги сифатида шоҳ илиб қўйишган. Бундан кўзланган мақсад бу элемент унда яшовчи кишиларни инсу жинсдан сақлайди, деб тушунганлар<sup>6</sup>. Ўзбекистон арабларининг уй қурилишига асосан, маҳаллий халқ уй қурилишидан унчалик ҳам фарқ қилмайди.

Сурхондарё вилояти ҳудудидаги баъзи араб хонадонларида ҳовлининг бир қисмига меҳмонлар учун махсус меҳмонхона қурилган, бўлиб у араб миллий маданиятига хос безатилган. Бундай меҳмонхонани, асосан, бой одамлар қурганлар.

Совет даврида араблар яшайдиган қишлоқ ва маҳаллалар тузилишида ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Бу асосан, уй-жойларнинг меъморий қиёфасида кўзга ташланади. Асрлар давомида пахса ва гуваладан фойдаланилган ҳолда қурилган уйлар ўрнини пишиқ ёки цемент гиштлардан қурилган уйлар эгаллай бошлади. Баъзи ҳудудларда, айниқса даштларда яшаб келган кўчманчи чорвадор аҳолининг чодир ва "қора уй" (кигиз уй)лари ўз ўрнини пахса ёки гиштдан қурилган уйларга бўшатиб берди<sup>8</sup>.

1924 йилдан бошлаб давлат янги турар жойлар қурилишига маблағлар ажратган. XX асрларнинг 30-йилларидан эса янгича замонавий уй-жой қурилиши бошланган. Натижада, саноат қурилиши жадал суръатлар билан ривожланди. Бу республика шаҳарларига рус ва бошқа миллат вакиллари-нинг оммавий равишда кўчириб келишига сабаб бўлди. Уй-жойларни барпо этиш ва уни қуриш 1928-1929 йилларда 4, 47 кв. м. дан 1939 йилда 2 кв. м. га

<sup>2</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... - Б. 250.

<sup>3</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... - Б. 257

<sup>4</sup> Воронина В. Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. - М., 1963. - С. 13.

<sup>5</sup> Хўжахонов И. М. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси анъанавий турар жойларининг этноҳудудий Хусусиятлари (XIX аср охири - XX аср бошлари). тарих фанлар ном... дис.. - Т.: 2007. - Б. 87.

<sup>6</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Косон тумани Пўлати қишлоғи. 2011 йил.



тушиб қолди<sup>9</sup>. Юқоридаги кўрсаткичлар Ўзбекистон арабларининг уй-жой ва қуришларга ҳам ўз таъсирни кўрсатган. Натижада аҳолини катта қисми шаҳар ҳудудларидан қишлоқлардаги баракларда, бинолар ертўлаларида истиқомат қила бошлаган.

XX асрнинг 30-50-йилларида араб халқи турмуш тарзида туб ўзгариш юз берди. Бу каби ўзгаришларнинг маҳаллий халқнинг турмуш тарзига кириб келишига, асосан зиёли кишилар сабабчи бўлишди<sup>10</sup>. Замоनावий уйларнинг қурилиши араблар турмуш тарзида ўзига хос анъанавий уйларнинг йўқолишига олиб келди.

Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган дала тадқиқотида тўпланган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, араблар 1950 йилларгача ўтов уйларда яшаб келган. XX асрнинг 60-йилларига қадар кўплаб араб оилалари қапа, ўтов (қора уй), ертўлаларда яшаган<sup>11</sup>.

XX асрнинг 60-70-йиллардан бошлаб қишлоқларда ҳам ислохотлар ўтказилиши натижасида янги анъанавий турар жойлар барпо этила бошланган. Кўчманчи халқларга хос уй-ўтов ва анъанавий уйларнинг унутилишига олиб келди.

Сурхондарё вилоятида яшовчи арабларнинг баъзилари Бойсун тумани ҳудудидан бошқа ҳудудларга кўчиб боришган. Жумладан, 1968 йилдан кейин Қизириқ туманидаги Нуриддин Муродов қишлоғига кўчиб келиб ўрнашганлар. 1972 йилдан бошлаб бу ҳудудларда давлат томонидан янгича лойиҳадаги уйлар қурилган. 1979 йилдан бошлаб қишлоқ замоनावий уй қурилишига кенгроқ имконият яратилиб, бетонли, гиштли уйлар қурила бошладди. Анъанавий ва замоनावий уйларнинг ташқи кўриниши чиройлилиги ажралиб турган<sup>12</sup>.

XX аср бошларидан уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш анъаналарига бир оз янгиликлар жорий этилди. Дастлаб пишган гиштдан уй қуриш, тунука билан том ёпиш, деразаларга ойна солиш ва кўча томонни очиш каби янгиликлар оддий хўжаликларда пайдо бўлади.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларнинг охирига келиб, Ўзбекистон арабларининг турмуш тарзида анъанавий уй-жойлар ўрнига замоनावий уйлар қурилиши борасида респондентларга "Замоनावий уйларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари борми?" деб берилган саволга респондентларнинг 46 фоиз ижобий жиҳатлар тўғрисида фикр юритишган. 32 фоиз эса замоनावий уйларнинг салбий жиҳатлар мавжуд эканлигини эътироф этишди. Аммо 22 фоиз респондентлар замоनावий уйларнинг ижобий ва салбий жиҳатлар тўғрисида берилган саволларга "билмадим" деб жавоб беришди.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни кузатишмумкинки, арабларнинг ижтимоий-тарихий ва хўжалик-маиший хусусиятларини таҳлил этиш асносида уларнинг турмуш тарзида ўзига хос ўзгариш юз берган. Шу сабабли араблар ўзларининг анъанавий уй жойларни қуришда муҳим хусусият-

<sup>7</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Какайди қишлоғи. 2011 йил.

<sup>8</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... - Б. 258.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 2888. Фонд1. Рўйхат - 1, 14-28 varaқ.

<sup>10</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Какайди қишлоғи. 2011 йил.

<sup>11</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Денов тумани Боғдод маҳалласи. 2011 йил; Қашқадарё вилояти Косон тумани Арабхона маҳалласи. 2011 йил.



ларни замонавий уйларни қурилишга эътибор катта ҳисобланади. Сўронома натижасида замонавий уйларни ижобий жиҳатларни 46 фоиз респондент таъкидлайди. Унга кўра уйни ичи шинам, ҳар томонлама қулай ва бошқа жиҳатлардан афзал деб таъкидлади.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бир неча қишлоқларда яшаб келаётган арабларнинг турмуш тарзи ва турар жойлари ўрганилди. Респондентларнинг 63 фоизи "ўзбекларнинг турар жойлари билан арабларнинг турар жойлари ўртасида фарқ йўқ", деб эътироф этган бўлса, "ўзбекларнинг турар-жойларига ўхшамайди" деб берилган саволга 22 фоизни ташкил этди. Аммо уларнинг уй қурилишида маълум фарқ борлигини инobatга олиш лозим. "Арабларнинг турар-жойлари ўзбекларникига эмас, балки қадимий арабларга ўхшаш" деб ҳисобловчилар 15 фоизни ташкил этган.

XX аср ўрталаридан уйни тахтали пол қилиш, томни шифер билан ёпиш бошланди. Кейинчалик икки қаватли уйларнинг қурилиши жуда кенг тарқалди<sup>15</sup>. Ўзбекистон араблари турмуш тарзида янгича уйларнинг қурилиши бу соҳада араб миллий маданиятининг йўқолишига олиб келган. Ҳозирги кунга келиб арабларнинг 90 фоиздан ортиги замонавий турар жойларда яшаб келишмоқда.

Ахборотчилар таъкидлашчи, янгича уйларнинг қурилиши ижтимоий турмушни яхшилашга қаратилди. Янги уйлар 3-4 та хонали бўлиб, алоҳида ётоқхона, болалар учун хоналар қурилган. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб келин-куёв учун алоҳида бир уй қуриш анъанага айланди. Араб уйларининг қурилишида ички ва ташқини кузатиш мумкин. Чунки арабларни уй қурилиши русларни ҳамда маҳаллий халқларни таъсир натижасида ўзгаришни кузатилади. Яна бир сабаби арабларнинг ўтроқлашишига кўпроқ ташқи таъсир сабаб бўлди. XX асрнинг ўрталаридан ҳовли ерининг ўлчами 6 сотих бўлиб, шу ерда уй, молхона, тандирхона қуриш яхши бир анъанага айланди<sup>16</sup>. Дала тадқиқотлари даврида бу қишлоқда ички ва ташқи ҳовли мавжуд эмаслигини бироқ Косон туманига қарашли Райимсуфи, Пўлати қишлоқларда бор эканлигини таъкидлайди<sup>17</sup>.

Жейновлик арабларда ҳам оловни муқаддас билиш одати мавжуд. Масалан, улар янги уйга кўчиб ўтишдан олдин ўчоқ ёқиб, ис чиқарадилар. Ҳар бирхонага чўғ олиб кириб, инсжинсларни қувган бўладилар. Жейновликлар кул, чўғ устига тупуриш ёки ахлат тўкишни гуноҳ деб билганлар. Араблар оловни инс-жинслардан сақловчи сеҳрга, кучга эга деб қарашни маҳаллий аҳолидан қабул қилганлар<sup>18</sup>.

Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри яқинида, унинг жанубий томонида жойлашган Арабхона қишлоғида олиб борилган изланишларнинг кўрсатишича, ушбу аҳоли маскани шаҳарча кўринишидаги чиройли ва кўркам жой бўлиб, аҳолиси шифер ёки тунука билан ёпилган замона-

<sup>12</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод туман Нуриддин Муродов қишлоғи. 2011 йил.

<sup>13</sup> Жабборов И. Ўзбеклар. - Т.: Шарқ, 2008. - Б. 88.

<sup>14</sup> Аширов. А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. - Б. 177.



вий шинам уй-жойларда яшайди. Қишлоқ тўлиқ электрлаштирилган, газлаштирилган. Қишлоқ майда ҳудудларга бўлиниб, унга: Бахшибойи, Зангибойи, Искандари, "Равот", "Қорагуппа", "Баққол", "Жар", "Болтали", "Янги қишлоқ", "Ўн икки" каби маҳаллалар киради.

Ўрта Осиё арабларининг янги иморатга кўчишида "Уй тўй" қилиб бериш анъанага айланган. Албатта, янги уйга кирмасдан олдин бир қатор расм-русумлар бажарилишининг асосий сабаби ёмон нарсалардан асрашга қаратилган. Хусусан, улар ҳам исириқ тутатиб, бўғирсоқ пишириб, кейин қариндош-уруғлар таклиф этилган. Араблар уйга зарур бўлган софга-салом нарсаларни олиб келган. Айрим оилаларда ҳовли тўй оилавий маросим тарзида ўтказилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон арабларининг ўзига хос локал турар жойлари бошқа халқларнинг туб жойларидан бир оз фарқ қилади. Арабларнинг уйларидаги деразалар икки тавақали (икки қаватли) қилиб, уларни арабча ўймакорлик санъати билан безатилиши, мазкур халқ миллий меъморчилигига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади.

### Резюме

Мазкур мақолада Ўзбекистон арабларининг уй жойлар билан боғлиқ этномаданий анъаналар ва трансформациясига доир назарий ва методологик жиҳатидан тадқиқ этилган. Шунингдек, йиллар ўтиши натижасида уйларни қурилиши билан боғлиқ янги анъаналар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилган.

### Резюме

В данной статье рассматриваются теоретические и методологические аспекты этнокультурных традиций и трансформации узбекских арабов, связанных с жильем. Кроме того, он также указывает на новые традиции в строительстве домов на протяжении многих лет.

### Resume

This article examines the theoretical and methodological aspects of the ethnocultural traditions and transformation of the Uzbekistan Arabs related to housing. Moreover, it also points out the new traditions in constructing houses over the years.



<sup>15</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи. 2011 йил.

<sup>16</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Косон тумани Пўлати қишлоғи. 2011 йил.

<sup>17</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Бешкент шаҳри Нукработ қишлоғи. 2019 йил.

<sup>18</sup> Ражабов Р. Ўзбекистон араблари // Мозийдан садо. - 2004. - №2 (22). - Б. 39.



# MULOQOT MADANIYATINI O'RGANISGA DOIR BA'ZI MULOHAZALAR

Набижон НАРЗИЕВ

Ўзбекистон Миллий университети

**Таянч сўз ва иборалар:** этнология, мулоқот, лингвистик бурилиш, мулоқот одоби, мулоқот этикети, монофаол, полифаол, когнитив антропология, коммуникация, менталитет, трансформацион жараёнлар.

Тил миллат қиёфасининг муштарак қисми, энг муҳим қадриятлари, халқнинг маданияти, урф-одати, турмуш тарзи ва тарихидир. Тил яшар экан, демак ўша халқнинг маданияти урф-одатлари, расм-русмлари ҳам боқий бўлади[1].

Албатта, бу тил инсонлар ўртасида кечадиган мулоқот жараёнидагина ўзини намаён эта олади. Мулоқот – этнос маданиятининг асосий компонентларидан биридир. Мулоқот арабча сўздан олинган бўлиб, "учрашиш", "кўришиш", "қабул қилиш" маъноларини англатади [2].

Мулоқот маданияти бу – икки ва ундан ортиқ кишилар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тинглаш, таъсир этиш орқали маълумотлар алмашишга қаратилган фаолиятдир. Мулоқот – бу инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолиятига бўлган эҳтиёжи бўлиб, маълумот ҳамда ахборот алмашишга доир уларнинг биргаликдаги ҳаракатдир. Мулоқот одамларнинг ўзаро муносабати, эмпатия[3] ва ҳиссиётлар алмашинувини ўз ичига олган икки томонлама фаолият шаклидир. Мулоқот – маълумот алмашиш, одамларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини ифода этиш, қўллаб-қувватлаш, раҳм-шавқат ва ўзаро тушинишдир[4].

Мулоқот инсоният тарихида ижтимоий яшаш ва ижтимоий тараққиёт шароитида юзага келувчи маънавий маданиятнинг бир қисмидир[5]. Аслида бу жараёни лингвистика фани ўз тадқиқотларининг объекти сифатида қарасада, ўзига хос такрорланмас олам бўлган инсонлар мулоқоти жараёнининг руҳий, миллий, ижтимоий, этнографик, ҳудудий жиҳатларига эътибор қаратилмайди. Бунда мулоқот жараёнининг ўта мураккаб ва серқирра эканлигини, худди шунинг учун ҳам алоҳида бир фаннинг ўзи бу муаммони яхлит тадқиқ этишга ожизлик қилаётганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин[6].

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илмий тадқиқотларда ижтимоий фанларнинг илмий масалаларда ўзаро яқинлашиши кузатилди. Жумладан, этнопсихоллингвистика, этносоциоллингвистика каби янги соҳа йўналишлари ривожланди. Бу эса мулоқот маданиятининг асл моҳиятини, унинг ўзига хос қонуниятларини атрофлича ўрганиш имконини беради[7].

Ғарб тарихнавислигига назар ташласак сўнгги даврларда тарихни тадқиқ этишда тарихий воқеалар ва ҳодисалар даврининг лингвистикасини ўрганиш асосий концепция сифатида кўтарилмоқда. Жумладан, XXI аср бошларида Францияда "Анналар" мактабининг тўртинчи авлод вакиллари "Лингвистик бурилиш" деб номланган ғояларини илгари сурган. Бу, биринчи навбатда, иқтисодий, ижтимо-



ий-маданий муносабатларни ўрганишда ўша давр инсонларининг тил (мулоқот) дунёсини ўрганиш ишончли маълумотлар беришини испотлашга ҳаракат қилдилар. Фалсафа, антропология ва тарихда шундай номланган "Пост-структурализм", унинг доирасида тадқиқотчилар ижтимоий тузилмалар ёки онг тузилмаларига эмас, балки тил (мулоқот) орқали жамият ва дунё ҳақида тушунча ва гоёларни шакллантириш жараёнида қизиқиш билдирдилар. Ушбу йўналиш вакилларида Бернارد Лепти, Ричард Шарте каби антропологларнинг ишларида бунга кўпроқ гувоҳ бўламиз[8].

Бизнинг давримизда этнолингвистика, этнопсихоллингвистика, социопсихоллингвистика каби янги соҳа ва йўналишлар юзага келиб, ривожланиб бормоқда. Инсон нутқини айнан фанларнинг мана шундай "туташ нуқтасида" тадқиқ этиш ўта мураккаб жараён бўлган мулоқотнинг асл моҳиятини, унинг ўзига хос қонуниятларини ўрганиш имконини беради. Бу фанларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эгадир. Этнолингвистика тарихини ўрганиш бундай фанларнинг этимологияси билан яқиндан танишиш имкониятини беради[9].

Мулоқот маданияти тушунчаси, унинг асосий моҳияти, ушбу тушунчанинг этнология, лингвистика, психологияда ўрганишнинг юзага келиш даври, тадқиқот объекти, чегараси ҳамда ўрганиш тарзи ҳақида фанда турли-туман қарашлар, бири иккинчисини инкор қиладиган фикрлар мавжуд. Аслида муаммони ўрганишда объектга олиб борувчи воситаларни ўрганиш етакчи ўрин тутган. Шунинг учун мулоқот маданияти муаммосини назарий жиҳатдан асослашдан туриб бу соҳада бирор амалий мувоффақиятга эришиш қийин[10]. Муомала маданиятини ўрганилишини тадқиқ этишда масалага турлича ёндошувлар мавжудлини кўрамиз. Яъни, "тил маданияти", "нутқ маданияти", "нутқ (тил) одоби", "мулоқот одоби", "мулоқот этикети" кабилар. Барча ҳолатларда ҳам инсон мулоқот маданияти турлича компонентлар ва аспектлар доирасида ўрганилган. Хорижда олиб борилган тадқиқотларда мулоқот маданиятининг этнология, антропология, лингвистика, социология оид компонентлари ўрганилган. Ушбу йўналишларнинг назарий ва амалий аҳамиятига доир ишларда В.Ф. Биркенбил, Г. В. Бороздина, Т. Г. Винокур, И. Н. Горелов, М. Л. Кнапп, В. П. Конецкая, В. А. Лабунская, А.А. Леонтьев, В. П. Морозов, Э.Холл[11] каби олимларнинг илмий ишларида мулоқот маданияти турли аспектларда ўрганилганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, мулоқот маданиятининг психологик жиҳатлари ўрганишда Ю.Фаст, И. Эйбл-Эбесфельд, П. Экман, В. Биркенбил тадқиқотларида самарали ишлар амалга оширилган.

Ю.Фастнинг таъкидлашича, XX аср ўрталарида инсон антропологияси ва психологиясини ўрганишда "кинесика" (юнончадан kinesis -ҳаракат) фани пайдо бўлди. Унинг предмети инсон хулқ атворининг новербал (оғзаки бўлмаган) шаклида акс этишини ўрганишдир. Шунингдек, одамлар билан мулоқот жараёнида ишлатиладиган тана ҳаракатлари (имо-ишоралар), юз ифодалари тадқиқ этилади[13].

Америкалик антрополог Эдвард Т. Холлнинг таъкидлашича, дунё халқлари маданиятини таснифлашда мулоқот маданияти орқали ўрганиш кўпгина масалаларга ойдинлик киритади. 1959 йил Э.Холл томонидан чоп этилган "The Silent Language" ("Жимжимадор тил") китоби мулоқот маданиятини ўрганишда ўзига хос туртки бўлган[14]. Антрополог Эдуард Т. Холл мулоқот вақтида кузатилади-



ган ҳатти-ҳаракатлар, мулоқот вақтида таъсир этувчи омиллар, новербал ҳатти-ҳаракатларнинг амалий аҳамиятларининг ижтимоий ва этник хусусиятларда акс этиши юзасидан илмий ғояларни берган[15]. Ушбу муаллифнинг фикрича, дунё халқларида мулоқотжараёнидаги ҳатти-ҳаракатлар, фикрни етказиш ва англаш билан боғлиқ ҳолатларни иккига бўлади: қуйи ваюқори контекстли мулоқот шакллари. Қуйи коммуникатив контекстли мамлакатлар вакиллари лўнда, тўғридан-тўғри ва очиқ гапирадилар. Уларнинг мулоқотидаги сўзларда икки ёки яширин талқин учун рухсат йўқ. Бундай мамлакатларга Германия, Австралия, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Нидерландия, Швейцария, Финляндия, Скандинавия мамлакатлари ва Исроил киради. Юксак коммуникатив мазмунга эга бўлган мамлакатлар вакиллари мулоқотларида сўзлар турли талқинларни ўз зиммасига олади. Бунда кўпроқ юз ифодалари ва имо-ишоралар таъсир етиб, мулоқот вақти ва вазиятнинг аҳамияти катта бўлиши билан аҳамиятлидир. Юксак коммуникатив мазмундаги мулоқот маданиятига эга мамлакатларга Шарқ мамлакатлари (Япония, Корея, Хитой, Ветнам, Таиланд), шунингдек, Греция, Испания, Италия, Бразилия, Ҳиндистон ва Лотин Америкаси киради[16].

Ўзбек халқи ҳам қадимдан ўзининг анъанавий мулоқот маданиятида вори-сийлик ёндошувига амал қилиб келаётган халқлардан бири саналади. Ворисийликда эса андишалик, самимийлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ўзаро ёрдам, сабрлилик, кечиримлилик, шукроналик каби фазилатларда етакчи ўрин эгаллайди. Айниқса бундай ўзига хосликлар халқимизга хос бўлган тўй ҳашамларда, халқ сайиллари ва байрамларида эрқин намаён бўлади.

Англиялик олим, этнопсихолог Ричард Льюиснинг ғояларига кўра, дунё халқлари маданиятини, жумладан, мулоқот маданиятини таснифлашда қуйидаги учта жиҳатга эътибор қаратади:

1. Монофаол (Linear-active): муносабатларда аниқ ва пухталиқ, тиришқоқлик, ҳаракатчанлик сифатларининг мавжудлиги. Бу жиҳатдан немислар, америкаликлар, инглизлар маданиятини алоҳида таъкидлаш лозим;

2. Полифаол (Multi-active): хиссиётлилик, ҳис-ҳаяжонга тўлалик, ўзгарувчанлик, тез ўзгара олишлик каби хислатлар. Масалан: италянлар, испанлар, бразилияликлар маданияти;

3. Ташқи таъсирларга жавоб бера оладиган (Reactive). Обрў-эътиборни сақлашга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлар. Бунда асосан хушмуомалалиқ, назокали ҳаракатлар, сабр-тоқатли бўлиш, можародан сақланиш каби фазилатлар назарда тутилади. Японлар, хитойликлар, корейслар мулоқот маданиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин[17].

Ричард Льюис ўзининг "When cultures collide: leading across cultures" ("Маданиятлар тўқнашганда: маданиятлараро лидерлик") номли китобининг "The Baltic States and Central Asian Countries" (Болтиқбўйи ва Марказий Осиё давлатлари) бобида бу мамлакатларга хос этикет маданиятларига доир маълумотларни келтиради. Жумладан, Марказий Осиё халқлари ўзига хос бой лингвистик фонга эга эканлигини таъкидлайди. Марказий Осиёда ўзбекларни "ишбилармон одамлар" деб баҳолашмоқда, улар пунктуаллилик бўйича Марказий Осиёда етакчи саналдилар. Бошқа Марказий Осиё халқларига нисбатан самимий, ишонувчан, туғма ишбилармон, мулоқот вақтида иродалиги ва зукколиги, дадиллиги, эҳтиёткорлиги, сабр-тоқатлиги сезилиб туради, ижтимоий вазиятларга эҳтиёткорлик билан ёндашдилар. Мулоқот вақтида суҳбатдош олдида ўзини юқори ту-



тиш, ўзгарувчан (динамик) жиҳатлари билан ажралиб туради. Уларнинг далиллари чизиқли эмас, балки думалоқ, чунки улар барчасини текширишни хоҳлашади. Мулоқот вақтида тинглаш одатларига кўра ўзбеклар бошқа Марказий Осиёликларга қараганда камроқ сабрлилик қиладилар. Шовқинли учрашувларда ҳам улар фаолҳисобланишади. Ўзбекларнинг турли учрашувларда кечадиган суҳбатларда шовқинсезилиб туради. Ўзбеклар мақтов ва хушмуомалани ишлаштишади ва худди шундай қилишингизни кутишади[18].

Ричард Льюиснинг ўзбеклар мулоқот маданиятига доир фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, унда ўзбекларга хос этник қиёфа ва минталитетнинг мулоқот маданиятида акс этишини ўрганишга доир татқиқот олиб борганини гувоҳ бўламиз. Жумладан, ўзбеклар турмуш тарзида, оилавий муносабатларида, ижтимоий ҳаётда кесаларнинг мавқеи баланд эканлигини, самимийлик ва мулоқотликмуҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтган.

Мулоқот маданиятининг ижтимоий аҳамиятига доир жиҳатларини ўрганишда социологлар О. Конт[19], Э. Дюркгейм[20] ишларини алоҳида таъкидлаш керак. Уларнинг ишларида мулоқот вақтидаги инсонларга хос шахсий фазилатлар, хулқ-атворларидаги семантик хусусиятлар, анъанавий ва замонавий жамиятларда инсонларда кузатиладиган ижтимоийлашувжараёнлари, ижтимоий гуруҳлар ва институтларда одамларнинг мослашиши, ижтимоий статус масаларида мулоқот маданияти ва хулқ-атвор масалалари юзасидан назарий гоёлар илгари сурилади.

XX асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб АҚШ, Буюк Британия, Япония, ва баъзи бошқа Европа мамлакатларида маданий антропологияни тадқиқ этишда когнитив[21] антропология номли семантик таҳлил усуларидан фойдаланиш кенг ривожлана бошлади. Унга кўра мулоқот ва муносабатлар структурасини ривожлантирувчи компонентларга алоҳида эътибор қаратилади. Буларга тақлиқ, сўз бойлиги, хулқ-атвор қоидалари ва бошқалар киради. Дастлаб, бу назариядан қариндошлик тизимларини ўрганишда кенг фойдаланилган бўлса, кейинчалик этнолингвистика ва этносоциологияда оммалаша бошлаган. Когнитив антропология таҳлил усуларидан маданий антропологлар У. Гудэнаф, Ф. Лаунсбери, Х. Конклин, А. Ван Дейк психологлар С. Брунер, Дж. Гудноу, Дж. Остин, тилшунослар Д. Хаймс, К. Пайк, Т. Г. Скребцовалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Этносоциолог Т.А. Ван Дейк "Тил, билим, коммуникация" номли китобида мулоқот маданиятининг когнитив жиҳатларини ўрганиш ижтимоий антропологияда баъзи муаммоларни аниқлашда муҳим аҳамиятига эга эканлигини таъкидлайди. Муаллиф этник вазиятларда кузатиладиган муносабатларни ўрганишда когнитив модел тушунчасини илгари суриб, уни учта компонентдан иборат деб билади: семантик, прагматик, интеракциональ. Ван Дейкнинг фикрича, ҳар бир этнос хотирасида унинг эътиқоди, урф-одатлари яшайди ва бу ҳолат уларнинг мулоқотида акс этади[22].

Тилшунос Т. Г. Скребцованинг таъкидлашича, барча фанлар доирасида когнитив таҳлил усуларидан фойдаланиш, масаланинг ривожланиш динамикасини ўрганишда аҳамияти каттадир[23].

В.Г. Криско мулоқот маданиятини ўрганишда энг аввало, қуйидаги икки жиҳатга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди:

1) Турли миллий маданий гуруҳларга мансуб кишилар мулоқоти руҳияти;



2) Ижтимоий гуруҳларининг ўзига хос муомила маданияти[24].

Мулоқот маданияти муаммосини миллий характер – миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб ўрганиш мутлақо мумкин эмас. Чунки мулоқот маданияти миллат характерининг узвий бир қисми бўлиб, улар ўзаро чамбарчас боғлиқдир[25].

"Сўзлашиш этикети ва мулоқот маданияти" номи рисоласида Н.И. Фермановская мулоқот жараёнига таъсир этувчи омиларни иккита гуруҳга бўлиб ўрганишни таклиф этади[26]:

Хулоса тарзда таъкидлаш керакки, ҳар бир миллатнинг бошқалар билан муносабати ва мулоқотлари тўғрисида ўз қарашлари бор. Мулоқот маданияти муаммосини халқнинг ўзига хос урф-одатлари, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб ўрганиш мутлақо мумкин эмас.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Бўриев О. Ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир. *Sohibqiron yulduzi*. Илмий журнал- №4. 2019й. 4-бет.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. Т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 636 бет
3. Эмпатия- (юнонча "empathia" ҳис қилмоқ) мулоқот вақтида одамнинг ички дунёсини ёки хиссий ҳолатини онгли равишда англаш, тушунишга ҳаракат қилиш. Ушбу атама Австриялик психолог Зигмунд Фрейд томонидан илк бор фанга олиб кирилган.
4. Грушевицкая Т.Г., Попков В.Д., Садохин А.П. Основы межкультурной коммуникации. М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – 280с. (352с.)
5. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Т.; - 2000й. 16 бет
6. Национально-культурная специфика речевого поведения. –М.: Наука, 1977. С 14 (-352с.)
7. Формановская Н.И. Вы сказали: Здравствуйте!, –М.: Знание. 1989. С-9.(-158с.)
8. Lepetit V. Histoire des pratiques, pratiques de l'histoire// Les formes de l'expérience :uneautrehistoire sociale. Paris: A. Michel, 1995. P. 13-14., Chartoer R. Lectures et lecteurs dans la France d'Ancien R?gime. Paris, 1987
9. Леонтьев а.А. Основы психолингвистики. Москва. 1997 г. 287с.
10. Қўғиров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. "Нутқ маданияти ва услубияти асослари", – Т.: Ўқитувчи. 1992 й. 19 бет.
11. Биркенбил В., Язык интонации, мимики, жестов. С. –П.: "Питер", 1997. – 176 с.; Бороздина Г. В. Психология делового общения. Глава 7. Имидж делового человека. М.: "Деловая книга", 1998. –247 с.; Винокур Т. Г. Говорящий и слушающий. Варианты речевого поведения. М.: "Наука", 1993. –159 с.; Горелов И.Н. Невербальные компоненты коммуникации. М.: "Наука", 1980. –238 с.; Кнапп М. Л. Невербальные коммуникации. – М.: "Наука", 1978. –308 с.; Конечкая В. П., Социология коммуникации.М.: МУБУ, 1997. –164 с.; Лабунская В. А., Невербальное поведение (социально-перцептивный подход). Ростов-на-Дону: "Феникс", 1988. –246 с.; Лабунская В.А., Экспрессия человека: общение и межличностное познание.Ростов-на-Дону: "Феникс", 1999. –214 с.; Леонтьев А. А., Психология



- общения. -М.: "Смысл", 1997. -239 с.; Морозов В. П., Искусство и наука общения: невербальная коммуникация. М.: ИП РАН, Центр "Искусство и наука", 1998. -189 с.; Холл. Э. Как понять иностранца без слов. М.: "Наука", 1995. -197 с.
12. Vera F. Birkenbihl. Irrenistmenschlich - managenauch / REDLINE Verlag , M?nchen, 2019y., Vera F. Birkenbihl. Fallbeispielen und konkreten Handlungsalternativen;. REDLINE Verlag, M?nchen, 2019y.
13. Julius Fast. Body language. 1982. ISBN 0 330 02826 6Printed and bound in Great Britain byRichard Clay (The Chaucer Press) Ltd, Bungay, Suffolk 11p. (126 p.)
14. М.О. Гузикова, П. Ю. Фофанова Основы теории межкультурной коммуникации. Екатеринбург Издательство Уральского университета 2015., с-10. (120с.)
15. Edward T. Hall. The Silent Language. New York: Doubleday and Co., Inc., 1959. 240 pp.<https://b-ok.asia/book/1246244/53с684>
16. Hall E. T. Beyond Culture. Garden City ; New York : Anchor Press, 1976.
17. Lewis R. D. When cultures collide: leading across cultures. Boston ; London: Nicholas Brealey International, 2005. 18-19p/ (625p.)
18. Lewis R. D. When cultures collide: leading across cultures. Boston ; London: Nicholas Brealey International, 2005. 385-387p.
19. Конт О.Дух позитивной философии. Классика отечественной и зарубежной этнологии и социокультурной антропологии. Москва: Директ-Медиа, 2002. 201 стр.
20. Дюркгейм Э. Элементарные формы религиозной жизни. Тотемическая система в Австралии. М. Дело. 2018
21. Когнитив - лотинча "cognitio" - билим, изланиш. Этнологияда когнитив тахлил методиди мулоқот маданиятидаги хулк-атвор нормалари ва ижтимоий муносабатларда кузатиладиган билим ва изланишларнинг акс этиши, ривожланиш ва пасайиш динамикаси тахлил этилади.
22. Ван Дейк Т.А. Язык. Познания. Коммуникация. БГК им. И. А. Бодуэна де Куртенэ, 2000 г. С- 161-162 (С-308)
23. Скребцова Т. Г. Когнитивная лингвистика Классические теории, новые подходы. Москва. Издательский Дом ЯСК. С-14. (383с.)
24. Крысько В.Г. Этнопсихология и межноциональные отношения. М.: Эгзамен. 2002 г.
25. Сухарев В.А. Характер, поведение и деловые качества народов мира// Этика и психология делового человека., 1997. С. 119.
26. Фермановская Н.И.Речевой этикет и культура общения. Москва. Издательство ИКАР. 2005г. 9-14с. (234с.)
27. Русча-ўзбекча лугат. 2-том,-Т.: Бош редакция. 1983, 445б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада этнологияда мулоқот маданиятини ўрганишнинг илмий-методик аҳамиятига доир фикрлар таҳлили келтирилади.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье представлен анализ мнений о научно-методологической значимости изучения культуры общения в этнологии.

#### SUMMARY

This article presents an analysis of opinions on the scientific and methodological significance of studying the culture of communication in Ethnology.



# O'ZBEKISTONDA CHORVACHILIK TARIXI O'TMISH SABOQLARI VA HOZIRGI ZAMON

Шахзод АХМЕДОВ,  
Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

**Калит сўзлар:** Массажетлар, мулкый табақаланиш, суворий-орийлар, "тинч социалистик қурилиш", коллективлаштириш, зооветеринария

Марказий Осий азалдан чорвачилик ривожланган ҳудуд ҳисобланиб, асрлар давомида халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим меҳнат тақсимоти сифатида қадрланган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган чорвачилик, нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган йўналиш балки, асрлар давомида халқни метин иродаси, саботини синовчи, суронли босқинчилик замонларида ҳам ҳалол меҳнат қилишни ўргатувчи соҳа сифатида машҳурдир. Қадимдан турон заминнинг энг забардаст ватанпарвар, ватан озодлиги учун жонини фидо қилган Широқ каби афсонавий ўғлонларнинг чорвадор сифатида таърифланиши ҳам бежиз эмас албатта.

Геродот ўзининг "Тарих" китобида "Массажетлар буғдой экмайдилар, чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланадилар ҳамда сут ичадилар" деб маълумот берган бўлса Зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да туронзаминнинг Хоразм ва Суғдиёна ҳудудидаги чорвадор аҳолиси "турлар" деб зикр этилган. [2. Б. 39]

Тарихий маълумотларга кўра, Турон халқлари орасида жадал мулкый табақаланиш натижасида чорвачилик хўжалигида йилқичилик ва туячилик янги йўналиш сифатида таркиб топган.

Илк ўрта асрларда Чоч аҳолисининг Чўл ва тоғ олди адирларида чорвачилик хўжалиги учун қулай бўлганлиги ва чорвачиликнинг кўп тармоқли яйлов тури ривожланган. [1. Б. 33]

Амир Темур ва темурийлар даврида куйи Сирдарёда яшовчи қипчоқларнинг Моварауннаҳрга кўчирилиши чорвадор қабилаларнинг Моварауннаҳр ва Хоразмга гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келишига замин яратган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Андижоннинг тоғли ҳудудларида турк уруғлари чорвачилик билан шуғулланиб келишларини тилга олган. Улар Бобур қўшинларини от ва чорва моллари билан таъминлаб турганлар. Умуман бу даврда чорвадор қавмлар тоғ олди адирлар ва даштларда яшаб, Амир Темур ва Темурийларнинг ҳарбий юришларида зотли отлар, чорва моллари ва қўшимча қўшин билан таъминлаб



турганлар. Зотли отларни фақат йилқиси кўп чорва билан шуғулланган қавмлар етиштириб берган. [3. Б. 90]

Лекин XX асрнинг бошлари тарихимизга, ўта мураккаб ва зиддиятли, турли ижтимоий гуруҳ ва кучлар сиёсий қарама-қаршилиги авж олган "тинч социалистик қурилиш" йўлига ўтиш даври бўлиб кирди. Пахта хом ашёсининг ҳаддан ташқари етиштирилиши ва ўлканинг хом ашё базасига айлантирилиши натижасида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, хусусан, чорвачилик кескин инқирозга учради.

1917-1920 йиллардаги оғир ва ҳалокатли вазият чорвачиликни ҳам инқироз ёқасига келтирди. Умуман Туркистонда 1920 йилга келиб, 1917 йилдагига қараганда чорва моллари икки барабар камайиб кетган эди. 1930-йили қўлланилган "Қулоқ қилиш" сиёсати деҳқонларда ишончсизлик ва хавотирни кучайтирди. Советларнинг коллективлаштириш сиёсати оммани қўрув ва ваҳимага солди. Улар ўз хўжалиklarини қаровсиз ташлаб қочдилар, чорва молларини сўйдилар, ёки бозорга олиб бориб арзон гаровга сотдилар. Натижада Ўзбекистонда фақат қорамоллар 1930 йилнинг ўзида 60 минг бошга камайиб кетди. Ўзбекистонда амалга оширилган ёппасига жамолаштириш чорвачиликка катта зарар келтирди. 1928-1932 йилларда салкам 715 минг қорамол, салкам 160 минг от, 49 минг туя, 123 минг эшак ва хачир бир неча юз минг қўй ва эчкилар камайиб кетди. Республикадаги сиёсий вазият кескинлашиб борди. 1932 йилнинг охири 1933 йилнинг бошларида чорвачилик кескин инқирозга учратди. [4. Б. 366]

Иккинчи жаҳон уруши йилларида немис-фашистларни тор-мор келтириш учун олиб борилган умумхалқ курашига ўзбек чорвадор деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар олдида фронт ва мамлакат ичкарасидаги аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан, саноатни хом-ашё билан тامينлаш вазифаси қўйилди. Чорвадорлар ҳам армия ва аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашлари зарур эди. Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари 4 миллион 148 минг тонна пахта, 82 миллион пуд ғалла, 54067 тонна пилла, 195 минг тонна шоли, 57 минг 444 тонна мевадан ташқари 159 минг 300 тонна гўшт, 22 минг 300 тонна жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш билан душман устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшганлар. [5. Б. 142]

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бир томонлама ва асосан экстенсив йўл билан ривожлантирилган эди. Аммо бу ярқосиз усул хусусан 80-йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ҳам турғунлик ҳолатига солиб қўйди. 1981-1985 йилларда давлат томонидан белгиланган режалар, пахта, дон, гўшт, сут, тухум сотиш каби соҳаларда бажарилмади. Чорва моллари туёқ сони кескин камайди. Биргина сигирлар сони 1986 йилда 1981 йилдагига нисбатан 1,2 минг бошга камайди. Натижа шу бўлдики, 1981-1985 йилларда республика аҳолисига режадагига қараганда 70 минг тоннадан кўпроқ гўшт, 220 минг тонна сут, 1000 миллион дон тухум етказиб берилмади. Аолининг шахсий чорва хўжаликлари янада аянчали ҳолатга ту-



шиб қолди. 1989 йил 31 мартдаги маълумотларга қараганда Сирдарё вилоятидаги 42 та, Самарқанд вилоятидаги 36 та, Қашқадарё вилоятидаги 28 та хўжалиқда умуман сигирлар бўлмаган. Қишлоқларда истиқомат қилувчи хонодонлардан 770 мингтасида ёки 41 фоизда умуман қорамол боқилмаган. [6. Б. 210]

Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлигининг авж олиши, аҳоли учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиқ ва чорвачилиқ маҳсулотларининг кам ишлаб чиқарилиши, нарх-навонинг ошиши ва энг муҳим аҳоли харид қувватининг ночорлиги мамлакатда оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Собиқ иттифоқ ўз фаолиятини тугатгандан кейин, мустақил мамлакатлар жумладан Ўзбекистон ҳам ҳар томонлама муаммоларга дуч кела бошлади.

Ўзбекистон ҳукумати Мустақиллик Декларацияси асосида 1990 йилда дадиллик билан республика манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тадбирлар мажмуасини амалга оширди. "Ўзбекистон ССРдаги ижро этувчи ва фармойиш берувчи ҳокимият тузилмасини такомиллаштириш Вазирлар Макамасининг пахта хом ашёси, бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилиқ маҳсулотларининг харид нархларини кўп марталаб ошириш тўғрисидаги, шунингдек қишлоқ хўжалигидаги меҳнатга тўланадиган ҳақни ошириш тўғрисидаги қарорлари ана шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган илк даврларданоқ собиқ Совет тузуми анъаналаридан воз кечиб, халқаро ҳамжамиятда тенг ҳуқуқли, ўзининг ва жаҳоннинг илғор давлатлари анъаналарини уйғунлаштирадиган ўзига хос миллий давлатчилик принципларини яратиш устида кенг кўламда ишларни бошлаб юбоди. Собиқ тузум томонидан яратилган тартибларни ислоҳ қилиш барча соҳаларни қамраб олди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр соҳа доирасида тайёрланишини инobatга олган ҳолда мислсиз ислоҳотлар ўтказишга киришилди. Республикамизда 1991 йилда 1294 та жамоа хўжалиги, 1868 та фермер хўжалиги ва 2,1 миллион нафар хусусий томорқа участкаларининг эгалари мавжуд эди. [7. Б. 50]

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлмиш чорвачилиқни жадал ривожлантиришда мазкур соҳага ихтисослашган хўжалиқларни наслдор чорва моллари билан таъминлаш, турли йўналишдаги зооветеринария ва зоотехник хизматлари кўрсатувчи инфратузилма объекларини ривожлантириш масалалари билан бир қаторда, кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга қорамоллар бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Жумладан, "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга мувофиқ, 2006-2010 йилларда шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури ишлаб чиқилди. [8. Б. 147]

2010 йилда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида 2835 нафар фуқарога қорамол сотиб олиш учун 4,0 млрд сўм имти-



ёзли кредит маблағлари ажратилиб, кам таъминланган оилаларга ҳомийлар ҳисобидан 2355 бош қорамол бепул етказиб берилди.

2013 йилга қадар барча турдаги хўжаликларда йирик қорамоллар 10607,0 минг бошни ташкил қилди (2005 йилга нисбатан 1,6 баробар кўпайган), шу жумладан, сигирлар сони 4020,5 минг бошга етди (ўсиш 1,4 баробарни ташкил қилди), қўй ва эчкилар ҳам 17720,2 минг бошни ташкил этиб, 1,5 баробар ошганлиги ушбу соҳада эришилган муҳим ижобий натижа бўлиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишнинг асосий омилига айланди.

2015 йилда қорамолчиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган Дастурлар доирасида янгидан 933 та кичик қорамолчилик хўжаликлари ташкил этилди ва уларда 14 минг 844 бош қорамол парвариш қилинди. Бунинг учун тижорат банкларидан 45 млрд. 598 млн. сўм кредит маблағлари ажратиб берилди ва 1528 та янги иш ўринлари яратилди. Чорвачиликда чорва моллари сонини кўпайтириш билан бир қаторда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилди. Натижада чорвачиликнинг барча асосий маҳсулотлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига эришилди. Хусусан, 2013 йилда 2005 йилга нисбатан гўшт 168,4% га, сут 173,1% га, тухум 222,6% га, шунингдек, жун -161,3% га, қорақўл тери -153,9% га нисбатан камайгани ҳолда, пилла -156,8% га, асал -3,4 ва балиқ -12,6 баробарга ортиши кузатилди.

Бундай ижобий кўрсаткичлар, авваламбор, азалдан асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда етакчи ўринга эга бўлган деҳқон хўжаликларида маҳсулотларнинг тайёрлангани барқарор ўсиш суръатларига эришилганлиги натижасидир.

Хулоса қилиб айтганда чорвачиликни ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва чорва бош сонини кўпайтириш борасида бугунги кунда кўплаб қарорлар, фармойишлар ва давлат дастурлари қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони ҳам чорвачиликни ривожлантириш учун бугунги куннинг асосий дастури бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли - мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда "даладан дўконгача" бўлган узлуксиз занжирни яратишдир, деб таъкилаган эдилар. Шунингдек, мурожаатномада 2020 йилдан чорвачилик, қорақўлчилик, балиқчилик, паррандачилик соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари яратилиши айtilган. Ушбу ислохотлар келажақда чорвачилик соҳасини янада такомиллаштириш ва замонавий механизмларни яратиш, инвестиция сармояларини жалб қилиш орқали интенсив, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни таъминлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Унверситет, 2007. – 341 б.
2. Геродот. История в девяти книгах, Книга VII. – Москва: Ленинград, 1972. – 333 с.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: О‘qituvchi, 2008. – 288 б.
4. Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. 2-китоб. – Т.: Шарқ, 2001. – 722 б.
5. Каримов Ш. Галабага қўшилган ҳисса. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – 173 б.
6. Каримов. И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 364 б.
7. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов. Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овкат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: "ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси" босмахонаси нашриёти, 2016. – 257 б.
8. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Дарслик. – Т.: Истиқлол, 2004. – 343 б.

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистонда чорвачилик тарихи акс этирилган. Ватанимиз ҳудудида чорвачилик соҳасининг ривожланиши бир неча тарихий манбаларда акс этирилган. Қулай иқлим шароити, хўжаликлардаги чорва турларининг хилма хиллиги чорвачилик хўжалиги самарадорлигини оширган. Лекин Совет Иттифоқи давридаги вазиятда чорвачилик инқирозга учраган. Мустақиллик йилларида чорвачилик соҳасида ўтказилган ислоҳотлар ва чора тадбирлар соҳанинг ривожланишини таъминлаган.

**Аннотация**

В статье отражается история животноводства в Узбекистане. В многих источниках нашли отражение развитие животноводства на территории нашей страны. Благоприятные климатические условия, разнообразие видов и пород скота на фермах, повысила эффективность традиционного животноводства в оазисах. Но ситуация в Советское время также поставила животноводство на грань краха. Реформы принятые в животноводстве за годы независимости, обеспечили развитие отрасли.

**Abstract**

This article reflects the history of animal husbandry in Uzbekistan. Our country has long been a region with developed livestock. For centuries, livestock has been valued as an important division of labor in the socio-economic life of peoples. After the collapse of the former Soviet Union, independent countries, including Uzbekistan, began to face various problems.



**TADQIQOT**

# **O'ZBEK XALQI TAFAKKURIDAGI O'ZGARISHLAR VA MA'NAVIY TARAQQIYOT**

**Сухроб НОРҚУЛОВ,  
Фарида УМАРОВА,  
Тошкент Тиббиёт академияси**

**Калит сўзлар:** халқ тафаккури, парадигмал ўзгариш, трансформация жараёнлари, тарихий онг, тарихий тафаккур, миллий ўзликни англаш, маънавий-ахлоқий қадриятлар, диний маърифат, диний қадриятлар, умуминсоний маънавий бойликлар.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган туб ўзгаришлар, модернизация ва трансформация парадигмал хусусиятга эга бўлганидагина эски анъаналар ўрнига янги ғоявий, маънавий қадриятлар, ижтимоий онгда янги қарашлар, тасаввурлар ва идеаллар шаклланади. Парадигмал ўзгариш эски, ўз умрини яшаб бўлган, кишилар онги, ҳаёт тарзи ва фаолиятидан жой олган принципларнинг, нормаларнинг янги давр талабларига мувофиқ алмашишидир. Бу шунчаки ўзгариш эмас, у - туб моҳиятнинг янгиланиши. Парадигмал ўзгариш трансформацияга йўналиш беради ва унинг моҳиятини белгилаб келади. Ҳамма трансформация ҳам парадигмал ўзгариш бўлавермайди, аммо ҳар қандай парадигмал янгиланиш трансформацион ўзгаришдир. Маънавий-маърифий соҳада очиқ ҳавода дам олишга бўлган қизиқишнинг ошиши, сув ҳавзаларига чиқишнинг кўпайиши ҳали парадигмал хусусиятга эга эмас. Кишилар бундай дам олишга бўлган қизиқишлари лола, гул сайлларига чиқиш, истироҳат боғларида, гузарларда дам олиш каби кўринишларда аввалдан мавжуд. Кейинги пайтларда тоғ ён бағирларига, сув ҳавзаларига чиқиш, ички туризм кенгайди, бу ўзгаришлар кишиларнинг бўш вақтларини ўтказишдаги трансформациядир. Аммо маданий-маърифий соҳада тўла ўзини ўзи қопловчи, хўжалик ҳисобидаги бизнес клублар, пансионатлар, туристик базалар парадигмал аҳамиятга эга. Бундай дам олиш ўчоқларида барча хизмат пуллик, фойда олишга қаратилган. Бундай муассасалар маданий-маърифий соҳа учун мутлақ янгиликдир. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзи парадигмал ўзгариш ҳисобланади, чунки у илгариги "бепул хизмат" деган тасаввурларни бутунлай ўзгартириб, ҳар бир хизмат турини савдо-сотиқ предметига айлантирди. "Тараққиёт тарихи кўрсатадики, кишилар ўз меҳнатига, талантига яраша ҳақ олганида ва тақдирланганида жон куйдириб ишлайди, ихтиролар қилади ва бетакрор санъат асарлари яратади. Шунинг учун келгусида маънавий-маърифий соҳанинг прагматизм қонунларига мувофиқ ривожланишини тан олишимиз, уни фожиа деб эмас, балки тадбиркорликнинг бир кўриниши сифатида қабул қилишимиз зарур." [1:



111-б.] Тўғри, маънавий-маърифий соҳада беминнат, бепул хизмат турлари бўлиши мумкинлигини инкор қилиб бўлмайди, миллий ғоя ва маънавият тарғиботи коммерцияга қурилиши мумкин эмас. Аммо бу тарздаги тарғибот ишлари давлат, нодавлат ташкилотлари, маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзаро келишилган буюртмалари орқали олиб борилади. Бу ҳам аслида ижтимоий-маданий хизматга ҳақ тўлашдир. Натижада ижтимоий-маданий масканларга буюртмачилар қилган ишига, ўтказган тадбирига ҳақ тўлаш тартиби қарор топади. Бу эса шўролар давридаги тартибдан тубдан фарқ қилади. Маънавий – маърифий соҳада юз берган парадигмал ўзгариш моноидеология кўрсатмасини бажаришдан полисубъектлар буюртмаларини бажаришга ўтишдадир.

Халқ тафаккури ва онгидаги парадигмал ўзгаришларни қуйидаги йўналишлар орқали таҳлил этиш, очиб бериш мумкин:

- тарихий онг ва тафаккур;
- миллий ўзликни англаш;
- маънавий-ахлоқий қадриятларни янги даврга, мустақил ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ қайта тиклаш;
- диний маърифат ва қадриятлардан фойдаланиш;
- халқаро интеграция ва умуминсоний маънавий бойликларни ўрганишни кенгайтириш;
- инновацияга бўлган қизиқишни қўллаб-қувватлаш.

Мазкур йўналишлар парадигмал ўзгаришлар моҳиятини очиб бериш учун етарли деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихга бўлган тор синфий, мафкуравий ёндашишдан воз кечди, ўзбек халқи тарихига яхлит, тадрижий ривожланиш хусусиятига эга объектив воқелик сифатида қарашга ўтди. Ўзбек халқи тарихида турлича талқин этиладиган, зиддиятли воқеа – ҳодисалар, шахслар бор, улар ҳар бир халқ тарихида, цивилизацияда мавжуд. Лекин бу ўзбек халқи тарихини яхлит ўрганишга халақит беролмайди. "Тарихнинг яхлитлиги, бир бутунлиги ана шу қарама-қаршиликларни тўлалигича ифода этишида! Тарих фалсафаси унинг конкрет воқелик ва ҳаёт фалсафаси билан узвий боғлиқлигида! Тарихий тафаккур, тарихий хотира ана шу тарзда шаклланади. Рад этиб бўлмайдиган, сохталаштирилмайдиган мутлақ ҳақиқатга, олий қадриятга айланади. Инсон қалби ва онгига эса ўз ўтмишини ўрганишга қизиқишнинг пайдо бўлиши орқали таъсир этади." [2: 27-б.]

Ҳаммани мутлақ бир тарзда, баб-баробар тарихий онгли, тарихий тафаккурли қилиш мумкин эмас. Буюк тарихчи ва файласуф А.Тойнби, инсониятнинг тўртдан уч қисми тарих нима эканини билмайди, "улар тарих қонунларига мувофиқ эмас, балки шу пайтгача табиат ритмига мос яшайдилар," [3: С.-620.] деб ёзган эди. Бу фикрни тасдиқловчи рисоаларни истаганча келтириш мумкин. Аммо гап тарихий онгга рўй бераётган ўзгаришлардадир. Бизнинг фикримизча, тарихий онги йўқ шахс бўлмайди. Инсон фикрлаш имконига, хотирасига эга экан, ҳеч бўлмаганида ота-онаси, оиласи, маҳалласи ҳаёти, уларнинг ўтмиши ҳақида минимум хабарга, маълумотга эга бўлади. Бироқ бутун халқи, миллати, Ватани ҳақида тарихий онгга эга бўлиш учун у тарих фанидаги қарашлар,



талқинлар ва ёндашишлардан хабардор бўлиши шарт. Биз тарихий хотира ёки тарихий онг деганда тарих фанида шакланган ушбу ёндашувлардан хабардорликни назарда тутамиз.

Ҳозирги тарихий онгдаги трансформацион ўзгаришлар парадигмал моҳиятга эга. Улар: 1) ўзбек халқи Марказий Осиёда қадимдан яшаб келган элат, қабила, этносларнинг авлоди; 2) ўзбек давлатчилиги узоқ тарихга бориб тақалади; 3) ота-боболаримиз ватанимиз мустақиллиги учун ҳар қандай ташқи босқинларга қарши курашиб келган; 4) Марказий Осиё цивилизациясининг шаклланишида ота-боболаримиз ўрни беҳад катта; 5) маънавият, илм-фан тараққиёти масалалари ота-боболаримизни мудом қизиқтириб келган, бу борада улар жасорат намуналари кўрсатганлар; 6) бошқа халқлар билан интеграцияга киришиб, инновацияга интилиб яшаш ўзбек халқида тарихан шакланган фазилатдир. Мазкур фикрларни шўролар даврида, миллий ўзига хослик ва давлатчиликни инкор қилган тоталитар тузум пайтида айтиш, билдириш амримаҳол эди. Мустақиллик уларни эркин билдириш ва кишилар онгига сингдириш имконини берди, айнан шунинг учун улар тарихий онгдаги парадигмал ўзгаришдир.

Халқ тафаккури ва онгдаги навбатдаги парадигмал ўзгариш миллий ўзликни англаш билан боғлиқ.

Маълум бир сабаблар боис ўзлигини намоён қилолмаган халқ, миллат, инсон ижтимоий борлиқнинг яратувчиси, субъекти эканини ҳис қилолмайди, ўзини камситилган, ҳуқуқ ва эркинликлари топталган сезади. Капиталистик муносабатлар авж олган XVII-XX асрларда айрим давлатлар, халқлар йўл тутган ассимиляциялаштириш сиёсатининг агрессив аҳамиятига эга бўлгани ҳам шундадир.

Миллий ўзликни англаш кишиларни маълум бир этник белгилар ва мақсадлар атрофида бирлашишга ундайди. Шундай бирлашув бўлган жойда миллий ғоя, миллий маданият, миллий онг кишиларни ижтимоий ҳаракатларга, миллат, халқ эканини намоён қилишга чорлайди. Тўғри, мазкур заруратни ҳамма ҳам бирдек англавермайди, аввал айрим бир шахслар, гуруҳлар ўзлигини намоён қилади, кейин уларни ҳаракатга ундаган ғоя ва мақсадлар бошқалар онгидан жой олади. Натижада миллат, халқ ҳақидаги дисперсив фикрлар кишилар онгида миллий ғоя тарзида шаклланади. Шундай ғояга эга бўлган кишилар уюшмаси, ҳаракати "халқни халқ, миллатни миллат" тарзида тарих саҳнасига олиб чиқади.

Миллий ўзликни англаш соф субъектив воқелик, жараён эмас, у ижтимоий ҳаётда объективлашиши лозим. Шунинг учун миллий ўзликни англаш ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларда ўзини намоён этади.

Ижтимоий-сиёсий соҳада миллий ўзликни англаш миллий давлат ва унинг ўзига хос хусусиятларига эга институтларида акс этади. Айнан ушбу омил ижтимоий онгни парадигмал ўзгаришга етаклайди ва миллий ўзликни англашнинг бош объективлашган хусусияти сифатида келади. Мустақил давлат - миллий ўзликни англашнинг юксак ифодаси. [4]

Халқ тафаккури ва онгида содир бўлаётган парадигмал ўзгаришлар миллий ва умуминсоний қадриятлардан кенг фойдаланиш негизда кечмоқ-



да. Шўролар давридаги тор синфий, коммунистик мафкуравий ёндашиш ва стереотиплардан воз кечиш бир томондан, халқимизга хос бўлган, миллатимизни миллат қилган миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, шу асосда миллий онгни, миллий гурурни шакллантириш, иккинчи томондан, умуминсоний бойликлардан баҳраманда бўлиш, инновацион тажрибаларни ўрганиш, ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш орқали жаҳон ҳамжамиятига киришга ундамоқда. Халқ, миллат ўзининг тарихий-маданий меросидан ҳеч қачон воз кечмайди, нигилизм айрим шахслар ёки гуруҳларгагина хос воқеадир. Ўзини, ўзлигини унутмаган, ассимиляцияга берилмаган халқ, миллат тарихий-маданий меросидан фойдаланишга мудом эҳтиёж сезади, айниқса жамият бошқа ҳаёт тарзига, тараққиёт моделига ўтаётганида бу эҳтиёж ортади. Шу билан бирга, бугун дунёни чуллаган глобализация умуминсоний бойликларга ҳам мурожаат этишга мажбур қилмоқдаки, тараққиёт инновацияларга қурилиши мумкин. Ижтимоий онгдаги парадигмал ўзгаришлар энди глобаллашув, инновация таъсирида рўй бермоқда. Лекин бу ўзгаришлар зиддиятли кечиши кўзга ташланади, чунки глобаллашув ва инновацияларнинг ўзи зиддиятли воқеликлардир. [5: 5-6 б.] Бу парадигмал ўзгаришлар ҳали ўзини тўла намоён этгани йўқ, аммо уларнинг илк кўринишлари кўзга ташланмоқда. Ижтимоий-сиёсий соҳада демократизм ва конституционализм тамойилларининг қарор топаётгани, иқтисодий соҳада бозор иқтисодиёти ва глобал интеграцияга қўшилиш рўй бераётгани, маънавий-маданий соҳада умуминсоний қадриятлар устуворлигининг тан олинаётгани, инновацион технология соҳасида интернет, глобал технологик алоқа воситаларининг жорий этилаётгани, таълим-тарбия соҳасида коллеж, лицей, қўшма олий ўқув даргоҳларининг барпо қилинаётгани, халқаро алоқаларда халқ дипломатияси ва трансмиллий корпорацияларнинг кенгаётгани мисол бўлиши мумкин.

Ушбу парадигмал ўзгаришлар ҳозир биз учун муҳим, тараққиётимиз учун ўта зарур бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ парадигмал ўзгаришлар, шу жумладан, модернизация, инновация ва барча трансформация жара-



ёнлари Ўзбекистоннинг стратегик мақсадига зид келмаслиги, халқ онгида унга қарши чиқувчи ғоялар, идеаллар, фикрлар уйғотмаслиги зарур.

Маънавий тараққиёт тўғрисида сўз борганида, аввало, ёшлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги тилга олинади. Айнан ёшларнинг фаоллиги жамиятда янги маънавий қадриятларнинг шаклланишини таъминлайди, халқ тафаккури ва онгидаги парадигмал ўзгаришлар ҳам ана шу фаоллик маҳсули сифатида келади.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз тафаккуридаги парадигмал ўзгаришлар трансформация жараёнларига янгича моҳият, туб хусусият бахш этади. Жамият бир босқичдан иккинчисига, айниқса мутлақ бошқа босқичга ўтаётганида парадигмал ўзгаришни талаб этади, бу пайтда трансформация парадигмал ўзгаришнинг бир қисми, кўриниши сифатида келади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимасов В., Манзаров Ю. Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳа: назария ва амалиёт (фалсафий-социологик тадқиқот). -Т.: Наврўз, 2014. - 111 б.
2. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. -Т.: Маънавият, 2008. - 27 б.
3. Тойнби А. Постижение истории. Сборник. - Москва: Прогресс, 1991. - С. 620.
4. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. -Т.: Маънавият, 2008. - 27-28 б.; Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. - Т.: Akademiya, 2007.
5. Қаранг: Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. - Т.: Маънавият, 2006. - 5-6 б.

### РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ўзбек халқи тафаккуридаги парадигмал ўзгаришлар таҳлил этилади. Жамиятнинг янги парадигмага таяниши, эски ҳаёт тарзидан, қарашлар ва моделлардан мутлақ воз кечиб, янги императивларга, моделларга ўтиши парадигмал хусусиятга эгаллиги ҳақида фикр юритилган.

### RESUME

This article analyzes the paradigmatic changes in the thinking of the Uzbek people. It was argued that the reliance of society on a new paradigm, the absolute abandonment of old lifestyles, views and models, and the transition to new imperatives and models are paradigmatic.



# O'ZBEKISTON DUNGANLARI ANTROPONIMIYASIDAGI O'ZGARISHLAR

Ёсин ОРТИҚОВ,  
Ўз ФА Тарих институти

**Калит сўзлар:** антропоним, дунган, идентиклик, Хитой, хуэйцзу, этномаданий идентиклик.

Инсониятнинг пайдо бўлиши билан аста секин жамият шакллани бошлади. Жамоа аъзолари сонининг ортиши уларнинг ўзаро мулоқотлар жараёнида бир-биридан фарқланиши учун исмларни, қариндош-уруғчилик сисиласини билиш учун шарифлари пайдо бўлди. Тарихий тараққиёт натижаси сифатида турли исм-шарифлар ҳалқларда турлича кўринишда юзага келди. Бунинг хосиласи сифатида инсонлар қайсидир инсоннинг исми ёки шарифи орқали унинг дини ва ҳатто, кўпинча унинг миллатини ҳам аниқлаб олиши мумкин. Масалан, -ич - хорватларда, -ко - украинларда, -вич - русларда (советлар даврида барча иттифоқдош халқлар антропонимиясига ҳам киритилган, хусусан ўзбекларга ҳам) шахннинг шарифини билдиради. Ҳудди шунга ўхшаш ўзбекларда ўгли, шень-силик дунганларда -ло (ёки -лоу) шаклида қўлланилади. Бундан кўринадики миллат вакилининг ўзлигини англашида исм ва шарифларнинг ҳам ўрни катта. Бу давлатнинг рамзи бўлмиш байроқ ёки герби каби шахннинг ўз миллати ёки этносига идентификацияловчи белгилардан биридир.

Антропонимия борасида маданиятшунос, социолог, тилшунос ва этнологлар ўз фан соҳаси диорасида бирқанча илмий изланишлар амалга оширган. Ва бу йўналиш бугун ҳам давом этиб келмоқда.

Дунганлар Ўрта Осиё маданиятига ўзига хос бўлган маданият билан кириб келди ва ўрта осиеликлар томонидан уларнинг маданияти хитой маданиятининг бир бўлаги сифатида гавдаланди, қабул қилинди. Ўз маданиятининг барча жиҳатларини сақлашга интилиш этноснинг этномаданий идентиклигини таъминловчи омиллардан бири сифатида кўрилганлиги сабабидан мазкур маданият вакиллари ҳам антропонияни сақлашга интилади.

<sup>1</sup> Имазов М. Х. О дунганских родовых фамилиях //диалог учёных на Великом Шёлковом пути. Бишкек, 2002. с. 90-94.

<sup>2</sup> Калимов А. Ж. Пути развития антропонимии среднеазиатских дунган // Ономастика Средней Азии.- Фрунзе: - Илим,-1980; Ўша муаллиф: Имена среднеазиатских дунган.- Бишкек: - 2003.

<sup>3</sup> Решетов А. М., Седловская А. Н. Влияние межэтнических контактов на антропонимию дунган // Ономастика Средней Азии. - Москва: - Наука, - 1978. - С. - 162-164.

<sup>4</sup> Стратанович Г. Г., Яншансин Ю. Я. Типы антропонимии дунган // Этнография имён. М.,1971; Яншансин Ю. Я. Краткий дунганско-русский словарь. Фрунзе, 1968.



Дунганлар антопономияси билан М. Х. Имазов<sup>1</sup>, А. Ж. Калимов<sup>2</sup>, А. М. Решетов, А. Н. Седловская<sup>3</sup>, Г. Г. Стратанович, Ю. Я. Яншансин<sup>4</sup> ва А.А.Джон, Ф. Н. Хаваза<sup>5</sup> шуғулланган. Ю. Я. Яншансиннинг қисқача дунганча-русча лугатида дунганларнинг исм ва фамилиялари рўйхат шаклида келтирилади<sup>6</sup>. Бундан ташқари дунган исм фамилиялари рўйхати А. Калимовнинг Ўрта Осиё дунганлари исмларига бағишланган асарида<sup>7</sup> батафсил келтириб ўтилади.

Сўнгги йигирма йилликда дунганларнинг антропонимияси хаттоки, ўтган асрнинг иккинчи ярмига нисбатан олиб қаралганда ҳам жуда катта ўзгаришларга учрагани кўзга ташланади. Бу ўзгаришлар бир томондан исмларнинг тўла (бу ўринда ҳамма исмлар маъносида эмас, балки исмдаги фонетик ўзгариш эмас, шаклий ўзгариш назарда тутилган) ўзгариши бўлса, иккинчи томондан ўзининг анъанавий фонетик ўзгаришларни ҳам йўқота бошлади. Мазкур ўзгаришлар дунганларга хос бўлган антропонимларнинг бутунлай йўқолишига ёки маҳаллий халқлар антропонимиясига фонетик мослашувига олиб келди.

Этномаданий идентикликдаги антропонимларнинг ўрни камайиб бориши натижасида маҳаллий аҳоли ва унинг маданияти билан ўртадаги чегараларнинг заифлашади.

Маданиятнинг бошқа элементлари билан бир қаторда антропонимлар ҳам этноснинг идентиклигидаги маркер бўлиб хизмат қилади. Гарчи бу исмларнинг келиб чиқиши бир манбаавий асосга эга бўлса ҳам, уларнинг фонетик хусусиятларида кескин фарқлар яққол кўринади. Буни бир неча келиб чиқиши арабий бўлган исмлар мисолида ҳам кўриш мумкин: Муохыры - Моҳира, Харсан - Ҳасан, Щимар (Иброҳим исмининг дунганча шакли - Ибраҳимнинг қисқартирилган шакли), Мане (Сулаймон исмининг дунганча шакли - Сулейманнинг қисқартирилгани), Фатме ёки Паты (Фотима исмининг қисқартмаси ёки тил фонетикасига мослаштирилган шакли)<sup>8</sup> ва бошқалар. Аслида асоси бир бўлган исмларнинг фонетик фарқланиши эшитган одамга мазкур исм эгасининг этник, миллий ва ҳатто гуруҳга мансублигини билдириб туриши мумкин. Масалан айтайлик дунганлар билан ёндош ҳудудларда яшовчи киши "Щимар" ёки "Исхар" исмларини эшитса, унинг миллати дунганлигини ёки дунганларнинг ўзи фамилиясининг охири "-ло (-лоу)" билан тугаганини кўрса, унинг шеньсилик дунганлардан эканлигини тушунади. Бу ерда этник ёки гуруҳий мансубликни белгишҳлашнинг энг асосий меркери бу албатта, исмлар бўлмоқда.

<sup>5</sup> Джон А. А. Изменения в антропонимии дунган (хуэйцзу) как маркер идентичности / А. А. Джон, Ф. Н. Хаваза // Китай: история и современность : материалы IX междунар. науч.-практ. конф. Екатеринбург, 21-23 октября 2015 г. -Екатеринбург: Издательство Уральского Университета, 2016. - С. 63-70.

<sup>6</sup> Яншансин Ю. Я. Краткий дунганско-русский словарь. Фрунзе, 1968. -С. 277-284.

<sup>7</sup> Калимов А. Ж. Имена среднеазиатских дунган. Бишкек, 2003. - С. 26.

<sup>8</sup> Дала ёзувлари. Тошкент вилояти. Ўртачирчиқ туман. 2019.



Ўзбекистон дунганларининг асосий этник манзил (Дунган маҳалла)-дан ташқарида яшовчи қисмида уларнинг мазкур асосий марказдан узоқлигига тўғри пропорционал равишда ўз анъанавий маданиятидаги жиддий ўзгаришларга олиб келди. Бир вақтнинг ўзида этник ва миллий ўзига хосликнинг пасайиши ва шунга мос равишда этноснинг антропонимиясидаги этник ва миллий жамоага тегишлилик белгиларининг йўқолиши унинг ўзлигидан тобора узоқлаштириб боради.

Л. Бойко антропонимларнинг ўзгарувчанлиги ҳақида фикр юритиб, "... антропоним маълум бир маданият контекстида ўз ҳаёти билан яшайди, миллий тил қоидаларига бўйсунди ва жамиятнинг ривожланиш динамикасига сезгир муносабатда бўлади"<sup>9</sup>, деб ёзади. Ўзбекистон дунганлари мисолида эса, барча дунганлар бир давлат ва бир маданият билан қўшни бўлиб яшасада, уларнинг сон жиҳатидан миқдори ва қўшни бўлган маданият билан мулоқотларнинг салмоғи уларнинг ўзлигини ўзгаришига турлича таъсир қилади. Ўзбекистон дунганларини шартли равишда уч қисим – Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри ва Андижон шаҳрига бўлиб ўрганганда уларнинг антропонимиясидаги фарқлар яққол кўзга ташланади. Ўтказилган дала тадқиқотлари шун кўрсатадики, Тошкент вилояти дунганлари Ўзбекистон дунганларининг асосий қисми яшовчи ҳудуд ҳисобланса, унга энг яқин бўлган дунганлар Тошкент шаҳри дунганлари, энг узоғи эса бу албатта, андижонлик дунганлардир. Мазкур уч гуруҳнинг антропонимияси ҳам марказ ва ундан узоқлигига қараб кучсизланиб (йўқолиб) боради.

Ўзбекистон дунганларининг исмлари ҳақида айрим хорижий тадқиқотчилар "Ўзбекистон дунганлари моддий ва маънавий маданиятида ўзбекларнинг таъсири катта. Бунинг асосий сабаби, дунганлар у ерда жуда ҳам кам сонни ташкил этади. Бу ерда миллатлараро никоҳлар кўп учрайди ва шунинг учун дунган болалари ўзбек исмларини тўғридан-тўғри қабул қилишади. Масалан, ўғил болалар: Улуғбек, Алишер, Тохир, Иномжон, Содиқжон; қиз болалар: Замирахон, Зулфияхон, Тўпахон, Гулнора, Гулбаҳор ва бошқ."<sup>10</sup> Албатта, бу ерда муаллиф қарашлари тарқоқ ҳолда яшовчи дунганларга тегишли. Чунки, Тошкент аилояти Ўртачирчиқ тумани Дўстлик МФЙ (Дунган маҳалла)да яшовчи дунганларда аралаш никоҳ деярли кузатилмайди. Бироқ, ўзбек исмларининг учраши чиндан ҳам кўп кузатилади. Ўзбек исмларининг кўп учрашини аралаш никоҳларга эмас балки, ўзбеклар билан маданиятнинг турли томонларидан алоқаларнинг кучлилиги ва болаларнинг ўзбек мактабида таълим олиши сифатида келтирса ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди.

<sup>9</sup> Бойко Л. Б. К вопросу о роли антропонима в лингвокультуре // Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. Калининград, 2013. - Вып. 2. - С. 17.

<sup>10</sup> Решетов А. М., Седловская А. Н. Влияние межэтнических контактов на антропонимию дунган // Ономастика Средней Азии. - Москва: - Наука, - 1978. - С. - 163.

<sup>11</sup> Дала ёзувлари. Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри. 2018-2019 йй. Андижон шаҳри, Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳри. 2019 й.



Тадқиқот натижалари таҳлили бўйича<sup>11</sup> Тошкент вилояти дунаганларининг ўрта ва катта ёшларида дунганча антропонимлар 63 % бўлса, бу рақам Тошкент шаҳрида 37 % ни, Андижонда эса 1,2 % ни ташкил этди. Ёшларда эса ушбу ҳолат кескин фарқлар билан пасаяди. Бу шуни англа-тадики, дунганларда антропонимларнинг ўзгариши жуда катта тезликда юз бермоқда. Чунки, этномаданий идентиклик фақатгина келиб чиқиш-нинг бирлигини ҳис қилиш билан эмас, балки, маданий, иқтисодий ва кундалик турмушдаги ва бошқа мулоқотлар орқали ўзини озиқлантириб боради, ҳаётий давомийлигини таъминлайди.

Антропонимлар бир вақтнинг ўзида тилшунослик ва этнологик нуқтаи назарда кўриб чиқиш объекти бўлиши мумкин. Бу эса мазкур мавзунини кенгроқ тафаккур ва чуқурроқ таҳлил этишга имкон беради.

Мазкур тадқиқотда фойдаланилган маълумотлар 2018-2019 йилларда Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Андижон шаҳри ва Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятларида олиб борилган дала тадқиқотларида суҳбатлашилган респондентлар, уларнинг оила аъзолари, таниш-билишларининг исмларини тўplash орқали жамланди. Унда жами 182 та исм жамланган бўлиб (фақат Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида яшовчи дунганлар), улардан фақатгина 21 % и (38 та) дунганча ҳисобланиб, шундан 60 % и (23 та) ўрта ёш ва ундан катталарда 40 % и (15 та) ёшларнинг исмлари ташкил этади. Исмларнинг ишлатилишида ҳудудий фарқлар яққол кўзга ташланади. Бунга мисол қилиб андижонлик дунганларни айтиш мумкин. Уларнинг ишмалари орқали дунган эканлигини ажратиш мумкин эмас. Улар исмининг деярли барчаси маҳаллий аҳолининг исми билан бир хил эканлиги дала тадқиқотлари давомида аниқланди.

Исломда ота-онанинг фарзанд олдидagi энг биринчи ва асосий бурчларидан бири унга муносиб исм қўйиш эканлигини инобатга оладиган бўлинса, у катта эътибор ва аҳамиятга эга бўлади. Фақат дунган исмлари аслида арабий бўлсада дунганлар уни ўз талаффуз - фонетикаларига мослаштириши натижасида бирмунча, бошқа мусулмон миллатлариникига қараганда фарқлар юзага келади. Махсус шу соҳани тадқиқ этмаган мутахассис уни ажратиб олиши қийин. Буни юқорида келтириб ўтилган Шимар ва Мане исмлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Замонавий дунган исмлари таркиби тобора бойиб, маҳаллий исмларга мазмун ва фонетик жиҳатдан уйғунлашиб бормоқди. Бунинг натижасида ўзбекистонлик дунганлар оилаларида ҳам форс-тожик ва ўзбекча исмларнинг кириб келиши кузатилмоқда (масалан, Бекзод, Давлат, Темур, Лочин, Шахноза, Севара).

Дунганлар антропонимияси бўйича тадқиқотлар олиб борган М. Х. Имазов "Дунган фамилиялари ҳақида" номли мақоласида дунган антропонимиясининг шаклланишини уч гуруҳга ажратади: биринчиси - Хитойга хос бўлган исм ва фамилиялар; иккинчиси - араб-форс тилидан келиб чиққан, бироқ дунган талаффузига фонетик жиҳатдан мослашти-



рилган - антропонимнинг катта қисми; учинчиси - энг сўнггиси, туркий ва рус исм ва фамилиялари бўлиб, улар ўз қоидаси бўйича фонетик такрорлари билан бошқаларидан фарқланади. Анъанавий дунган антропонимларининг асосий ядросини урардаги уруғ номлари ташкил қилади. Бундай антропонимлар дунганларда бир неча ўнтани ташкил этиб, уларнинг келиб чиқиши ханлардан (Хитойнинг тубжой аҳолиси) ёки арабча исмларнинг дунган тили фонетик қоидаларига мослаштирилган шакллари билан иборат эди<sup>12</sup>.

Қирғизистонлик машхур дунганшунос А. А. Жон ва Ф. Н. Хвазалар дунганлар антропонимлари ҳақидаги изланишларида бугунги кундаги сақланиб қолган дунган антропонимларини мазмуни жиҳатидан гуруҳларга ажратиб кўрсатади. Бунда улар биринчи - расмий уруғларнинг номлари бўлиб улар кейинчалик фамилияларга айланган (Бый Су, Ма Дэн-ю ва бошқ.); иккинчиси - шин мин яъни Қуръони Каримдан олинган исмлар (Ламузар, Фатуме, Мэян ва бошқ.); учинчиси - оиладаги ёш иерархик тартибни билдирувчи исмлар, масалан: Даге (Катта Ака), Эрже (Иккинчи Сингил), Ло Эр (Кенжа Ўғил) ва бошқ.; тўртинчиси - орзу ва ҳиссий муносабатларни билдирувчи аёллар исмлари, масалан: Хуахуар (Чиройли Гул-Гулчирой), Модан (Саллагул, Пионгул - гул тури), Цунжер ("цун" - сақловчи ёки оқила, "же" - сингил) ва бошқ.; бешинчиси - касб, мақом ва хурматни билдирувчи антропонимлар, масалан: Ма Дажын (Жаноб Ма), Су Тежён (Темирчи Су), Вон Ахун (Оҳун Вон) ва бошқалар<sup>13</sup>.

Дунганлар орасида Матянью (Ма Тянь-ю), Мадинцев (Ма Динцэ), Воинов (Вон Ёин) ва бошқа кўплаб шунга ўхшаш фамилиялар пайдо бўлди. Бу фамилиялар айрим жиҳатлари билан ўзига хослигини сақлаган бўлсада, лекин шаклий тарафдан рус фамилиялари каби бўлиб қолди. Бу ҳолат ҳам албатта нисбатан олиб қараганда бошқа маҳаллий аҳолининг фамилияларидан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Аслида мазмуний ёки манбавий асоси бир бўлган "китобий" (исломий) исмларининг маҳаллий аҳолининг исмлари билан бирхиллаштириш ҳам дунганларнинг антропонимдаги ўзига хослигини йўқола боришига хизмат қилди. Даставвал, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудига кириб келган дунганлар исмлари ўзининг фонетик хусусиятларини сақлаб қолган эди. Улар шу номлар орқали маҳаллий аҳолидан кескин фарқланар эди. Масалан, Исмоил - Исма ёки Исмар; Сулаймон - Сулиманэ ёки Сулэ; Муҳаммад - Мухармэ; Фотима - Фатумэ ёки Фамэ каби. Замон ва маконнинг талабига жавоб бериш учун юқоридаги ва шунга ўхшаш исмлар маҳаллий аҳолиники билан мутаносиблашди. Тадқиқот давомида "Нима учун фарзандларингизга дунганча исм қўймайсиз?", деб

<sup>12</sup> Имазов М. Х. О дунганских родовых фамилиях // диалог учёных на Великом Шёлковом пути. Бишкек, 2002. с. 90-94.

<sup>13</sup> Джон А. А. Изменения в антропонимии дунган (хуэйцзу) как маркер идентичности/ А. А. Джон, Ф. Н. Хаваза // Китай: история и современность : материалы IX междунар. науч.-практ. конф. Екатеринбург, 21-23 октября 2015 г. - Екатеринбург: Издательство Уральского Университета, 2016. - С. 65-66.



сўралганда, уларнинг аксарияти ажралиб туришни истамаслиги, ҳамма учун тушунарли бўлиши кераклиги, бировга исмини айтганда ёки қандайдир ҳужжатларда нотўғри ёзилиб қолишини олдини олиш деган мазмунда жавоб қайтарилди. Бу саволнинг жавоблари ҳудудлар кесимида бир-биридан кескин фарқ қилади.

Бугунги кунга келиб ёш дунганларга тегишли бўлган исмларни маҳаллий аҳоли антропонимларидан фарқлаш даражаси деярли йўқ ҳолатга қараб бормоқда. Бу улар ўртасидаги муносабатлар ва маданий яқинлашувни тобора мустахкамланиб бораётганлигини кўрсатади.

### Аннотация

Ушбу мақолада Ўрта Осиё халқлари орасида ўзининг маданияти ва урф-одатлари билан кескин фарқ қилувчи дунганлар антропонимияси, унинг этномаданий идентикликдаги ўрни, бугунги ҳолати, фонетик ва лексик ўзгаришлари, ўзгаришларнинг сабаблари таҳлил қилинган.

### Annotation

This article deals with the question of the Anthroponymics of Dungan, which are sharply different from other peoples of Central Asia by culture and traditions. And the place of anthroponyms in the Dungan cultural identity, its today's condition, phonetic and lexicological changes and their causes are analyzed.





# SURXON VOHASIDA QISHLOQ XO‘JALIGIDAGI O‘ZGARISHLAR

Сирожиддин ЭШҚУРБОНОВ,  
Термиз давлат университети таянч докторанти.

**Калит сўзлар:** Деҳқончилик, ислоҳат, бозор муносабатлари, мулкдор, томорқа, ширкат, фермер, анъаналар, замонавийлик, даромад, мослашиш.

Сурхон воҳасининг табиати, иқлими, тупроғи, сув, шароитларининг мавжудлиги қадимдан бу ерда деҳқончилик билан шуғулланишга жуда қулай бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлаганидек: "Сурхон воҳаси азал-азалдан унумдор тупроғи, ишнинг кўзини биладиган, бир йилда икки-уч марталаб ҳосил оладиган миришкор деҳқонлари билан шуҳрат қозониб келади. Юртимиз бозорларига қишин-ёзин эртани карам ва сабзавотларни, барра кўкатларни, полиз, мева-ю узумни, цитрус меваларни етказиб берадиган ҳам Сурхондарёнинг заҳматкаш фермер ва деҳқонларидир"[1, 280].

Мамлакатимизда илк сугорма деҳқончилик археолог олимларнинг аниқлашича милoddан аввалги II минг йиллик бошида қадимги Бақтрияда, яъни Сурхон воҳасида шакланган[2, 9-16; 3, 8-32]. Ҳудуд иссиқ ва қуруқ иқлимли минтақага киради. Бу сунъий сугоришда пахта ва субтропик экинлар етиштиришга мос [4, 117]. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё халқларида ерга эгаликнинг мерос қилиб қолдириш шакли мавжуд бўлган. Деҳқончиликда қимматбаҳо экинларни экишнинг кириб келиши мерос асосида ерга эгалик қилишнинг янадакучайишига ва деҳқончилик-ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди [5, 274]. Собиқ Совет тузуми даврида деҳқонни ердан, ўз меҳнатининг натижасидан маҳрум қилиш жуда катта салбий оқибатларга олиб келди. Мулкдорлик, ерга эгалик ҳиссиёти камайиб, умумий манфаат йўлида ишловчи деҳқон вужудга келган эди. Қарийб етмиш йил давом этган бу шароитда "...деҳқоннинг ҳам, меҳнаткашнинг ҳам хўжайин сифатларини бирлаштирган ноёб қобилияти тамоман йўқотилди..." ва оқибатда у "...пировард натижалардан кўра ойма ой олиб борадиган маошидан кўпроқ манфаат кўрадиган ёлланма ишчига айлантирилди"[6, 23-24].

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг деҳқончилик хўжалиги ривожланишида янги давр бошланиб, бозор иқтисодиёти талаблари учун деҳқончилик анъаналарини мослаштириш жуда муҳим эди.

Совет Иттифоқидан ажралиб чиққан янги мустақил давлатлар социалистик режалаштиришга асосланиб марказлаштирилган иқтисодиётни бозор иқтисодиётига айлантиришда ўзларига мос моделларни танлаб олдилар. "Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қара-



тилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади", – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов [7, 43]. Барча ишлаб чиқариш воситаларини давлат тасарруфидан чиқармасдан, хусусийлаштирмасдан, ерни ўз эгасига бермасдан ва турли мулкчилик шаклларидаги товар ишлаб чиқарувчиларга кенг шароит яратмасдан бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмаслиги аниқ ўз исботини топа бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Ўзбекистон иқти- содиётининг негизини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этади" [8, 18] деб ёзилган. Бу қабул қилинган "Мулкчилик тўғрисида"ги қонунда ҳам белги- лаб берилган [9, 30].

Ўзбекистонда дастлабки йилларда мулкдорлар синфини шакллантиришга кенг йўл очиб берилди бошланди. Бу пайтда деҳқонларга ҳам томорқа учун ернинг мулк сифатида берилиши айтилиши зарурат эди. Масалан 1989 йилда республика қишлоқларида 240 минг оиланинг ери йўқ бўлиб, 1,8 миллиондан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга муҳтож эди. "Республикада ҳайдаладиган ерларнинг атиги 5 фоизи шахсий ёрдамчи хўжаликларга берилган, улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқаришмоқда. Етиштирилаётган сабзавот, полиз экинлари, гўштнинг ярмидан кўпроғи ва сутнинг учдан икки қисми улар ҳиссасига тўғри келади. Кўриниб турибдики, республика мустақиллиги арафасида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ниҳоятда ачинарли ҳолатда эди" [10, 57]. Шунинг учун, илк йиллардан томорқа учун ерни хусусий мулк сифатида бериш ишлари бошлаб юборилди.

1990 йил май ойида Ўзбекистон ССР Президентининг "Жумҳурият аҳолисининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидаги мол ва паррандаларни ема- хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотлари етишти- ришни кўпайтириш тўғрисида"ги фармони қабул қилингандан кейин ўша





пайтга қадар ер участкаси ва молга эга бўлмаган кўпгина қишлоқ оилалари ер билан таъминланди ва чорва моллари сотиб олди. Сурхон воҳасида ҳам мазкур фармон асосида 1990 йили 4900 оилага томорқалар учун 7100 гектардан иборат бўлган ер участкалари ажратилди [11, 103]. Лекин шунга қарамасдан воҳада деярли 14260 оила томорқага эҳтиёжманд бўлган [12].

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигидаги ислохотларида энг муҳим натижаси шахсий томорқа хўжаликларини кенгайтириш, яъни суғориладиган ерларни шахсий хўжаликларга ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини амалда ер билан таъминлаш бўлди.

Ўзбекистон ССР Президенти И.А. Каримовнинг 1991 йил 21 январда пахта майдонларидан 108.5 минг гектар суғориладиган ерларни аҳолига шахсий томорқа учун ажратиб беришни ҳақидаги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида 1991 йилнинг 12 майига қадар Сурхондарё вилоятида 111849 оилага 13233 гектар ер томорқа сифатида ажратиб берилди [13, 68].

1992-1995 йиллар давомида Сурхон воҳасида яна 22 минг гектар ер шахсий томорқалар учун ажратилиб, ерсиз ва кам ерли бўлган деҳқонларга берилди. Бу шахсий томорқа учун берилган ерларнинг катта қисми ёш оилаларга шахсий хўжаликни шакллантириш учун ажратилди. Воҳадаги собиқ Совет тузуми совхозларнинг 8 минг гектар ери шахсий томорқалар сифатида деҳқонларга ажратилди [14, 72]. Ушбу ерларнинг шахсий томорқалар учун берилиши деҳқонларнинг ерга муносабатини ижобий томонга ўзгартирди. Ер участкалари олган оилалар картошка, сабзавот, мева, чорвачилик маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжларини қондириши билан бирга, уларни деҳқон бозорларида сотиб, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшди. Одамларга қўшимча суғориладиган ерларни берилиши чинакам аҳамият касб этди. Ер олган киши даромад ола бошлади, ўзини хўжайин деб, эркин ва мустақил ҳис қилди [7, 65-56]. Шундан сўнг, Сурхон воҳаси аҳолисининг ижтимоий ва маиший турмушида ҳам бир қадар ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар аввало йилдан йилга воҳа деҳқонлари турмуш даражасини яхшиланиб боришида кўзга ташланди.

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг уч шакли: қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлар ва деҳқон хўжаликлар танлаб олинди, "Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) тўғрисида" ги, "Фермер хўжаликлар тўғрисида" ги, "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида" ги қонунлар қабул қилинди. Бугунги кунда хўжалик юритишнинг шу шакллари ва мулкка эгалликни қонун билан мустаҳкамлаб қўйди. Ушбу қонунларни ҳаётга жорий қилиш механизми ишлаб чиқилди.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ҳар учала хўжалик юритиш турида ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер хусусий мулк бўла олмайди. Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" да ер давлат мулки эканлиги белгилаб қўйилган [15, 19].

"Қишлоқ хўжалиги ширкатлари тўғрисидаги қонунга кўра, ширкат хўжалигининг мустақил балансида акс эттирилган асосий жамғармалар, бошқа



бойликлар шу ширкатнинг мулкидир. Ширкат аъзоси ширкатнинг пай мулкига жамоа асосида эгалик қилади, лекин етиштирган маҳсулотига тўлақонли эгалик қила олмайди. Чунки у маҳсулотни шартнома асосида фақат ўз хўжалигига сотиши шарт.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ширкат хўжалигига белгиланган мақсадда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун доимий эгалик қилишга берилади [16, 91-93].

"Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонун мустақил фермер хўжаликларининг ривожланиши учун катта имконият яратди. Ушбу қонунга кўра ер фермер хўжалигига элик йилгача берилган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилган.

Фермер хўжалигининг ўзига қарашли бўлган мулк ҳуқуқини давлат ҳимоялайди. Фермер хўжалиги эгаси ширкат хўжалиги аъзосидан фарқли тарзда етиштирган маҳсулотига ҳам эгалик қилади ва уни ҳоҳлаган жойда сота олади. Фермер хўжаликларида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзолари томонидан ўзаро келишув асосида амалга оширилади [17, 169-170].

Хўжалик юритишнинг шаклларида бири бўлган деҳқон хўжаликлари янги имтиёзлар белгилаб берилди. Чунки деҳқон хўжалигининг асосий мақсади, манфаати, аҳамияти шундан иборатки, деҳқон хўжалиги ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқиб, ёки ўз оиласини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб ҳам давлатга ва жамиятга жуда катта фойда келтиради.

Ўзига қарашли уй жойлар, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб ускуналар, транспорт воситалари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек бошқа мол-мулклар, етиштирилган маҳсулот, олинган даромад (фойда) қонунда чекланмаган бошқа мулклар деҳқон хўжалигининг мулки булиши мумкин. Деҳқон хўжалигининг ўз мол мулкига бўлган мулк ҳуқуқини давлат ҳимоялайди [18, 182-187].

Ер чинакам хўжайинига тегиб қишлоқда фермер, деҳқон сектори амалда шаклланди. Натижада, 1995 йилда Сурхон воҳасида фермер хўжаликлари 49,0 минг тонна пахта, 33,7 минг тонна бошоқди дон, 0,04 минг тонна шоли, 5,4 минг тонна сабзавот, 0,3 минг тонна картошка, 3,2 минг тонна полиз, 3,1 минг тонна ҳўл мева, 2,1 минг тонна узум, 2,80 минг тона тухум тайёрлади [19, 1-3].

Деҳқон фермерлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб, 1998 йилда 42949 тонна галла, 2142 тонна маккажўхори, 8456 тонна узум, 9494 тонна сабзавот, 4264 тонна бошоқди дон, 289 тонна картошка, 6398 тонна полиз маҳсулотлари, 1155 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб давлатга сотилди [20, 1-13].

2019 йилда бу кўрсаткичлар кескин даражада ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бунга асосий сабаб қилиб юқорида таъкидлаганимиздек, ернинг ўз егаларига мулк сифатида берилишидир. Хусусан, 2019 йилда ишлаб чи-



қарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмда деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 56,0 фоизни ташкил этди. Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 74,2 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 24,1 фоизи фермер хўжаликларига ва 1,7 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади. Ҳосил йиғими 2019 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 528230 тонна дон ва дуккакли дон экинлари (116,0 фоиз), 191112 тонна картошка (92,7 фоиз), 525719 тонна сабзавот (97,6 фоиз), 55643 тонна полиз (108,0 фоиз), 74881 тонна мева (97,7 фоиз) ва 10876 тонна узум (104,4 фоиз) етиштирилди. Барча ҳудудларда деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, дон экинлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмда уларнинг улуши 95,7 фоизни, картошка 99,7 фоизни, сабзавот ва полиз 99,1 фоизни, мевалар ва узум ишлаб чиқариш 98,1 фоизни ташкил этди [21, 25-26].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда деҳқончилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Деҳқоннинг ижтимоий мавқеи сезиларли даражада ошди. Деҳқончилик фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Лекин, ерга эгаликнинг мустабид тузумидан қолган шакли воҳада узоқ вақтгача ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2017.-491 б.
2. Аскарлов А.А. Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. -Т.: Фан, 1983. -120 с.
3. Аскарлов А. Энг қадимги шаҳар. - Т., 2001. -24 б.
4. Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. Монография. - Т.: Академнашр, 2012. -408 б.
5. Занятие и быт народов Средней Азии(Среднеазиатский этнографический сборник, III).-Л: Наука, 1971.-282 с.
6. Петренко И. Я., Чужинев П. И. Экономика сельскохозяйственного производства. -Алма-Ата: Кайнар, 1992, -560 с.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларнинг чуқурлаштириш йўлида. - Т.: 1995.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2019.
9. "Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1998 йил, 22 апрел. Солиқ тўловчининг журнали, М 6 1998.
10. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: "Ўзбекистон". 2011. - 440 б.



11. Бердиев Ҳ. ва бошқалар Сурхондарё тарихидан лавҳалар - Т.: "Нур". 1991.
12. Ленин байроғи. 1990 йил 26 декабрь
13. Бердиев Ҳ. Биринчи одам вилояти - Т.: "Нур". 1991.
14. Раҳимов Б.С. "Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (Сурхондарё вилояти мисолида 1991-2005 й.й.)". Термиз, 2008. Тарих фан. номзоди дарж. Дисс. 189 б.
15. Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси". Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т.: "Ўқитувчи" 1998.
16. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т.: "Ўқитувчи" 1998.
17. Фермер хўжаликлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т.: "Ўқитувчи" 1998, Б.163, 169-170.
18. Деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т.: "Ўқитувчи" 1998, Б.182,187.
19. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси.биринчи китоб, -Термиз. 1996.
20. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси.биринчи китоб, -Термиз. 1999.
21. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси. Сурхондарё вилоятининг статистик ахборотномаси 2019 йил январь-июн ойлари яқунлари бўйича. Термиз-2019, -134 б.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Сурхон воҳасида мустақилликкача ерга эгалик шакли, янгича ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таъсирида бозор иқтисодиётига мос соҳадаги ўзгаришлар кузатилди.



## TURKISTON JADIDLARINING MILLAT HAQIDAGI QARASHLARI VA ZAMONAVIYLIK

Исмоилжон ХЎЖАХОНОВ,  
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти,

**Калит сўзлар:** Жади́дчилик, миллат, диний ўзлик, "Туркистон мусулмонлари", ўзбек идентиклиги, миллий бирлик.

Ўзбеклар миллий ўзлигининг шаклланиши гоёт мураккаб ва баҳс мунозараларга бой илмий тадқиқот масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекларда миллий ўзликни англаш ҳиссининг шаклланиши масаласини илмий таҳлил этар эканмиз, унда XX аср бошларида минтақада юз берган ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар муҳим рол ўйнаганлигига гувоҳ бўламиз. Ушбу жараёнлар замирида ўз даврининг илғор маърифатпарвар зиёлаларидан ташкил топган жади́дчилик ҳаракатининг алоҳида ўрин тутишини эътиборга оладиган бўлсак, жади́дларнинг миллат ҳақидаги қарашларива унинг замонавий ўзбек идентиклигини шаклланишидаги ўрни масаласини ўрганиш қанчалик муҳим эканлиги ойдинлашади.

Туркистон жади́дларининг миллат ҳақидаги қарашлари (миллий лойиҳалари) ва уларнинг миллий ўзликни англаши каби масалаларбаъзитадқиқотчиларнинг ишларида маълум даражада ўрганилган. Бунга мисол қилиб, америкалик тадқиқотчи Адиб Халид [1. 2], олмониялик Ингеборг Балдауф [3], ўзбекистонлик Дилором Алимова [4] ва бошқаларнинг ишларини келтириш мумкин. Бироқ, ушбу тадқиқотларда биз ўрганмоқчи бўлган масала етарли даражадаочиб берилмаган.

Ўрта Осиёда миллий ҳис-туйғуларнинг кучайишига Россия империяси мустамлакачигидан сўнг минтақада рўй берган ижтимоий-маданий ўзгаришлар катта таъсир кўрсатган. Ўз даврига хос фан-техниканинг сўнгги ютуқлари, демократик гоё ва меъёрлар асосида шакланган "замонавий" европача ҳаёт тарзи ва ўрта асрларга хос "мусулмон маданияти"нинг туташувида европа маданиятининг устун келиши маҳаллий аҳолининг, айниқса, зиёлаларнинг дунёқарashi, турмуш тарзи, маданияти ва менталитетига сезиларли таъсир қилган [4. Б. 64]. Айнан ушбу ўзгаришлар минтақада ижтимоий рақобатни вужудга келишига имкон берди ҳамда эски (анъанавий) маданий тизимнинг зарба остида қолиши натижасида ижтимоий ва маданий феномен сифатида жади́дчилик ҳаракати пайдо бўлган.

Жади́длар Ўрта Осиёнинг қолоқлиги ва мустамлакачилик таъсирига тушиб қолишининг асосий сабаби илм-маърифатдан узоқлашилганликда, деб билишган. "Мусулмонларнинг ожиз аҳволга тушиб қолишига" – деб ёзади Абдурауф Фитрат – "уларнинг (шариат қоидаларига – Х.И.) амалларини



йўқлиги ва илм-маърифатга интилмай – ҳамма нарса Худодан, охир замон белгиси, охир замонда кундан-кун ёмонлашиши каби сўзларга ёпишиб олганлиги натижасида дунёвий ишлардан узоқлашилишида" [6. Б. 69]. Жадидларнинг маърифий дастурлари айни пайтда ислом динини ислоҳ этиш билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган. Уларнинг жамиятни ва маданиятни ислоҳ этиш орқали тараққиётга эришишга қаратилган лойиҳаларида исломни янгича тушуниш (догматик ғоялардан ҳоли тарзда), унинг дунёни илмий билиш тамойилларини очиб бериш (мусулмон маданиятини модернизация қилиш)дек масалалар муҳим ўрин эгаллаган.

Тадқиқотчилар жадидларнинг миллат ҳақидаги илк қарашларини диний ва ҳудудий бирдамлик ташкил этиб, у ҳудудий чегараланган диний миллат бўлганлиги ва 1917 йилга қадар "Туркистон мусулмонлари" тарзида ифода этилганлигини қайд этадилар [2.Б. 42]. Ҳақиқатан ҳам, жадидларнинг миллат ҳақидаги қарашлари дастлаб бирмунча кенг маънога эга эди. Улар ўлкадаги барча мусулмонларнинг тақдирига бирдек қарар ва уни ажралмас умуммиллий масала деб ҳисобларди. Туркистон аҳолисини лингвистик ёки "этник" жиҳатдан таснифлаш жадидларнинг фақат тил ҳақидаги мақолаларида (форсий, туркий, чигатой ва ҳ. тарзида) ёки "этноним" юзасидан бўлган баъзи баҳсларида (тожик, ўзбек, турк, сарт, қозоқ, қирғиз ва ҳ. тарзида)гина кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам жадидлар аввал бошида "миллат" ва "миллият" деганда Туркистондаги барча мусулмонлар жамоасини, "миллий бирлик" деганда ушбу жамоанинг бирлиги ва жипслигини, "миллий тараққиёт" деганда эса Туркистон аҳолисининг умуммиллий тараққиётини назарда тутишган. Аслида, бу даврда жадидларнинг миллат ҳақидаги қарашлари ўз тақомилига етмаган эди, дейиш ҳам мумкин.

Россия империясининг аҳолини таснифлаш масаласи Туркистон генерал-губернаторлигида ўзига хос бўлган. Чунки, минтақа аҳолисини этник классификациялашни имкони бўлмаган. Расмий ҳужжатларда маҳаллий аҳолига нисбатан мустамлакачилик кайфиятидан келиб чиқиб "туземецлар" ёки "мусулмонлар" каби умумий тарзда, кейинчалик (ўлкани бошқаришга оид расмий ҳужжатларда) солиқлар тизими ва бошқарувни мувофиқлаштириш мақсадида ўтроқ ва кўчманчи аҳоли тарзида гуруҳларга бўлинган.

XIX асрда Россия империяси тадқиқотчилари орасида кишиларнинг этник мансублигини уларнинг тили, турмуш тарзи (эътиқоди ва психологияси билан биргаликда) ва ташқи қиёфаси (антропологияси) каби белгилар ифодалайди, ҳамда ушбу учта белги орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд, деган қараш бўлган. С.Абашиннинг қайд этишича, хусусан, бу давр рус тадқиқотчилари туркий тил, мўғулча қиёфа ва кўчманчи турмуш тарзи минтақадаги алоҳида бир халқнинг этник белгиси ҳисобланса, аксинча форсий тил, европача қиёфа ва ўтроқ турмуш тарзи бу бошқа бир халқнинг белгиси, деб билишган [7. Б. 103].

Россия империяси даври тадқиқотчилари томонидан юқоридаги белгилар асосида минтақа аҳолисининг этнографик номенклатурасини яратиш



мақсадида кўплаб материаллар йиғилган бўлишига қарамай, бу даврда аҳолини миллий жиҳатдан таснифлаш тартиби расман қабул қилинмаган эди. Жумладан, 1897 йилги аҳоли рўйхатида (ўша пайтда тилга миллийлик белгиси сифатида қаралар эди) давлат ҳали миллийликни категория сифатида тан олишни ҳал этилмаганлиги боис ундан чекинган эди [8. Б. 58]. Гарчи, мустамлака даврида ўлка аҳолиси этник жиҳатдан тўлиқ таснифланмаган бўлсада, бу давр тадқиқотчиларининг этник мансублик ҳақидаги баҳслари жаҳидларнинг "миллийлик" борасидаги қарашларига чуқур таъсир этиб улгурган эди. Дунёни тили ва умумий келиб чиқиши жиҳатидан бирлашган алоҳида миллатлардан иборат эканлиги ҳақидаги гоё ўлка зиёлилари учун мутлақо янги, аммо жуда қизиқарли эди. Айти пайтда, бу гоё жаҳидларнинг миллий тараққиёт билан боғлиқ қарашларига мос келар эди.

Жаҳидларнинг миллат ҳақидаги қарашлари Ўрта Осиёда ўрта асрларда шакланган анъанавий қадриятларидан келиб чиққан бўлиб, уларнинг миллий лойиҳаларидаянги, замонавий (капиталистик) тараққиёт учун хос бўлган қадриятлар ҳам муҳим ўрин тутар эди. Ушбу қадриятлардан бири оммавий таълимни ёйиш бўлса, кейингиси даврий матбуотни йўлга қўйиши эди, десак муболаға бўлмайди. Миллат назарияси билан шуғулланган баъзи гарблик тадқиқотчилар миллий ўзликни шаклланишида оммавий таълим ва босма матбуотнинг ўрнини юқори баҳолайди [9. Б. 81].

Жаҳидларнинг оммавий таълимни жорий этиш ва миллий матбуотни шакллантириш борасидаги ҳатти ҳаракатлари ўз навбатида халқнинг она тилисини илмий-адабий тил сифатида юксалтиришни тақозо этади. Ушбу ҳолат Туркистон жаҳидларининг ўз она тилисига, яъни эски чигатой лаҳжаси ёки янги ўзбек тилига нисбатан эътибор ва ҳурматини оширди. Ваҳоланки, эски мактабларда таълим асосан форс ва араб тилларидаги матнлар асосида берилган бўлиб, табиийки кўпчилик болалар уларнинг мазмунини тушунмас эди. Айрим жаҳид намояндалари бу ҳолатга танқидий ёндашган ҳолда, она тилида дарсликлар чоп эта бошладилар. Бу эса Марказий Осиё туркий тилининг замонавий адабий шаклини яратиш заруратини туғдирди. Абдурауф Фитрат бошчилигидаги жаҳидларнинг диққат марказида чигатой адабиёти асосида миллий адабиётни шакллантириш ҳам турарди [10. Б. 232].

Жаҳидларнинг миллат борасидаги ҳаракатлари фаол сиёсий тус олар экан, кун тартибида: ҳар қайси халқ ўз тили билан фахрланиши лозим, деган мутлақо янги гоё турар эди. Ваҳоланки, Адиб Халид ёзганидек, "тил Ўрта Осиёда ҳеч қачон идентиклик маркери бўлмаган ва олдинги авлодга инсон ўзининг она тилидан фахрланиши кераклиги тушинарсиз ҳолат эди." [1. Б. 212]. Туркистон жаҳидларидан бири бўлган Хожи Муин миллий тил масаласида шундай ёзган эди: "Ҳозирда бизлар учун энг муҳим масалалардан бири, шубҳасиз, тил масаласидир. Биз Туркистон турклари она тилимиз бўлгон туркий тил билан бирга яшарға ва туркий тилимизни ўз ҳаётимиз ва ўз ҳуқуқимиз билан баробар муҳофаза этарға тевиш-



миз." [11].

XX аср бошларидан жадиждларнинг кенг кўламдаги маърифатчилик фаолияти, хусусан, газета, журнал ва театр орқали тарғиб этилган миллат ҳақидаги гоёлари билан аҳолининг саводли қисми мунтазам танишиб борган ва халқ оммаси орасида ҳам миллат ҳақидаги (янгича) тушунчалар шакллана борган.

Туркий тилда дарсликлар ва айниқса, вақтли матбуотнинг чоп этилиши Туркистонда унинг барча учун қулай ва тушунарли бўлган адабий шаклини яратиш заруратини туғдирди. Жонли халқ тили адабий тил бўла олмайди. Туркистондаги шевалар хилма хил бўлиб, уларга форсий ва арабий тиллари турли даражада таъсир этган эди. Масалан, Фарғона водийси, Самарқанд ва Бухоро шеваларига форсий ва арабий тилнинг таъсири кучлироқ бўлган [12. Б. 184]. Миллий адабий тил ҳақида баҳслар бошланган дастлабки даврларда ноқ жадиждлар ҳозирги туркий (яъни ўзбек) тилининг илдизи Навоий давридаги чигатой тилига бориб тақалади, фақат унинг ҳозирги шаклига араб ва форс тилларидаги сўзлар кўпроқ кириб келган, деган фикрда бўлишган. Шунинг учун, туркий тилни ривожлантириш ва туркий адабий тилни яратишни энг аввало уни имкон қадар форсча ва арабча сўзлардан тозалашдан бошлаш тарафдорлари ҳам кўпчиликини ташкил этган. Шу тариқа тил асосидаги романтик "миллатчилик" кўзга ташлана бошлайди. Бундай ҳолат, айниқса, ўша даврда Туркия ва Россиянинг Кавказ, Қрим каби ўлкаларида кенг тарқалган туркчилик (пантуркизм) гоёси билан яхши таниш жадиждлар томонидан илгари сурилган эди. Бундан ташқари, татар зиёлиларининг руслардан ўрганган романтик миллатчиликни ўзларининг ўртаосиёлик ҳамкасблари ўртасида ёйишга уринишлари ҳам таъсир қилган бўлиши табиий. Бу миллатчилик ҳаракати ўз-ўзини танитиш учун фақат битта она тили бўлмоғи лозимлигини мезон сифатида танлаб олган эди. Туркий ва форсий тилларининг қоришмаси кенг кўламда қўлланиладиган Ўрта Осиёда эса бу гоёга турлича қаралган [13. Б. 37].

Жадиждларнинг миллат ҳақидаги қарашлари этник маъно касб эта бошлар экан, улар Туркистон аҳолисининг номланиши масаласида ҳам ўз муносабатларини билдиришган. Жадиждлар орасида аввалгидай Туркистоннинг барча туб аҳолисини "Туркистон мусулмонлари", "туркистонликлар" тарзида Марказий Осиё ислом цивилизациясига таалуқли умумий бирлик деб қараш билан бир қаторда, уларни тили ёки бошқа белгиларига қараб – ўзбеклар, тожиклар, турклар, араблар ва шу каби алоҳида гуруҳларга ҳам ажратилган. Бу даврда мустамлака ҳукумат вакиллари ва рус тадқиқотчиларининг асарларида аҳолининг маълум қатламига нисбатан кенг қўлланиб келинаётган "сарт" атамасини жадиждлар эндоэтноним (халқнинг ўз-ўзига берган номи) деб тан олмасдан рад этишган. Шубҳасиз, бу ҳолат ўз даврининг реал сиёсий воқелиги билан боғлиқ идентикликнинг кўриниши эди. Туркистон жадиждларининг етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий шундай ёзади: Бас, туронийларнинг ўзига махсус ва машҳур уруғлари бўлуб туруб, мажҳул бир уруғ



исмини (яъни, "сарт" номини - Х.И.) ўзларига тоқмасликлари табиийдур, албатта." [12. Б. 198] Бизнингча, сарт атамасининг маҳаллий халқ томонидан этник ном сифатида қабул қилинмаслигининг бир нечта сабаблари бор эди. Улардан энг асосийлари, биринчидан, бу даврда сарт атамасикўчманчи аҳоли томонидан ўтроқ аҳолига нисбатан камситувчи маънода қўлланилганлиги бўлса, иккинчидан, сарт атамасининг жадиждлар илгари сураётган "туркийлик" гоёси билан унчалик алоқадор эмаслигидадир, десак муболаға бўлмайди. Шундай қилиб, жадиждларнинг қаттиқ қаршилиги билан сарт атамаси охир-оқибат истеъмождан деярли чиқариб юборилди, унинг ўрнига ўзбек атамаси ишлатила бошланди. Бу ўринда Абдулла Қодирийнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: ",биз ўзбеклар кимлар томонидан бўлса бўлсун исмимизга қайси мақсад биландир тақилган "сарт" сўзига қарши курашдик ва натижада ҳақиқатпараст татар қариндошлар, ҳатто ўрус ўтроқлар бизнинг даъвомизнинг тўғрилигига имон келтуруб, ўз матбуотларида бўлсун ва хусусий муомалаларида бўлсун "сарт" сўзи ўрнига "ўзбек" деб юрита бошладилар." [14. Б. 58].

Юқоридагилардан англаш мумкинки, жадиждлар Туркистондаги ўтроқ туркий аҳолига нисбатан "ўзбек" атамасини қўллай бошлаган ҳамда ўтроқ туркий маданиятни ўзбеклар этномаданий ўзлигининг асоси деб билишган.

Чорвадор ўзбеклар нафақат ўтроқ аҳоли маданиятини ўзлаштирганлиги, шунингдек, уни ўз этник маданияти билан янада бойитганлигини таъкидлаш лозим. Чорвадор ўзбек уруғлари орасида изчил давом этаётган ўтроқлашиш жараёни, Россия империяси тадқиқотчиларида ҳам яқин келажакда улар минтақанинг ўтроқ туркий аҳолиси таркибига аралашиб кетишига шубҳа қолдирмаган эди [15. Б. 431]. Шунга қарамай, қипчоқ, қурама, турк, қўнғирот, қарлуқ, қатагон каби ва бошқа уруғларда ўзликни англаш XX асрнинг ўрталарига қадар ҳам сақланиб қолган.

XX аср бошларига келиб минтақанинг ўтроқ туркий аҳолиси ҳам ўзларини Туркистон ўзбеклари деб аташга кўникиб қолганлигини жадиждлар мисолида кўриб ўтган эдик. Таъкидлаш жозики, бу даврда ўзбек атамасининг нафақат қамров доираси кенгайган балки, у янгича мазмун ҳам касб эта бошлаган эди. Бу ҳолат, бизнингча, минтақа аҳолиси учун характерли бўлган: ном (исм, этноним), рамзлар ва қадриятлар тизимининг ўзаро уйғунлиги масаласи билан боғлиқ. Эдвард Олворт, жумладан, ўзбек атамасининг кўплаб турк-мўғул қабилаларини умумлаштирувчи ном сифатида шаклланишида ном (этноним), рамзлар ва қадриятлар тизими муҳим ўрин тутишини ёзиб ўтган эди [16. P.vii-x].

Хулоса қилиб айтганда, ўзбекларнинг миллий бирлиги ва этномаданий ўзлигининг шаклланиши бирмунча олдин бошланган табиий жараён ҳисобланиб, XX аср бошларига қадар тугалланмаган эди. Айни пайтда ўзбеклар этномаданий идентиклиги асосини маълум маънода минтақада шаклланган ислом цивилизациясига содиқлик ҳамда ўтроқ туркий маданиятга мансублик ҳисси ташкил этар эди. Бу даврда жадиждларнинг миллат ҳақидаги



қарашларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди: дастлаб диний мазмунда кенг қамровга эга бўлган бўлса, кейинчалик этник-маданий мазмун касб этган ҳолда ўзбек миллати билан чегараланди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Khalid A. (1999). The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. Comparative Studies on Muslim Societies. University of California Press; First edition. Berkeley o Los Angeles o Oxford. - 400 p.
2. Khalid A. (2015). Making Uzbekistan. Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. Cornell University Press. Reprint edition. - 444 p.
3. Ingeborg Baldauf. (2015). Some thoughts on the making of the Uzbek nation. Cahiers du monde russet sovietique. Vol. 32. N°1. En Asie Centrale sovietique Ethnies, nations, Etats. - 79-95 pp.
4. Алимova Д.А. История как история история как наука. Феномен джадидизма. 2-часть. Ташкент. Узбекистан, 2009. - 184 с.
5. Андерсон Бенедикт. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма / Пер. с англ. В. Николаева; вступ. ст. С. П. Баньковской. - М.: Кучково поле, 2016. - 416 б.
6. Фитрат А. Танланган асарлар (Илмий рисоалар). Нажот йўли. 5-жилд. Тошкент. Маънавият, 2010. - 304 б.
7. Абашин С. Национализм в Средней Азии: в поисках идентичности. СПб.: Алетея, 2007. - 312 с.
8. Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. Отв. ред. С. Н. Абашин, В. И. Бушков; Ин-т этнологии и антропологии им. Н. Н. Миклухо-Маклая. - М.: Наука, 2004. - 224 с.
9. Геллнер Э. Нации и национализм. (перевод с английского Т. В. Бердиковой, М. К. Тюнькиной). - М.: Прогресс, 1991. - 320 с.
10. Фитрат А. Танланган асарлар. III-жилд. Драмалар, публицистик мақолалар. (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев.). Тошкент. Маънавият, 2003. - 256 б.
11. Ҳожи Муин. Тил масаласи / "Меҳнаткашлар товуши" газетаси, 1918 йил, 20 август.
12. Беҳбудий М. Танланган асарлар. (Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри). Тошкент. Маънавият, 1999. - 280 б.
13. Ингеборд Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Тошкент. Маънавият, 2001. - 72б.
14. Абдулла Қодирий. Ҳақиқат очиб сўзлашдадир / "Қизил байроқ". 1922 йил, 16 июн, 185-сон, 2-бет.
15. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина. Издание Отделения этнографии ИРГО. Год 6-й. Вып. 3-4. СПб.: 1896. - 277-456 сс.
16. Edward Allworth. (1990). The Modern Uzbeks: from the fourteenth Century to the present. A Cultural history. Hoover Institution Press. Stanford University, Stanford, California. - 424 p.



## SAMARQAND VILOYATI O'RTA MAXSUS, KASB-HUNAR TA'LIMIDAGI XALQARO ALOQALARI (1991-2016 YY).

Набижон ДАМИНОВ,  
Навоий давлат педагогика институти

**Калит сўзлар:** Самарқанд, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежи, Осиё тараққиёт Банки, СИВАТ/КОМА, Нагоя университети, Камолот ЁИХ, Савдо-саноат палатаси.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш жараёнини мустақамлаш соҳасида муҳим чора-тадбирларни амалга оширилди. "Таълим тўғрисида"ги қонунни қабул қилиниши айни вақтда қабул қилинган меъёрий ҳужжат бўлди. Чунки бундай қонуннинг қабул қилиниши, бевосита Ўзбекистонда таълимнинг структураси уни олиб бораётган жараёнини, аҳамиятини белгилаб бериш ва мустақил давлатнинг келажак авлодни тарбиялаш ишларига ҳақиқий бир дастур бўлди. Ушбу саъй-ҳаракатлардан сўнг Ўзбекистон Республикасида таълим тизими жадаллик билан ривожлана бошлади.

Самарқанд вилоятида 1991 йилда умумтаълим мактабларининг сони 1162 та бўлган бўлса, 2016 - 2017 ўқув йилида Самарқанд вилоятида мактабларнинг сони 1210 тани ташкил этиб, шундан 11таси ихтисослаштирилган мактаб интернатларини ташкил этади. Шу мактабларда фоолият олиб борадиган ўқитувчиларнинг сони 45885 минг кишини ташкил этиб, олий тоифали ўқитувчилар 814 нафар, биринчи тоифали 3724 нафар, иккинчи тоифали ўқитувчилар 13632 нафарни ташкил этади<sup>3</sup>.

Вилоят таълим тизимини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларнинг жиҳозланиши жаҳон андозалари меъёрларига яқинлаштириш, муҳандис-педагогларнинг малакасини бугунги кун талаби даражасига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати БМТ, Жаҳон Банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Осиё Тараққиёт Банки каби бир қатор нуфузли ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, мамлакат таълим тизимига хорижий лойиҳалар жалб қилинмоқда. Кейинги йилларда Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида эришган ютуқлар натижасида Ўзбекистонда хорижий инвесторлар иштирокида бир қанча инвестиция лойиҳалари амалга оширилди<sup>4</sup>. Ўзбекистонда 1996 йилдан буён ЮНЕСКОнинг умумтаълим мактаблари, академик лицей ва

<sup>1</sup> Олий Мажлис Ахборотномаси. -Т.: 1997 й- 9- сон 34 - модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 2004 й , 28- сон, 320 - модда.

<sup>3</sup> Самарқанд вилоят Халқ таълим бошқармасининг жорий архив маълумоти. 01.01. 2018 й.



ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларини қамраб олган Бирлашган мактаблар тармоғи дастури фаолият юритади.

Самарқанд вилояти ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар тармоғи дастури бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси қошида 1999 йилда инновацион ва илғор педагогик технологиялар бўлими ташкил этилган. Шу бўлим дунё таълим соҳасида мавжуд илғор технологияларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва уларни ўзимизнинг таълим тизимига жорий этиш ишларини амалга оширган.

2016 йилгача вилоятда фаолият олиб бораётган коллеж ўқитувчилари 400 га яқин ўқув қўлланмалари, электрон дарсликлар, ўқув адабиётларни яратишга муяссар бўлганлар. Вилоятда ёш кадрларни илмий салоҳиятини юксалтириш мақсадида хорижий мамлакатлар билан 27 та йўналиш бўйича тажриба алмашиш мақсадида Америка давлатларидан АҚШ, Канада, Европадан давлатларидан Англия, Италия, Германия, Австрия, Осиё давлатларидан Япония, Жанубий Корея, Исроил, Ҳиндистон, Малазия каби йирик давлатлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Халқаро ҳамкорлик самараси ўлароқ вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимининг бир гуруҳ вакиллари 2001 йилда Жанубий Корея республикасининг СИВАТ / КОМА халқаро ўқув марказларида малака ошириб қайтганлар<sup>5</sup>.

Кейинги йилларда Самарқанд вилояти ёшларининг автомобилсозлик, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, туризм, иқтисод йўналишларига қизиқишини инобатга олган ҳолда хорижлик мутахассислар билан ушбу соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларни йўлга қўйганлар. Биргина мисол, Германиянинг техникавий ҳамкорлик ташкилоти кўмагида Самарқанд шаҳрида учта компьютер технологиялари, гидромелиорация, ахборот технологиялари ва саноат ҳамда алоқа ва информацион технологиялари коллежлари моддий техник жиҳатдан таъминланган. Ҳамкорлик натижасида мазкур коллежларнинг ҳар бирига 100 дан зиёд энг сўнги русумдаги компьютерларга эга бўлишган. Ушбу коллежлар ўқувчиларининг битирув имтиҳонларини германиялик мутахассисларнинг ўзлари келиб олишган, уларнинг талабларига жавоб берган коллеж талабалари эса Германияда ишлаш ҳуқуқини қўлга киритишган<sup>6</sup>.

Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига катта эътибор берилиб келинмоқда. 2007 йилда Самарқанд ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида Япония давлатига қарашли халқаро ҳамкорлик Банки "ЖБИС"нинг имтиёзли кредити дориасида ўқув хоналари жиҳозланган ҳамда қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, махсус фан ўқитувчилари иштирокида "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳани мустаҳкамлаш учун махсус дастур бўйича ажратилган бегараз ёрдам лойиҳаси асосида давра суҳбати ўтказилган. Давра суҳбатида Банкнинг

<sup>4</sup> Рахимов М. Международная сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в сентралной Азии. -Т.: "Янги нашр", 2011.- 68 с.

<sup>5</sup> Самарқанд вилоят Ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармасининг жорий архив маълумоти. 31.12. 2017й.

<sup>6</sup> "Зарафшон" газетаси, 2008 йил 6 - декабр.



ижтимоий ривожланиш департаменти бўлим етакчи мутахассиси **Наоми Хара, Нагоя университети профессори Ясуши Хиросато**, "ЖБИС"-нинг таълим сиёсати ва режалаштириш масалалари бўйича катта маслаҳатчиси **Кеичи Огавалар** иштирок этиб, банкнинг имтиёзли кредит асосида келтирилган жиҳозларидан ўқув жараёнида унумли фойдаланиш даражаси, илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш даврида эришилган натижалари хусусида фикр алмашганлар<sup>7</sup>.

Ривожланган давлатлар билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик ўзининг натижасини берган. Жумладан, 2008 йилда самарқандлик коллеж талабалари информацион ҳисобида олтинчи ўринни қўлга киритишган ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Маъруф Каримов буг дивигателини яратиб, дунёнинг нуфузли ташкилотларининг эътирофига сазовор бўлган<sup>8</sup>. Вилоят коллежларининг ижодкор ўқитувчилари томонидан замонавий педагогик технологияларни жорий этиш бўйича 18 та ўқув дарслиги яратилганлиги таълимни ривожлантириш борасидаги ишлар тўғри йўлга қўйилганлигини билдиради.

Самарқанд маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Зиёвуддин қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи, 2002 йилда Оқтош қурилиш ва коммунал хўжалик коллежи, Иштихон қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи, 2003 йил Каттақўрғон шаҳар саноат ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, Самарқанд агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, 2004 йил Пайариқ маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, 2005 йил Самарқанд агросаноат касб-ҳунар коллежи, 2006 йилда Тайлоқ маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Пастдарғом маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Иштихон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Булунғур саноат касб-ҳунар коллежи, 2007 йилда Булунғур маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Нуробод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Ургут маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари жиҳозланган<sup>9</sup>. **Осиё тараққиёт Банкнинг** 4343 млн. АҚШ доллори миқдорида кредит ҳисобидан 2001 йил Самарқанд Сартепа туризм коллежи, Пайариқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, **Япония давлатининг 509643 млн Йени-яси(Йения Япония пул бирилиги)** миқдорида кредит ҳисобидан 2000 йил Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, Қўшрабод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, Булунғур қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, Иштихон тумани Баҳрин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари, 2001 йилда Кадан қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, яна шу Япония давлатининг 234,1 минг АҚШ доллори гранти ҳисобидан Ургут қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежлари замонавий технологиялар билан жиҳозланган. **Полша давлатининг 1648,9 млн. АҚШ доллори миқдори кредити ҳисобидан** 9 та ўрта махсус, касб - ҳунар коллежлари яъни 2001 йилда Ургут қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи,

<sup>7</sup> "Зарафшон" газетаси, 2007 йил 26 июл.

<sup>8</sup> "Зарафшон" газетаси, 2008 йил 6 декабр.

<sup>9</sup> Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармасининг жорий архив маълумоти. 01.01.2008 й.



Жомбой қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, 2003 йилда Каттақўрғон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, 2004 йилда Пайариқ енгил саноат касб-ҳунар коллежи, Тойлоқ агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежи, Нуробод кичик ва ўрта бизнес касб-ҳунар коллежи, Нарпай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, 2005 йилда эса Самарқанд озиқ-овқат касб-ҳунар коллежлари жиҳозланган. **Германия давлатининг КБВ Банкининг 1781 млн. евро** миқдоридан кредит ҳисобидан 7 та ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари жиҳозланган. Жумладан, 1998 йилда Самарқанд ахборот-информацион технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежи, 2002 йил Самарқанд компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи, 2003 йилда Булунгур миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, 2005 йил Самарқанд технологиялари (алоқалар) касб-ҳунар коллежи, Оқдарё политехника касб-ҳунар коллежи, Сиёб қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежларига янги замонавий жиҳозлар ўрнатилди.

Хуллас Самарқанд вилояти касб-ҳунар коллежи талабаларини бозор иқтисодиёти мутахассисликлари бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш ишларни олиб бормоқда. 2017-2021 йилларда амалга ошириладиган тадбирлар туфайли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб келинмоқда. Сўнгги йилларда коллеж битирувчилари томонидан ўз бизнесини ташкил этишга бўлган интилиш кучайиб бораётганини яққол кузатиш мумкин.

Бугун замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Бу борадаги ишлар изчил ва тизимли давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий ўқув йилидан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилиши белгиланди ва бундай коллеж ва техникумлар 2020-2021 ўқув йили бошида ҳам Самарқанд вилоятида фаолият бошлади.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Олий Мажлис Ахборотномаси. -Т.: 1997 й- 9- сон, 34- модда.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Т: . 2004 й , 28 - сон , 320 - модда.
3. Самарқанд вилоят Халқ таълим бошқармасининг жорий архив маълумоти. 01.01. 2018 йил.
4. Рахимов М. Международная сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в центральной Азии. -Т.: "Янги нашр" , 2011.- 229 с.
5. Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармасининг жорий архив маълумоти. 31.12. 2017 йил.
6. "Зарафшон" газетаси, 2008 йил 6-декабр.
7. "Зарафшон" газетаси, 2007 йил 26 - июл.




8. "Зарафшон" газетаси, 2008 йил 6 - декабр.
9. Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармасининг жорий архив маълумоти. 01.01.2008 й.
10. Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармасининг жорий архив маълумоти. 01.01.2002 й.
11. Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармасининг жорий архив маълумоти. 01.01.2006 й.
12. Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармасининг жорий архив маълумоти. 01.01.2010 й.
13. Интернет маълумоти. <https://www.pv.uz>

#### Аннотация

Ушбу мақолада Самарқанд вилоятида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларни олиб борилиши ҳамда хорижий давлат Банклари кредитлари асосида вилоят коллежларини жиҳозланиши тўғрисида фикр юритилади.

#### Аннотация

В данной статье рассматривается сотрудничество с зарубежными странами в области среднего, профессионального образования в Самаркандской области и оснащение региональных колледжей на основе кредитов зарубежных государственных Банков.





# ILM-MA'RIFATGA BA'XSHIDA UMR

Асрор ПАРДАЕВ,  
Қарши давлат университети

Ҳадислардаги "Дунёдан ўтиб кетганларни фақат яхши сифатларини ёд этинглар!" деган пурҳикмат даъватга кўра халқимиз илм-фан маданияти ва маънавияти ривожига беминнат хизмат қилган табарруқ сиймоларни эъзозлаш мустақил Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, хотира - муқаддас, қадр - абадийдир.

Раъно опанинг сермазмун ҳаёти ва самарали илмий фаолиятига назар ташласак, у киши доимо етук тарихшунос олима ва одамийлик мулки соҳибаси сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Бўлажак олима 1958 йилда Москва Давлат университети тарих факультетини тугатиб, масъул ташкилотларда ишлади. 1959 йилдан бошлаб унинг бутун фаолияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти билан узвий ҳолда кечиб, кичик илмий ходимликдан директор лавозимигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди.

У киши Ватан тарихининг долзарб муаммолари бўйича 1967 йилда номзодлик, 1985 йилда эса докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлади.

Тарих фанлари доктори Р.Ражапова 1986-1991 йилларда Тарих институтига раҳбарлик қилган даврда йирик мустабид империя Иттифоқ таназзулга учраган, истиқлол эшқинлари эса бошлаган, мамлакат халқи гоёта мураккаб, жиддий эврилишлар, ўзгаришлар бўсағасида турар, тўғрироғи тарих фанида инқироз ҳолати кечаётган эди.

Олима оғир вазиятда олима юксак илмий салоҳияти ва ташкилотчилик қобилияти туфайли тарих фанидаги янгиланиш жараёнларига моҳирона бошчилик қилиш, соҳа мутахассис билимдон кадрларини танлаш, илмга йўналтириш, айниқса кадрларни ёшартириш йўлини тутганди. Унинг бу ибратли саъй-ҳаракатлари айни ҳозирги мустақиллик даврида ўз меваларини кўплаб бермоқда. Чунки Раъно опа саралаб танлаган иқтидорли ёшлар ўз устози анъаналарини изчил давом эттиришиб, етук тарихчи мутахассис бўлиб етишдилар ва Ватан тарихи фани рағнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Раъно Ёдгоровна нафақат моҳир ташкилотчи, балки етук фан арбоби сифатида ҳам танилди. Унинг илмий изланишлари доирасидаги XX асрдаги Туркистон ва Ўзбекистонда кечган ижтимоий жараёнлар, Туркистон миллий-озодлик ҳаракатлари, жаҳидчилик ва совет режимига қарши кураш, Ўрта Осиёдаги миллий-ҳудудий чегараланиш каби долзарб муаммолар давлат архивларининг олдин ўрганилмаган янги манбалари асосида замонавий ёндашувлар усулида ҳолисона тадқиқ этилди.



Ўзбекистонда тарих фани тараққиётига бутун илмий салоҳиятини бахшида этган Раъно Ёдгоровна ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратишда фаол қатнашди. Олима томонидан 15 та китоб, рисола ва 100 дан ортиқ илмий мақолалар нашр этилди. Олий ўқув юртларида тарих фанининг устувор масалалари бўйича туркум маърузалар ўқиди, тарихий билимларни жамоатчиликка кенг тарғиб қилди. У халқаро илмий анжуманларда (Москва, Лиссабон) сермазмун маърузалари билан қатнашиб, Ўзбекистондаги тарих фанини жаҳонга танитди.

Раъно Ёдгоровна "Ўзбекистон тарихи" (IX синфлар учун дарслик, ўзбек ва рус тилларида), "Ўзбекистоннинг янги тарихи" (2-жилд), "Туркистон XX аср бошларида: миллий мустақиллик тарихининг тарихий илдилари" (кўп жилдлик), "Марказий Осиё цивилизациялари тарихи" (ЮНЕСКО нашри, кўп жилдлик, француз тилида) каби фундаментал нашрларнинг муаллифларидан бири эди. Устознинг илмий меросидан шогирдлари томонидан тайёрланган икки китобдан иборат "Ўзбекистон тарихи" (1917-1991 йиллар) номли муҳташам асарни (Т., 2019) яратишда ҳам унумли фойдаланилди. У киши мазкур тадқиқот 1-китобидаги V бобнинг 1, 2 параграфлари муаллифи ҳисобланади.

Унинг раҳбарлигида 3 нафар фан доктори, 7 нафар фан номзодлари тайёрланди. Ҳозирги даврда тарих фанида ўзлари салоҳиятли мактаблар яратаётган таниқли ва сермаҳсул олимлар Қаҳрамон Ражабов, Саидакбар Аъзамхўжаев, Равшан Абдуллаев, Бахтиёр Ҳасанов каби фан докторлари Раъно опа илмий раҳбарлигида етишиб чиққан эдилар. Опанинг барча шогирдлари ўз устозларига содиқ инсонлар ва етук тарихшунослар сифатида у кишининг руҳини шод этишмоқда.

Илмсевар ва фидойи олиманинг эл-юрт алдидаги кўп йиллик фидокорона илмий ва мураббийлик фаолияти "Шуҳрат" нишони билан тақдирланган эди (2003).

Доно халқимизда "Боғбон кетар, боғ қолар" деган пурҳикмат нақл гўё раҳматли устоз Раъно Ёдгоровнага бағишлангандек туюлади. Чунки бир меҳрибон ва гамхўр олимадан серҳосил боғ-роғлар, яъни Ватанимиз тарихини теран илмий тадқиқ ва тарғиб этувчи етук шогирдлар, солиҳ фарзандлар, мазмундор асарлари ва инсонларга қилган яхшиликлари мерос бўлиб қолди. Домланинг тарихшунослик бўйича асарлари келажак авлодга доимо хизмат қилаверади, албатта.

Р.Ражапова 70 йиллик самарали ҳаётининг мазмун-моҳиятини ўзининг намунали оиласидаги фарзандларини илм-маърифатли ва юртимиз корига ярайдига комил инсонлар қилиб тарбиялаш, ўзи кўп йиллар самарали фаолият кўрсатган илмий муассасада юртимиз тарихини янада равнақ топтириш ва жамоатчиликка нафи тегадиган илм зиёсини халққа етказиш билан жиддий шуғулланишдан иборат деб биларди. Шу боисдан ҳам устозни бутун олимлик ҳаёти давомида илм-маърифат нуруни тарқатишга бағишлаган том маънодаги инсон эди, десак асло муболаға бўлмайди.



## TADQIQOT

Раъно опа "Ўзидан солиҳ фарзандлар, садоқатли жория (мактаб, мадраса, марказ, йўл қуриш ва ҳоказо) ёки ўзгалар кейинчалик ҳам фойдаланадиган илм қолдирган банда бу фоний дунёдан ўтгандан кейин ҳам унинг амаллари давом этади", деган ҳадиси шариф ҳукмига биноан ҳам доимо мангу барҳаётдир.

Аллоҳ таборака таоло Раъно опа Ражаповани Ўз раҳмати ва мағфирати-га олган бўлсин! Жойлари жаннатдан ўрин олиб, охиратлари обод бўлсин! Муқаддас Қуръони каримда битилганидек, "Кимки илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини осон енгиллаштиради".

Халқимизда "Устоз отангдек улуг", "Устозингдан ажралма", "Устозинг ўтирган уй тепасига чиқма" деган кўплаб пурҳикмат даъватлар мавжуд. Жонқуяр тарихчи олима Р.Ё.Ражапованинг садоқатли шогирдлари тарих фанлари докторлари, профессорлар Қаҳрамон Ражабов, Саидакбар Аъзам-хўжаевлар шогирдлик бурчларини сидқидилдан юксак даражада бажаришмоқда. Ўз устозларининг ишларини муваффақиятли давом эттиришмоқда. Улар халқимизнинг азалий устоз-шогирд анъаналарнинг боқийлигини яна бир бор исботлаб беришдики, бундан барча ибрат олса арзийди, албатта.



**Етук тарихчи олима (чапдан) Ф.Қаюмов, Р.Ражабова**



# HARAKATLAR STRATEGIYASI - TARAQQIYOTNING NAZARIY ASOSI

Наримон ДЕҲҚОНОВ,  
Наманган давлат университети

**Калит сўзлар:** Ҳаракатлар Стратегияси, демократия, шахс, давлат, ҳоқими-  
ят, халқ, сиёсий етакчи, сиёсий тизим, алоқа технологияси, қарор, қонун

Маълумки, назарий методологик жиҳатдан бир сиёсий тизимдан иккинчи сиёсий тизимга ўтиш ўзига хос "ўтиш", сиёсий фан нуқтаи назаридан транзит жараёнини тақозо қилади. Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб эски маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан демократик типдаги давлат бошқарувига "портлаш" воситасида эмас, балки олға сурилган босқичма-босқич ислохотлар тамойиллари асосида янги миллий давлатчиликни барпо этишга киришилди. Таъкидлаш лозимки, "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган тамойил тарихан ўзини оқлади - тўполонларсиз шарқона босиқлик ва вазминлик билан иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва маърифий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараён ва танланган стратегия Президент Шавкат Мирзиёев томонидан фаол янги босқичга кўтарилди, 2017 йилдан бошлаб бу жараён тезлашди - жадал ривожланиш, фақат ривожланган давлатларга "қувиб етиб олиш" эмас, балки мутлақо янги сиёсат асосида етакчиликка интилиш стратегияси ўртага ташланди.

Бу ўзини "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ўз аксини топди.

Ҳаракатлар стратегиясини сиёсатшунос Н.Жўраев таъбири билан айтганда, том маънода "тамаддунга даъват" деб баҳолашга лойиқ [1, б 264]. Ҳар бир ҳодиса, предметнинг объекти ва субъекти бўлгани каби Н.Жўраев ўринли таъкидлаганидек, сиёсий етакчи давлат раҳбарининг ҳам ҳеч кимга ўқшамаган, ўзига хос фазилатлари намоён бўлади [1, б 5].

Айни ҳолатда, улар қуйидагилар орқали намоён бўлади:

Биринчидан, сиёсий етакчининг қатъий ва ўзгармас сиёсий позицияга эга эканлиги;

Иккинчидан, бошлаган ишини охирига етказишдек қатъиятли ва узоқни кўзлаган давлат арбоби хос юксак фазилат;

Учинчидан, давлат раҳбарининг бутун обрў-эътиборини, сиёсий имижини белгилайдиган сўз билан иш бирлигига эришиш;

Тўртинчидан, сиёсий қарашларда изчиллик, узвийлик ва уларни ҳаётга жорий этишда қатъий талабчанликнинг юксак даражада намоён бўлиши;

Бешинчидан, улкан хотира қуввати ва ички ирода кучи туфайли жамиятнинг ҳамма соҳа ва йўналишларини, ижтимоий ҳаётнинг барча қирра-



ларини бир йўла назорат қила олиш салоҳияти;

Олтинчидан, кўтарилган масалалар ва топширилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига эришиш;

Еттичидан, шарқона бошқарув маданияти ва раҳбарлик одобининг юксак даражада намоён бўлиши.

Ушбу хислат ва фазилатлар буюк аждодларимиздан Абу Наср Форобийнинг "Сиёсат ал-мадания", "Бахт-саодатга эришиш ҳақида", айниқса "Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб" каби асарларида ҳукмдорнинг, давлат раҳбари маънавиятига қўйилган талабларга жавоб бера олади [2, б 22-23]. Агар Форобий ҳукмдор учун зарур бўлган 12 ҳислат ҳақида гапирган бўлса, Кайковус, Низомулмулк, Амир Темур, Мавлоно Муҳаммад Қози ва бошқа алломалар ҳам ҳокимларнинг халқ олдидаги бурчлари ҳақида гапиришар экан, бу бурчларни бажариш вожибдир [3, б 28], дейишади.

Бугунги ижтимоий янгиланиш даврида халқ манфаатларига содиқ, изчил ва фаол сиёсий етакчи бошлаган улкан демократик ўзгаришлар халқ тақдирини ҳал қила олади, деб бемалол айтиш мумкин. Шу маънода Президент Ш.Мирзиёев олга сурган бешта устувор йўналиш ва кейинчалик конкретлашган бешта муҳим ташаббус ўз мазмун-моҳиятига кўра халқчиллиги, аҳолининг барча қатламлари учун маъқул ва манзурлиги билан характерланади.

Энг муҳим ва аҳамиятли томони шундаки, ушбу ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг реал ҳаётда ўзгаришлар, қўйилган вазифаларни қоғозда қолиб кетмаётганлиги, ҳаётда ўз ифодасини топаётганлиги халқда нафақат ўз куч-қудратига, балки уни бошқараётган ҳукуматга ва сиёсий етакчига ишончи кун сайин ошиб бораётганлигини кўрсатади. Агар ушбу масала бўйича аҳоли ўртасида социологик сўровнома ўтказилса, аҳолини кўпчилик қисми "Ҳаракатлар стратегияси"ни амалда оқлаётганлигини таъкидлайди, ушбу ҳужжатни маъқуллайди деб биламиз. Шунингдек, Ўзбекистондаги 2017 йилдан бошлаб олиб бораётган очиқ эшиклар, яқин ва узоқ мамлакатлар билан манфаатли ҳамкорлик муносабатларининг кун сайин юксалиши, оқилона ва холис инвестицион сиёсат хорижий экспертлар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам маъқуллашмоқда. Буларни номма-ном санаб ўтишга ҳолат йўқ - ОАВ ва интернет сайтларида Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан кейинги 2-3 йил ичида олиб борилаётган сиёсат салмоқли эканлиги кенг ёритилган.

Ушбу масала бўйича Н.Жўраев тўғри таъкидлаганидек, "Дунёнинг энг кучли ва катта давлатлари Ўзбекистон билан ҳисоблашадиган, унинг умумдунёвий масалаларга тегишли фикр ва хулосаларини инобатга оладиган бўлиб қолди" [1, б 7].

Бунинг конкрет мисоли - Ўзбекистон вакилининг жаҳоннинг нуфузли ташкилоти БМТнинг 2018 йил 73-сессиясида раис ўринбосари, 2019 йил сентябрь ойида 74-сессияси ялпи мажлисида раис мавқеига чиқа олганлигидир.

Дунёнинг 193 яқин давлати аъзо бўлган ушбу халқаро нуфузли ташки-



лотга нафақат аъзо, ҳатто муҳим, оламшумул масалаларга бағишланган сессиясида сессияга раислик қилиш, уни олиб бориш - халқаро миқёсида Ўзбекистонни унинг раҳбари олиб бораётган адолатли тинчликсевар сиёсатини эътирофи деб бемалол айтса бўлади. Бунинг асосий сабаби - Президент ўз иш фаолиятида халқ билан яқин бўлишга, унинг кундалик ташвиши ва қувончларини яхшироқ билишга, халқ фикрини ифода этишга доимо ҳаракат қилади.

Буни конкретроқ ифода этиш учун қуйидаги фактларга мурожаат қиламиз. Масалан, 2017 йил Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" бўйича амалга ошириш Давлат дастури 320 та бандни қамраб олди. Ушбу бандларнинг 100 га яқини давлат институтлари билан нодавлат ташкилотлари томонидан Давлат дастурини ижроси учун умумий 37,687,8 млрд. сўм ва 8349,3 млн. АҚШ доллари ҳажмида маблағлар манзилли ва мақсадли ҳаражат қилинган. Бу маблағлар эса албатта халқниқи, улар халқ манфаатлари йўлида сарфланди. Ушбу маблағлар сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатилди. Президентнинг бундай мурасасиз сиёсати оддий фуқароларда ҳам Ҳаракатлар стратегиясига ишончни орттирди, ушбу стратегиянинг фақат қоғозда эмас, балки кундалик реал ҳаётда ҳам қарор топишига гувоҳ бўлишига олиб келди.

Бугунги замоннинг энг кўзга кўринган социолог ва политолог олими, Гарвард университети профессори Френсис Фукуяманинг айтишича, бугунги юксак тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларнинг асосий сири шундаки, уларнинг фуқароларини ўз ҳукуматлари олиб бораётган ижтимоий-сиёсатга "trust" (яъни ишонч - Н.Д.) индекс кўрсаткичидир. Ушбу олим такидлашича, бу кўрсаткич Япония, Хитой, АҚШ ва бошқалар давлатларида анча юқори.

Қувонарлиси шундаки, Ўзбекистонда ҳам давлатга, ҳукуматга ишонч ҳисси Шавкат Мирзиёев давлат тепасига келганидан сўнг кўпайди ва бундай ишонч кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга тадбиқ қилиш бўйича 2018 йилда "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурини ҳаётда қарор топиши баробарида ННТларга Дастурда белгиланган 231 та долзарб вазифадан 51 тасини ишониб топширишлари ҳақиқий халқ ҳокимиятчилигини амалга ошаётганлигини кўрсатди. "Ҳар бир оила - тадбиркор" ва "Ёшлар - келажагимиз" Дастурлари доирасида 2 трлн. сўмга яқин маблағ ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун қаратилганлиги [4] - фикримизнинг далилидир.

2018 йил сарҳисоб қилинганда, дастурлар асосида жами 21 трлн. сўм ва 1 млрд. АҚШ долларига тенг 76000 та лойиҳа амалга оширилди.

Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётганини 2019 йил "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар қам-



рови ва салмоғи ҳам кўрсатиб турибди. 2019 йил асосий эътибор давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат ва нотижорат ташкилотларига ҳам қаратилди. Масалан, 274 та долзарб вазифадан 40 тадан ортиқ йўналишда ННТлар иштирок этишди. Дастурни амалга ошириш учун 16998,6 млрд. сўм ва 8106,5 млн. АҚШ доллари миқдорида молиявий асос ишга солинди.

"Маънавий хавфсизлик фақат ташқи маънавий таъсирларни зарарсизлантириш орқали эмас, балки узоқ ва яқин ўтмишда халқ давлатнинг хизматкори бўлган, инсонинг шахсий ижодкорлигига йўл бермаган маъмурий буйруқбозлик тузумидан "мерос" бўлиб келган маънавиятга барҳам бериш, ижтимоий реализм принципини ҳаётда қарор топтириш орқали таъминланади" [5, б 4], деганда А.Қодиров ҳақ деб ҳисоблаймиз. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясининг самарадорлиги биринчи навбатда янгича фикрлаш, янгича тафаккур билан бевосита боғлиқ. Эскича қарашимиз билан Ҳаракатлар стратегиясининг сиёсий мазмун-моҳиятини ва тарихий аҳамиятини англаш қийин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш старетгик вазифа ва мақсад деб эътироф этилади. "Ҳаракатлар стратегияси" мазмун-моҳияти билан ушбу вазифани бажариш ва тараққиётга эришишга йўналтирилган.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Жўраев Н. Тамаддунга давъват. - Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Форобий Абу Наср. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. -Т.: "Ёзувчи", 2002.
3. Мавлоно Муҳаммад Қози. Ҳуқмдорга ўғитлар. -Т.: Шарқ, 1999.
4. [http://lex.uz/docs/4168749/Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони - 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида.](http://lex.uz/docs/4168749/Ўзбекистон_Республикаси_Президентининг_фармони_-_2017-2021_йилларда_Ўзбекистон_Республикасини_янада_ривожлантиришнинг_бешта_устувор_йўналиши_бўйича_Ҳаракатлар_стратегиясини_\)
5. Қодиров А. Маънавий хавфсизликни таъминлашнинг айрим сиёсий - концептуал ва ташкилий-бошқарув масалалари // Маънавий хавфсизлик жадал тараққиёт стартегиясининг муҳим омили сифатида. 2-китоб. -Т.: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, 2019.

#### **Аннотация**

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган ислохотлар, шахс ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар ёритиб берилган.

#### **Abstract**

This article highlights the reforms carried out on the basis of the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan, the relationship between the individual and the state.



# TEMURIYLAR DAVRI TARIXIY MANBALARIDA QARSHI SHAHRI

## TAVSIFI

Очил БЎРИЕВ,  
ҚарДУ профессори.

(Давоми. Боши олдинги сонда)

Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (1304-1377) ҳам 1335 йилда Тармаширинхон ҳузурига Қарши шаҳрига келган. Сайёҳ ёзадики: "Сўнгра биз Бухородан чиқиб улугъ художўй султон Алоуддин Тармаширин қароргоҳи томон йўл олдик. Шундай қилиб, биз Абу Туроб ан-Нахшабийнинг ватани бўлмиш Нахшаб мавзеидан ўтиб бордик. Нахшаб - боғлар ва ариқлар ила қуршалган мўъжаз шаҳардир. Биз амирнинг шаҳар ташқарисидаги уйига қўндик. Мен бўлсам кундузи бошқалар билан бирга жўнаш учун Нахшабда қолдим (Эртаси йулга отланиб), кун ботарда биз номи тилга олинган султоннинг ўрдасига келдик. Бозорга яқин жойга тўхтадик. Султон қўшини билан бирга эмас, у шикор (ов)да экан. Мен у султоннинг ноиб амир Тўқ Буға билан учрашдим, У мени ўз масжидига яқин бир ерда жойлаштириб, менга хобгоҳ берди. Бу чодирга ўхшаш бир нарсадир. Сўнгра у ортидан киши юборди ва мен унинг ҳузурига келдим. Султон чодирда эди. Аммо султон ҳам бомдод, ҳам ҳуфтон номозини албатта жамоа билан бирга ўқир эди. Бомдод намозидан то офтоб чиққунига қадар у туркий тилда зикр айтиб ўтирар эди.

Мазкур "Саёҳатнома"нинг "Мовароуннаҳр султони", "Кабак-хон билан Воиз", "Кабак-хоннинг одиллиги", "Султон Тармаширинхоннинг фазилатлари ҳақида хикоя", "Бузан ҳақидаги хикоянинг давоми" каби фаслларида Нахшаб воҳаси, ва ҳукмдори Тармаширин ҳақида маълумотлар берилган. (Ибн Баттута Саёҳатнома.-Т.; "Шарқ", 2012 . Б.368-378). Шунингдек Ибн Баттута Нахшабда 54 кун бўлганлигини ҳам қайд этган.

Кейинчалик пойтахт эса яна Ила водийсига кўчирилган. Улусда норозиликлар кучайиб,1330 йилда муҳолифатдаги Ясавурнинг ўғли Қозон Чигатой улуси таҳтига чиқиб,пойтахтни ҳозирги Муборак шаҳри яқинидаги Занжирсаройга кўчирган. Ана шу касабда Сароймулк хоним таваллуд топган.Занжирсарой 60 йил мобайнида асосий шаҳар бўлиб турган.

Тўхтамиш Зарафшон водийсига бемалол кирган, шаҳар ва қишлоқларни талаган. У Бухорони ололмагач, Мовароуннаҳрнинг Амударёгача атроф жойлари ва бир қанча туманларни талаган. Қаршидан ғарб томонда жойлашган, Қашқадарё ҳавзасидаги Занжирсарой қаттиқ зарар кўрган( Б.Д.Греков, А.Ю.Якубовский. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. Т.,1956.Б.285). 1387 йил 15-ноябрда Тўхтамиш томонидан Занжирсарой



ёндирилган ва кейинчалик қайта тикланмаган.

Қарши қальасининг қоқ марказида эса Одина масжиди жойлашган. Бу масжид ҳам Занжирсарой каби қальанинг айнан марказида, ундан бир неча аср аввал Кебекхон томонидан Чигатой улусининг олий хокимияти хон ўрдаси сифатида пишиқ гиштдан бунёд этилган. Бу ерда топилган мозаика ва майоликали кошинлар, сирланган пишиқ гишtlардан бунёд этилган, хоналарнинг поллари бу саройнинг ниҳоятда гўзал ва аини пайтда ўзига хос меъморий услублар ёрдамида бунёд этилганлигини яққол кўрсатиб турибди .

Одина масжиди қурилишида пишиқ гишtlар орасига оддий лой ишлатилаган бўлса, унинг тагидаги сарой учун пишиқ гишtlар орасига оддий ганч ишлатилган, мана шу ҳам ушбу сарой-нинг қанчалик маҳобатли эканлигидан далолат беради. 1348 йилда қиш қаттиқ келиб, Қаршида турган Қозонхоннинг отлари қирилган. Қозоғон Амударё бўйларида Қаршига келиб Қозонхонни ўлдирган. Бу воқеа Чингизий хонларнинг 109 йиллик ҳукмронлигига чек қўйган. Лекин Чингизхон ясоғига кўра, унинг учинчи ўғли Ўқтойнинг авлоди Донишмандчахон (1346-1348), Боёнқулихон (1348-1357), сўнгра эса Шоҳ Темур (1358-1359) қўғирчок хон этиб тайинланган. Қозоғон ғолиб бўл-гач пойтахтни Бухоро га кўчириб, Қозонхоннинг мол-мулки ва ҳарамидаги хотинларига эгалик қилган. Қизи Сароймулк хонимнинг катта ўғли амир Мусаллонинг ўғли, невараси амир Ҳусайнга олиб берган.

Қозоғоннинг кенгашида Шаҳрисабз улуси номидан Муҳаммад Тарағай, Қаршидан Жоку Барлос-лар қатнашишган. Жоку Барлос қизи Турмуш оқани Тарағай Баҳодирхоннинг ўғли Темурбекка беришга рози бўлган. Кўп ўтмай сипоҳсолор Темурбек амир сифатида тан олиниб, отаси номидан кенгашларда қатнаша бошлаган. Қозоғон набираси Ўлжай Турконни (Ҳусайннинг синглиси) 2-хотин сифатида Темурбекка никоҳлаган. Темурбек амир Ҳусайн (Қозоғоннинг набираси) билан яқиндан танишган. Юқорида таъкидланганидек, Темурбекнинг биринчи хотини Турмуш оқа Жоку Барлоснинг қизи эди.

Қарши шаҳри Амир Темурнинг 1360-1370 йилларда тахтга ўтиргунига қадар олиб борган ҳарбий ҳаракатларида жуда ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Мана шу даврда атрофи мудофаа деворлари билан ўралган, шаҳарда Одина масжиди қурилган. Совет даврида бу обиданинг пештоқлари ва гумбазлари бузиб ташланиб, хонақолари ҳибсхонага айлантирилган эди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан 2004 йил декабрь ойида ҳибсхона кўчирилди ҳамда масжид ва сардоба қайта таъмирланди. Қўргон ҳудуди 40 гектарни ташкил этган.

Бурун ёш Темурбек Қаршида бир неча марта бўлиб, шаҳарнинг жойлашган ўрни билан яқиндан танишган эди. Амир Темур 1363 йилнинг кузида ўз лашкарлари билан шаҳарни қамал қилади. Қарши шаҳри Амир Темурнинг сиёсат майдонига чиқишида муҳим рол ўйнаган ва бу теурий-лар даври тарихий манбаларида ҳам ўз аксини топган.



XV аср ёзма ёдгорликлари ичида бизнинг давримизгача етиб келган йирик тарихнависларнинг салмоқли асарлари сирасига форс тилида битилган Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома", Ҳофизи Абрўнинг "Зубдат ат-таворих" Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Муиниддин Нантанзийнинг "Мунтахаб ут-таворих", Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг "Мужмали Фасиҳий", Абдураззоқ Самарқандий-нинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн", Мирхонднинг "Равзат ус-сафо", Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сиар", Ибн Арабшоҳнинг араб тилидаги "Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур", Ибн Халдуннинг "Китоб ал-ибар", Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг "Кундаликлар"и, Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" бошқа бир қатор асарларни киритиш мумкин. Мазкур энг асосий манбалар рўйхати бошида Соҳибқирон томонидан яратилган "Темур тузуклари"ни келтириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу мақолада Қарши шаҳри тарихининг темурийлар даври XV аср муаррихлари асарларидаги тавсифига қисқача тўхтаб ўтилади

Кўринадики, XIV–XV асрларда Туронзаминдаги йирик шаҳарлардан бири Қарши шаҳри темурийлар даври тарихий манбаларида кўп тилга олинган. Соҳибқирон "Тузуклар"ида ҳокимият кучайган сайин Амир Ҳусайннинг хасади ошганлигини, қасам билан қилинган аҳду паймонини бузганлигини, олдига кўп бориб, марҳамат кўрсатганлигига қарамасдан қошига келмасдан ҳийла йули билан Қарши қалъасини олиб қўйганлиги ҳақида ёзган: "Тузуклар"нинг "Жета ва Илёс Хўжа лашкарига шикаст етказиш ҳақида қилган ўн учинчи кенгашим" деб номланган фаслида қайд этилганидек: " Қарши қалъасини қуриқлаб туриш учун кўрғонбеги амир Мусо бошчилигидаги етти минг отлиқ аскар тайинланди. Кейинроқ у ерга яна кўшимча беш минг отлиқ аскар юборди. Бу билан кифояланмай, мени ўлдирмоқчи бўлди. Мендаги салтанат ғайрати тугёнга келиб, Қарши қалъасини ундан тортиб олишга ундади. Баъзи амирларим у ерга юриш қилиб, қалъани жанг билан қўлга киритишни маслаҳат бердилар. Қарши қалъасини олиш режасини туза бошладим. Улар айтгандай уруш билан олсам, бунинг ҳатарли томонлари кўплиги кунглимдан ўтди. Ўзимга : << Мабодо қалъани жанг билан олмоқчи бўлсам, ғаним лашкарларининг ёмон кўзидан қўшинимга зарра етсачи?>> деб ўйладим . Сўнгра жанг килиш фикридан вақтинча воз кечдим ва бошқа тадбирни қўллашга киришдим. Хуросон томонга юзланиб, бу билан Қарши қалъасининг бекларнинг хотирини жам қилмоқчи бўлдим. Кейин эса лашкарим билан (яши-ринча) орқага қайтиб, тунда тўсатдан қалъага ҳужум қилиб, у ерни босиб олишни режаладим. Хуллас, у ерда кўчиб, Хуросонга қараб йулга тушдим.

Амуй сувидан кечиб ўтганимда, Хуросон томондан Қаршига келаётган карвонга дуч келдим. Карвон бошлиғи менга совғалар тақдим этди. Мен ундан Хуросон амирларининг ҳол аҳволини суриштирдим ва Хуросон вилоятига бораётганлигимни айтдим, кейин кетишларига ижо-



зат бердим. (Лекин) карвонга айғоқчи қўшиб юбордим ва дарё соҳилидан бирон ёққа жилмай хабар келишини кутдим. Айғоқчи хабарига кўра, карвондагилар Амир Мусога шундай деган эмишлар: «Амир Темурни Амуй суви ёқасида кўрдик, Хуросон тарафга кетаётган эан». Бу гап Амир Мусо ва Амир Ҳусайннинг лашкарига етгач, хурсанд бўлиб, ўйин-кулги ва айш-ишратга берилибдилар.

Бу хабарни эшитишим билан лашкарим ичидаги энг ишончли, довурак, жанг кўрган ёш баҳодир йигитлардан икки юз қирқ учтасини танлаб олдим ва дарёдан ўтиб илғор юбордим. Ширкент мавзеига етдим ва уша ерда бир кеча кундуз тўхтаб, сўнг яна йулга тушиб Қарши қалъасидан бир фарсанг масофага келиб тушдим. (Одамларга) арқонларни бир бирига боғлаб нарвон ясаб қуйишларини буюрдим. Шу пайт амир Жаку тиз чўкиб: "Бир гуруҳ баҳодирлар орқада қолдилар, улар етиб келгунча тўхтаб туриш зарур", -деб ўтинч қилди. Шунда хотирамга бир ўтинч келди: баҳодирларим етиб келгунча қалъани ўзим кўздан кечирмокчи бўлдим. Қирқ отлиқ хамрохлигида Қарши қалъаси томон йўл олдим. Йироқдан қалъа қораси кўринганда, баҳодирларимни келган ерларида тўхтатиб қўйдим ва уйимизда тўгилиб усган Мубашшир ва Абдулло исми (йигит)ларни бирга олиб кетдим. Ҳандақ бўйига етдим. Қарасам, Ҳандақ сув билан лиммо-лим экан. Теварак атрофга назар солиб, Ҳандақ тепасидан ўтказилган, қалъага сув олиб борадиган тарновга кўзим тушди. Отимни Мубашширга қолдириб, ўша тарнов орқали Ҳандақ устидан ўтдим ва қалъанинг ҳокрезига етдим. Дарвоза олдига бориб, эшик қоқдим. (Лекин) дарвозабонлар ухлаётган экан (ичкаридан садо чиқмади). (Ҳар эҳтимолга қарши) дарвозани ташқарисидан кесактош ва лой билан тўлдириб қўйишган экан. Қалъа девори атрофини кўздан кечириб, нарвон ва зиналар қўйса бўладиган жойни топдим. (Сўнг) орқамга қайтдим ва отланиб баҳодирларим ҳузурига бордим.

Орқада қолган лашкар фавжи ҳам нарвонлар билан етиб келишган экан. Ҳаммалари шайланиб, нарвонларни олишди ва қалъа сари юзландик. Ҳандақдан тарнов орқали қалъага ўтдилар. Зиналарни ҳам олиб ўтдилар ва деворга қўйдилар. Эр йигитлардан қирқтаси тепага чиқиб, қалъага кириб олди-лар. Мен ҳам нарвонга оёқ қўйиб энди қалъага кирмокчи бўлган эдим, карнай тортиб, бурғу чалдилар. Тангри таолонинг қўллаши билан қалъани қўлга киритдим. (Темур тузуклари.Т., 2011. Б., 46-49).

Бу даврда Қарши вилоят мавқеидаги шаҳар саналган ва унда Амир Темурнинг амакиси Ҳожи Барлос ҳоким эди. Туғлуқ Темурхон 1360 йил Мовароуннаҳрни эгалаганида, Ҳожи Барлос Хуросонга қочади. Амир Темур уни кузатиб Жайхун (Амударё) бўйигача боради ва ўша ерда амакиси билан видолашиб, Туғлуқ Темурхон ҳузурига қайтади.

XIV асрнинг иккинчи ярмида, аниқроғи Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни мўғуллар истилосидан озод қилиш учун кураш йилларида ҳам



Қарши шаҳри муҳим сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга молик бўлган. Зеро, Амир Темур (1364-1365) йил қиш фаслида шу ерда тўхтаб, шаҳарнинг қўрғонини тиклашга буюради. Муаррих Шарафуддин Али Яздий ёзганидек: "Ҳазрат Соҳибқирон ул қиш анда қишлади ва Қаршининг қалъа иморатига машғул эрди. Ул қишда қалъа иморатини тугатдилар", (Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Т., 1997. Б.41).

Амир Темурнинг Амир Ҳусайн билан ўртасидаги мухорабаси ҳам Қарши шаҳри атрофида кечганлиги манбаларда қайд этилган. Амир Ҳусайн 3000 кишилиқ лашкар билан бостириб келган. Ғузур воҳасидаги Чокдалиқ (Қотилиш) деган жойда (ҳозирги Пачкамар сув омбори ўрнида) тўқнашувда Ҳусайннинг қўли баланд келган. Темурбек ва унинг тарафдорлари Исҳоқ қудуғи атрофида (Олот) тўпланишган. Темурбек Амударёдан ўтиб, Мохонга (Марвга) кетиб, 2-3 ой юрган. Сўнгра Губдиндан ўтиб, Кўҳна Фазли мавзесига боради ва кутилмаганда 243 нафар йигити билан Ширкентда пайдо бўлган. Қарши тарафида 12000 нафар лашкар бор эди. Темурбек вазиятни обдон ўрганган, 40 нафар йигитни ажратиб олиб, тундан деворлардан ошиб ўтган ва уйқудаги ўрдани босган.

Ваҳима кўтарилиб, ҳамма тум-тарақай қочган. Қарши шаҳрининг қутволи (қалъа бошлиғи) Мусабекнинг ўғли Муҳаммадбек бўлган, уни Темурбекнинг олдига келтиришган, бу йигит Соҳибқиронда катта таассурот қолдирган. Кейинчалик унга суюкли қизи Тоғайшоҳ Оқабегимни никоҳлаб берган ва улардан Султон Ҳусайн туғилган. Бу воқеада Мусабекнинг хомиладор хотини Орзу маликанинг ҳам кузи ёради ва Туман Оқа дунёга келади. Туман Оқа кейинчалик Темурбекнинг маликаларидан бирига айланган. (Ҳ. Сатторий. Ҳазрат Соҳибқирон. Т., 2005, Б. 48-49).

Муаррих Низомиддин Шомий "Зафарнома" асарида Амир Ҳусайн келиб сулҳ асосини қурганлиги, аммо қайта жанг бошлагани баёнида саккизинчи фаслида Амир Темурнинг Қарши қалъасини моҳирона эгаллаши жараёни кенг баён этилган, (Низомиддин Шомий, "Зафарнома", Форс тилида ўтирувчи Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Т.; Ўзбекистон, 1996. Б.55-61.)

1363 йил куз охирида Қаршига келган Амир Темур шу манзилга Кебекхон қасрига ўрнашган. Аммо бу қаср Соҳибқирон қўшинлари жойлашувига ва мудофаа талабларига жавоб бермаганлиги сабабли ҳукмдор шу масканда қишлашга ва унинг атрофида мустаҳкам қалъа қуришга буйруқ берган.

Соҳибқироннинг 1365 йил қишида Қарши ҳисорини мустаҳкамлаши, уни девор билан ўратиши узоқни кўзлаган режа асосида амалга оширилган. 1365 йил кузи охирида юз берган Қарши қамали Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида ҳам батафсил ёритилган. Жайхундан ўтган Амир Темур қўшинлари Кўҳна Фазли мавзеига келиб тушадилар. Эртасига барча йўлларни тўсиб, пистирма қўйиб, ким сув олишга келган бўлса, уни сирни маълум қилмаслик учун ушлаб турадилар. Қош қорайгач улар Ширкент орқали ўтиб, Бешкентга тўхтайдилар. Амир Темур



Қарши ҳисорини шахсан кўздан кечириш учун ёнига икки кишини Мубашшир ва Абдуллони олиб қалъага яқинлашиб келади. Қарши ҳисори ўша вақтда hozирги Қалъаи Заххоки Марон тепалигида, яъни 1318 йилда Кебекхон асос солган шаҳарда эди .

Яздий "Зафарнома"сининг, "Хусайнбекнинг макру ҳийла қилгонлари ва Хизр Хазиначини сулҳ учун соҳибқиронга йибарғони" фаслида Амур Темурнинг Қарши ҳисорини олиши шундай тасвир-ланган: "Ҳазрат Соҳибқирон оз киши биланким анинг қошида туруб эрдилар .Хузордан ўтуб Қаршига туштилар ва беклар била кенгашиб,маслаҳат андоқ қўрдиларким, номус ва хокимият учун кучларини Мохон сари Санжарийларга йибаргайларким, алар ҳазрат соҳибқироннинг давлатхоҳлари эрдилар ва алар била эътимодлари бор эди. Куч боргондин сўнг фароғат юзидин душманнинг фикрига машғул бўлғайлар.Бу кенгаш билан барча мутаффик бўлиб, Исҳақ қудуғига жамъ бўлурга ваъда бериб, ҳар киши ўз эли сори бориб ,кучларини келтуриб, ўшул кеча юруб эрдилар. Хусайнбекнинг чериги Қаршига етиб, Мусобек ва Ҳиндушоҳбек ҳисорига кириб ўлтирдилар.

Ҳазрат Соҳибқирон Исҳақ қудуғига келиб анча таваққуф килдиким,- навкарлари кўчларини олиб келдилар. Барча жамъ булгондин сўнг андин кучуб Мохон сари бордилар ва Амуй суйидан кечиб чўлга кирдилар. Ҳазрат Соҳибқирон Ҳирот беклариға ва Муҳаммадбек Жониқурбонига элчи йибордиким, алардин хабар бўлғайким, на ишда турурлар .Элчи бориб келгунча икки ой ярим Шўроб қудуғида турдилар. Ва бу муддатда хар карвонким, Хуросон соридин келиб, Мовароуннахр сори борурга хаёли бор эрди, аларни манъ этиб ,сақлар эрди, Элчи келгонда овоза солдиким ,Ҳирот маликалари бизни чорлаб турур. Карвонийларға ижозат берди ва ўзи Хуросон йулиға кирди. Бозургонлар Қаршиға етконда хабар бердиларким,ҳазрат соҳибқирон Хуросонга кетти. Малик ва Мусабек бу хабарни эшитиб, эътимод килди, Қарши қалъасидан чиқиб, черик йиғиштируб, етти минг отлиқ билан Баймароғ мавзеъига тушти. Ва хаёли бор эрдиким, Ўзганд сори боргай. Ва Малик Баҳодур таки қўшин беклари била беш минг отлиқким, кароунос элидин эрдилар, Хусайнбек қошидан келиб эрдилар, Гузордан ўтуб,Қўрғошун тўба Валвалий кендида ўлтўрди. (Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома ,Т.,1997.Б., 45-46).

(Давоми келгуси сонда)



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида "Ёшларимизни халқимизнинг нодир тарихий-маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятлари билан яқиндан таништириш - уларда Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш", лойиҳаси доирасида тайёрланди.



# O'ZBEKLARDA JONIVORLARGA NISBATAN MUNOSABATDA XADISLARNING O'RNI VA ROLI

Ахрор АЗИЗОВ,

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти,

**Калит сўзлар:** ҳадис, маросим, ишонч, идентификация, қатрон, мушук, ит, Жаннат.

Замонавий даврда фан тараққиёти ўзаро ҳамкорликдаги фанлараро ёндошувни талаб этиб келмоқда. Этнология фанида ҳам сўнгги йилларда янги йўналишдаги изланишлар олиб борилмоқдаки, замонавий методларга таянган ҳолда мавжуд илмий муаммолар ўз ечимини топмоқда. Мазкур фан эришган ютуқлардан энг муҳими халқнинг урф-одати, маросимлари ҳамда ўзига хослигини кўрсатиб беришдан ташқари, унинг дунёқарашида, жумладан, ҳайвонот оламига нисбатан муносабатлардаги диний асоснинг таҳлил этилишидир.

Ўрта Осиё халқлари ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашлари юзасидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб [19,17,20,18,21,9], у таянувчи қонуниятларнинг таҳлили шуни кўрсатиб берадики, нотекис шаклланаётган тасаввурларнинг вужудга келтирувчи факторлари мавжуддир. Ана шундай факторлардан бири диний ишонч механизми бўлиб, манавий тасаввурларга асосланади [3:127]. Ваҳоланки, анъанавий жамият томонидан интеграцияга нисбатан таъсир вужудга келиши жараёнида манавий дунёқараш катта рол ўйнайди.

Инсон учун оламни тушунтириб беришнинг бир бўлаги бўлган, борлиқни тасаввур қилишига яқиндан ёрдам берадиган тушунча шубҳасиз, жониворлар ва уларга нисбатан ўрнатилган муносабат ҳисобланади. Борлиқни англаш, одамга ўзи қидирган саволларга жавобларни топишида ҳамда идрок этишида катта ўринга эга. Диний ишонч анъанавий жамият учун ушбу муносабатлар моделини яратишда асосий механизм вазифасини бажариб беради [4:13-14].

Одам учун биринчи галдаги савол шубҳасиз: ҳайвон бу ким? Ёки нима? Уларни идентификацияси қандай кечади. Анъанавий жамиятда у қандай тарзда моделлаштирилади? Жониворларни идентификация қилишда қандай мезонларга амал қилинади? Ушбу жамиятда ишонч тизими қандай? Бу илмий муаммоларнинг ечими долзарб ҳисобланади.

Жониворлар тарихан инсоният ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб минг йиллар давомида одамлар эҳтиёжини қондириб келди [7:1] ва ҳозирги кунда ҳам улар ўзларининг асосий функцияларини бажармоқдалар. Лекин интеграция ҳайвонот олами вазифаларининг янада ортишига, урбанизация каби жараёнлар эса уларга нисбатан муносабатлар либераллашишига олиб келмоқда. Биз буни уй ҳайвонларининг идентификацияси мисолида кўриб



чиқамиз.

Уй ҳайвони деганда анъанавий нуқтаи назардан асосан чорва тушунилар эди. Қишлоқ ҳаётида улар катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Қишлоқларнинг ҳам урбанизация жараёнига тортилиши эса, жониворларга нисбатан шакланган мавжуд қарашларда маълум ўзгаришларга олиб келмоқда. Бугунги кунда уй ҳайвонлари қаторига доимий равишда парвариш қилиниб келинган ит ва мушукдан ташқари турли қушлар (тўти, бедана, канарейка, кабутар), судралиб юрувчилар (тошбақа, илон), балиқлар, турли кемирувчилар ҳамда бошқа турдаги жониворларни кўришимиз мумкин.

Жониворларни идентификация қилишда турли факторлар асосий сараловчи вазифани ўтайди. Улар: интеллектуал, теологик, психологик, биологик. Улардан анъанавий жамиятга хоси шубҳасиз, теологик яъни диний идентификация ҳисобланади. Одамлар учун жониворларни саралаш, уларга нисбатан муносабатларни ўрнатишда диний тасаввурлар асосий ўрин эгаллайди.

Уй ҳайвонларидан қайси бирини ва қандай парваришlash масаласида аҳолининг тасаввурлари ўзига хос тарзда шакланган бўлиб, улар диний қарашлар асосида вужудга келган. Ҳусусан, буни итни парваришlash мисолида кўришимиз мумкин. Итни ётоқхонага киритиб бўлмаслиги ҳақидаги ишонч манбаси "Ҳадиси Шариф[1,2]" бўлиб, халқ орасида бу жиҳатга қаттиқ эътибор берилади. Аҳоли вакиллари бугунги кунда итни иложи борича ўз ҳовлисида парваришlashга ҳаракат қиладилар. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Полосон қишлоғилик ахборотчининг маълум қилишича ит кундузи барака ёғилган вақтда уйқуда ётади ҳамда сўлаги таҳоратни кетказди[14]. Бошқа бир овчилик билан шуғулланувчи ахборотчи эса, овчининг жуда покиза тарзда юриши, нафақат таҳоратни бузмаслиги, балки, у олиб келиб берган ўлжани ҳам истеъмол қилиш мумкинлигини билдирди[10]. Айрим аҳоли вакиллариининг фикрича итни фақатгина чорвадор ҳамда овчиларгина боқиши мумкин[11].

Ит бор уйга фаришталар кира олмаслигига ишонадилар ва кўпчилик бунга амал қилади. Бундан ташқари ҳадисларда ҳам ит билан боғлиқ айрим маълумотлар мавжуд: итни сотиб пулини оила учун харжлаш ҳам исломий одатларга кўра таъқиқланган[6:33-34].

Ёки унга нисбатан ижобий муносабатнинг тарғиб этилишини ҳам кўришимиз мумкин: Бир фоҳиша аёл чуқур қудук бошида чанқаб ўлай деб турган итга оёқларидаги этигини ечиб, унга рўмолини боғлаб қудукдан сув чиқариб бериб, уни ўлимдан қутқариб қолибди. Бу иши эвазига Тангнинг унинг гуноҳидан ўтибди[5:28].

Агар жонивор боғланган ҳолда боқиладиган бўлса, унга ўз вақтида қаровини қилиш зарур ҳисобланади. Мабодо парвариш яхши бўлмаса, ёки уларга умуман эътибор бермай оч қолдирилса, одамлар гуноҳга ботишига қаттиқ ишонадилар. Уй эгаси жониворни яхши боқса, улар ўз хўжайинларини дуо қилади, уларга атаб саловот айтади деб биладилар. Айниқса, йилқичлик билан шуғулланиб келган аҳоли вакиллари томонидан шундай қарашни учратиш мумкин. Унга кўра, отнинг тойлигидан уни уриб бўлмаслиги,



отнинг хотираси жуда кучли бўлиши тўғрисида тасаввурлар мавжуд. Аҳоли отни тарбиялаш жараёнида урилса ёки ёмон муомалада бўлинса, от ҳам бирор ёмон одат чиқаришига ишонишади. Чунки от бир ёмон одатга тойлигида ўрганса, умри давомида шу одатини такрорлай беради. Масалан, тегиши ва айниқса тишлаши нотўғри парвариш билан боғлиқ деб баҳолайдилар.

Али (р.а.) ҳазратлари шахсига боғланувчи от тўғрисидаги тасаввурлар ҳам одамлар орасида анча машхур[9:23-24]. Бундан ташқари аҳоли хотираларида Пайғамбаримиз (с.а.в.) осмонга кўтарилишида ҳам от миниб чиққанлиги ҳақидаги ривоят яхши эсланади.

Фаргона водийси аҳолиси дунёқарашида теологик таъсирини сезиларли кўрсатувчи яна бир жонивор билан боғлиқ тасаввурлар бу шубҳасиз, мушук билан боғлиқ қарашлардир. Мушук Пайғамбаримиз (с.а.в.) томонидан эъзозланган жонивор эканлиги тўғрисида бир қанча ривоятлар учрайди. Мушукка азоб бериш ҳамда уни қамаб қўйиб овқат бермаслик жазоси жаҳаннам деб уқтирилади[2:60]. Халқ орасида мушук ўзидан чиқарадиган товуш тўғрисидаги ривоятда Абу Хурайра (р.а.) шахси билан боғлиқ маълумотларни учратиш мумкин[13].

Мушукнинг покиза жонивор эканлиги тўғрисидаги диний қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу маълумотлар ҳадисларда ўз аксини топган ҳисобланади. Ит тегиб қўйган идишлар қатрон [1:40-41] қилиниши шарт деб билинса, мушукка нисбатан бундай қараш йўқ. Халқ орасида мушукнинг мўйловини бирозгина калталатиб қўйилса, у тегинган идишларни ювиш шарт бўлмайди деб биладилар[15].

Диний тасаввурларнинг жониворларга нисбатан муносабатнинг шаклланишидаги ўрни беқиёсдир. Аҳоли томонидан уларни парваришlash ҳамда умуман истеъмол қилинмаслигида ушбу асосга таянади. Бунга мисол тариқасида аҳоли орасидаги қўйга нисбатан шакланган ишончли келтиришимиз мумкин. Олтиариқ тумани Полосон қишлоғида истиқомат қилувчи Турсунпўлатхожи ота[16]нинг айтишича қўй илоҳий жонивор ҳисобланади. Бу жонивор Иброҳим (а.с.)га Аллоҳ томонидан тўнғич ўғли қурбонлиги ўрнига Жаннатдан чиқариб берилган. Шундан эътиборан инсонлар Худо учун қурбонликка ўзларининг тўнғич ўғилларини эмас, балки, ушбу жониворни келтиришлари буюрилганлигини таъкидладилар. Қўй уй ҳайвонлари ичида энг баракалиси сифатида тушунилишини айтиб, ўз фикрини пайғамбаримизнинг "Қўй боқингиз, чунки у баракали ҳайвон" ҳадисини келтирдилар.

Теологик анимализм туфайли аҳоли вакиллари уй ҳайвонларини классификация қиладилар ва бу усул инсонга Аллоҳ томонидан берилган неъмат ҳисобланган жониворни асраш, парваришlash, улар ёрдамида маълум маросимларни адо этиш, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш кретерийларини шакллантириб беради. Айрим жониворларнинг гўштини истеъмол қилишни шариат таъқиқлайди, аммо уларнинг меҳнатидан фойдаланиш ва парваришlash мумкин бўлади.

Бундай тарзда идентификацияlash нафақат уй ҳайвонларига нисбатан, балки, ёввойи ҳайвонлар ва қушларга нисбатан кенг қўлланади. Ислом дини



қарашларига кўра табиат ва ундаги жониворлар инсон учун яратилган ҳисобланади. Ушбу неъматни асраб-авайлашда, кейинги авлодга етказиш жуда муҳим ҳисобланади. Муслмон тушунчалари ўз навбатида ушбу ва-зифани бажаришда энг муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Демак, фаол урбанизация жараёнининг кучли таъсирига қарамай диний тасаввурлар анималистик идентификацияда ўз ўрнига эга.Формация жараёнини ташкил этувчи омиллар ичида у асосий механизм ҳисобланади. Мифологиядан тортиб, биологик идентификациягача ранг бериб келмоқда.Фаргона водийси аҳолиси диний анъаналарнинг мустаҳкамлиги нафақат инсон ва ҳайвон муносабатларини тартибга солади, балки, жониворларга нисбатан меҳри бўлиш, уларни асраш, табиат занжирини узилишига йўл қўймастик учун хизмат қилади. Унга амал қилмаган тақдирда жазо муқаррарлигига қаттиқ ишонадилар. Масалан, Жомъе ас-Саҳиҳда Оиша онамиздан ривоят қилинади: "Жаҳаннамда Амр ибн Луҳони кўрдим, ул (ҳаётлигида уй) ҳайвонларини ўз ҳолига ташлаб қўйган одам эди", - дедилар[1:238]. Ёки Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: ""Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуёш тутилганида ўқиладиган намоз (салот ул-кусуф) ўқидилар. Қиёмда узоқ туриб олдилар. Кейин, рукуъ қилдилар, рукуъда ҳам узоқ туриб олдилар.Кейин, яна рукуъ қилдилар, бу гал ҳам узоқ туриб қолдилар. Сўнг қадларини тиклаб ундан ҳам узоқ туриб қолдилар, сўнгра узоқ рукуъ қилдилар, кейин сажда қилдилар, саждада ҳам узоқ туриб қолдилар. Саждадан бошларини кўтариб, яна сажда қилдилар. Бу сафар ҳам узоқ туриб қолдилар. Сўнгра, қиёмга туриб жим қолдилар, кейин узоқ рукуъда турдилар, сўнгра туриб, қиёмда узоқ турдилар, кейин яна рукуъ қилдилар, рукуъда узоқ турдилар, сўнг рукуъдан туриб қиёмда узоқ турдилар, кейин яна рукуъ қилдилар, рукуъда узоқ турдилар (сўнгра рукуъдан туриб, яна сажда қилдилар), саждада узоқ турдилар, кейин саждадан бош кўтариб, яна сажда қилдилар, саждада узоқ турдилар. Сўнг,(намозни тутатиб) ўгирилдилар-да: "Ҳозиргина жаннат менга жуда яқин келди, ҳатто журъат қилиб қўл узатсам, меваларидан сизларга олиб чиққан бўлур эрдим. Дўзах ҳам менга шундоққина яқин келди, ҳатто: "Ё раббий, мен шулар билан биргаманми (улар бирлан бирга мени ҳам азоблағайсанми)?" - деб юбордим. Ногаҳон, мушук тирнаб азоблаётган бир хотинга кўзим тушди: "Бунинг не гуноҳи бордир дедим?" - дедим. "Мушукни қамаб қўйиб, унга овқат бермаган, ўзи емак топиб есин, деб ҳам қўйиб юбормаган. Натижада мушукни очлиқдан ўлдирган", - дедилар"[1:148].

Бу каби мисоллар талайгина бўлиб, аҳоли вакилларининг табиатни асраш, жониворларга рисоладагидек муносабат ўрнатиши лозимлиги тушунтирилади. Акс ҳолда диний ва инсонийлик нуқтаъи назаридан ҳам бундай ишлар оқланмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқининг анъанавий дунёқарашда жониворларга нисбатан ўзига хос муносабат шакланган бўлиб, бунда диний қарашлар ва омиллар муҳим ўрин тутади. Жониворларга нисбатан муносабатнинг диний асослари шуни кўрсатадики, аҳоли вакиллари ушбу



билим ҳамда анъанавий тасаввурлардан келиб чиқиб, иложи борича ҳай-  
вонот оламини асрашга интилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. T.1. AL-JOMI' AS-SAHIH. - T.: Qomuslar Bosh tahririyati, 1991.
2. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. T.2. AL-JOMI' AS-SAHIH. - T.: Qomuslar Bosh tahririyati, 1997.
3. Clifford Geertz. The Interpretation of Cultures. - NY.: Basic Books, 1973.
4. Emile Durkheim. The Elementary Forms of the Religious Life. - NY.: The Free Press, 1965.
5. Hikmatullayev H., Mansurov A. Ahloq-odobgaoidhadisna'munalari. - T.: Fan, 1990.
6. Kristen Stilt. Animal Welfare in Islamic Law. - Ch.:Northwestern University of Chicago, 2015.
7. Tim Ingold. What is an Animal? -L.: - NY.:Routledge, 1994.
8. William C. Chittick. Journal of the Muhyiddin Ibn Arabi Society, Volume 46, 2009.
9. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. - Т.: АлишерНавоийномидагиЎзбекистонМиллийкутубхонасинашриёти, 2007.
10. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2018 йил. Шомуродов Миркомил 1963 й.
11. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Полосон қишлоғи. 2017 йил. Қодиров Турсунпўлат 1938 й.
12. Потапов Л.П. Волк в старинных народных поверьях и приметах узбеков / Краткие сообщения (института этнографии имени Миклухо-Маклая), - М.: Издательство Академии Наук СССР, 1958.
13. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969.
14. Спришевский В.И. Погребение с конем середины I тысячелетия н.э. обнаруженное около обсерватории Улугбека. // Т. 1. - Т.: Тр. Музея истории народов Узбекистана, 1951.
15. Хайтун Д.Е. Тотемизм его сущность и происхождение. - С.: 1958.
16. Харитонов М.А. Образ волка в социокультурной традиции народов Центральной Азии. - УУ.: 2000.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада муаллиф жониворларга нисбатан инсон муносабатида Ислом динининг аҳамиятини дала тадқиқоти материаллари асосида тадқиқ этган. Фарғона водийси аҳолиси орасидаги тасаввурлар ҳамда ишонч кўринишлари ҳадислар билан солиштирилган ҳолда таҳлил қилинган.

**RESUME**

In this article, the author investigated the role and values of the Islamic religion in humans relation to animals at the heart of field materials. Analyzed by comparative method with the legends of the worldview and form of beliefs among the population of the Fergana Valley.



## **O‘TMISH KO‘Z YUMGAN VOQEA**

**Азизбек НОРОВ,  
Ижодкор**

"Телефонлар-ку симлардан озод бўлди, бироқ энди биз - бани-одамзод унга тобемиз. Илгари симларнинг пишиқлигиданми ёхуд ўзга сабабданми улар ҳуда-беҳудага дод-вой солавермасди. Энди-чи, ҳар ўн дақиқада дий-дорига тўймасанг, юз-кўзидан силаб-сийпаламасанг унияям, сениям кўнглинг тинчимайди: ало-ало, ало-ало!"

У бугун тонгдан бери борлигини ҳадеб эслатаётган телефони ўчириб қўйди. Эфир пайти ноқулай аҳволга солмасин.

"Ёки яқин йиллар ичида одамларга керакли зотга айландиммикан, тағинам билмадим..."

- Бўлди, ака. Кираверишингиз мумкин. Мана ҳужжатларингиз.

Эгнидаги коржоманинг кўкрак қисмига сариқ рангли иплар билан "Security" сўзлари тикиб-битилган навқирон йигит яшил тугмачани босиб, кираверишдаги тўсиқни очди.

- Хоналарини биласиз-а?.. Йўқ денг... Унда ҳозир ҳовлидан тўғри кесиб ўтиб, чап томондаги бинога кирасиз. Кирган заҳотингиз ўнг томонда зина бор. Зинадан учинчи қаватга кўтариласиз. Йўлакдан чапга буриласиз. Ўнг томондаги бешинчи эшик...

"Сўз ўйини қилдими? Чап, ўнг, чап, ўнг... Ростини, ҳеч нимага тушунмадим. Адашиб-улоқиб юрмасам эди... Ўзи шу зуд-зарилмиди менга? Қоғозларимга кўмилиб... "Йўқ!" дейиш шунчалар қийин ишми? "Ишим кўп" десанг, биров ёқангдан олармиди? Доим шунақа, темирни қизигида босмай, орадан вақт ўтиб совигач, "ундай дейиш керак эди", "бундай дейиш керак эди", деб мингилаб юраман".

Апрель - аёл. Беқарор, жумбоқ, макр-хийлагар ва жозибали. Субҳисодиқдан табассум қилади. Ювиниш хонасида, нонуштада, кийим жовонида, кўзгуда, ҳар бир нигоҳда меҳр-муҳаббат жилва қилади, ҳаётга ташналик уфуриб туради. Ҳатто оёқ кийимингни кияётганингда ҳам беихтиёр, тушунарсиз ва маъносиз жилмаясан. Енгил шабада эгнингдаги кийимларни қитиқлаб ўтади. Автобус бекатига етар-етмас эса, апрель қовоғини уйиб, тундлашади. Бола номақбул иш қилиб қўйгач, отасига ҳам нажот, ҳам кўрқинч аралаш боққандек, осмонга чўчиброқ тикиласан, шу тобда миянгда яшиндай иккита фикр ёниб ўчади: "ёмғир ёғмасов", "соябонни унутибман". Ёмғир ёғиш-ёғмаслигига оид хавотирлар бамисоли пойабзалингга ёпишган лой парчасидек кайфиятинга муқим ўрнашиб олади. Автобусда ҳам пойабзалингдаги хавотир парчаси тушиб қолмайди. Апрель



кўз ёш тўка бошлайди... дийдаси тўлмаганми, ҳунграб-ҳунграб йиғлайди... соябон олганмисан ёки йўқ, апрелнинг иши йўқ... шалаббо бўлиб ишхонангга етиб оласан... апрель табассум қилади, солиқ қовоқ-тумшугингдан чўчиб турган компьютер мониторида деразадан апрелнинг зангори, илиқ меҳри осилиб тушади, чеҳранг ёришади...

"Қўнғироқ қилганида телефонга жавоб бермаган маъқул эди-ю, бироқ жавоб бермасанг эринмай келаверадиган одати бор. Журналистларга теккан касал - айтаверади, айтаверади, охир жондан ўтгач, "хўп" деб қутулганингу тутилганингни сезмай қоларкансан. 20 дақиқалик суҳбат девдими? 20 дақиқа-я! Тил билан ақл-фаросатнинг не иши бор? Тилни тафаккур жиловлай билмагач, менга йўл бўлсин... Али Шаҳоний ҳақида респондент бўлиб 20 дақиқа гапиришнинг ўзи бўладими, ўзи у ҳақда оғиз очадиган маълумот йўғ-у... Хўп, майли, нима қилардик. Оролга тушдик, қайиқ эса ортига қайтди... Хў-ш-ш-ш! Олдинда 20 дақиқа турибди. Ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиш лозим. Режиссёрнинг "бошладик" деган ишораси... журналистнинг саволларига кетадиган вақт - 3 дақиқа, гапни узоқдан бошлаб, бугунги илмий изланишлар, соҳадаги муаммою ютуқлар, сўнг Али Шаҳоний шахси ва ижодий фаолияти ҳақида 5 дақиқа. "Хўш", "таъкидлаш жоизки", "албатта", "маълумки", "шуни алоҳида айтиш керакки" каби нутқни безайдиган сўзларга 1 дақиқа... жами қанча бўлаяпти? 9 дақиқа! Олдинда яна 11 дақиқа мавжуд... Сув! Столга сув қўйишармикин... қўйишар, камида беш-олти бор сув ичиш мумкин, шошилмай: 1 дақиқа... Саволига савол билан жавоб бериб, журналистни янада кўпроқ гапиртириш мумкин: 2 дақиқа. Жами: 12 дақиқа, яна 8 дақиқа! Бошқа воситалар қолмаган экан, имкон қадар суҳбатни чўзиш керак"...

... Бир хил суръатдаги ноғоралар гумбир-гумбири оламни тутди. Орасира қатъий оҳангда жанговар ҳайқириқлар янграрди, ногоҳ келган селдай қўшиндаги аскарларнинг сон-саноғи йўқ, улар тўрт томондан қалъани қуршаб олишмоқда эди. Олис-олисдан қўшин аранг силжиётгандай, аскарлару отлар толиққандай кўринар, бироқ ўрталиқдаги масофанинг дарпардаси олиб ташланса, душман қўшинининг отлари минг фарсангдан ортиқ йўл босса ҳамки, толиқиш не эканин билмас, қўшин ҳам шиддат билан олға интиларди. Қур-атрофни жизганак қилиб куйдираётган жазирамада аскарларнинг бошларидаги дубулғалар, қўлларида тутган қурол-аслаҳалари кўзни қамаштиргудек ялтирарди. Шу шиддатда олға интилаверишса, ҳадемай қалъани батамом қуршаб олишади. Қалъа кичикроқ бўлса-да, аммо баланд деворлар билан ўраб олингани боис гоёта мустаҳкам истехком эди...

... Телекамера - аёл чеҳраси. Тун бўйи севган ёрингга қалб изҳорини сўзма-сўз ёд оласан, хотирага маҳкам муҳрлаб, дилга тугасан. Эртасига ҳаяжонни қўлидан тутганча висолига ошиқасан, бироқ юзинг-юзига тушадию вирусдан зарарланган компьютер дискидек хотирангдаги барча сўзлар ўчади-қўяди... Мана, у билан илк бор нигоҳлар тўқнашдию, хотирам қисқа фурсатлик кома ҳолатига тушди, тил тишлар қамалида қолиб кетди: Али



Шаҳоний Ҳисор тоғлари сари учди... Мумтоз адабиёт, унинг тарихи Қашқадарё дарёсида оқди...

Буни сезган бошловчи вазиятни ўнглашга уринди:

- Ҳақиқатан, ўзбек халқи бой адабий ёдгорликларга эга. Шу боисдан, ўзбек халқи маданиятининг катта ва ажралмас бир бўлаги ўзбек адабиёти экани бежизга эмас, - дея у тарих фанлари доктори, профессор Муҳаммад Абдуллаевга маъноли қарашини йўлади. Бу назарига табассумини ҳам илова қилди. Албатта, табассум - телетомошабинлар учун аталган чалғитувчи манера эди. Назарида эса "сиз, ахир кимсан профессор одамсиз, ўзингизни қўлга олинг", деган очикдан-очик, яланғоч таъна мавжуд эди. Қанчалик оғир бўлмасин, қанчалик оғир ботмасин буни пайқамаслик учун киши жуда гўл ёҳуд ўта бефаросат бўлиши лозим. - ... Сизга маълумки, X-XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида ўзига хос бир даврни ташкил этади. Бу давр барча соҳаларнинг ривож топиши, илм-фаннинг юксак тараққий этиши билан аҳамиятли. Ўрта Осиё халқлари меъморчилик, тасвирий санъат, наққошлик, ўймакорлик, мусиқа каби соҳаларда катта "сакраш"ни амалга оширди. Шу боис ҳам X-XII асрлардаги Ўрта Осиё маданий юксалишини Уйғониш даври, яъни "илк Уйғониш даври" деб аташга тўла асослимиз.

- Фикрингизга тўлиқ қўшиламан... - Муҳаммад Акбарович телекамерага қайтиб қиё боқишга жазм этмади. У бошловчининг қизиққон, сарғиш юзига, ялтур-юлтур энгил-бошига, ҳар тарафдан ўраб олган прожекторларнинг ўткир нурлари аксланаётган столга, паркет полга тез-тез кўз ташлаб, ўзига мақбул ва қулай паноҳгоҳ - бир нуқта топмагунича талмовсиради, нигоҳлари тентиради. - ... XIII ва XIV аср аввалида Марказий Осиё халқлари қайғули даврни бошидан ўтказди... Нега деганда, бу давр мўғул истилоси билан алоқадор. Шунинг учун ҳам бу даврдаги тарихий шароит, маданий ҳаёт, санъат ва адабиёт мўғул босқинчилиги билан уйғун ҳолда тадқиқ этиладиган мураккаб бир жараён саналади. Энг муҳими, бу давр ҳаётини ҳар томонлама тасаввур қилиш, ўрганиш учун манба бўлувчи асарлар анчани ташкил этади. Инчунин, Рашидиддиннинг "Жоме ут-таворих", Жувайнийнинг "Тарихи жаҳонкушой", Банокатийнинг "Равзатул-асбоб...", Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг "Нузҳат ал-қулуб" асарлари, шу жумладан, Батуга, Вамбери, С.Толстов сингари тарихчи-олимларнинг қайдлари ҳам улкан аҳамиятга эга.

Муҳаммад Акбарович беихтиёр қўл соатига қаради: орадан 4 дақиқа ўтибди. Ҳали суҳбатнинг асосий мағзи - Али Шаҳоний мавзусига ўтмай туриб, 4 дақиқанинг баҳридан ўтилди, олдинда яна 16 дақиқа... эпласа бўлар, чамамда.

- Албатта, бирор-бир адабий-тарихий воқеа-ҳодисани тадқиқ этиш, ўрганиш ўта машаққатли ва кишидан катта тайёргарлик кутадиган муҳим жараёндир...

Муҳаммад Акбарович нигоҳини бошловчидан узиб, чинни пиёладаги совий бошлаган кўк чойга тикди. Сўнг унинг саволи тугашини атайин



кутиб ўтирди. Бошловчи гапдан қолиб, унга "гал сизники" маъносида тикилганида, у яна пиёлага назар солди. "Чой ичиш зарур. Ҳам ҳаяжонни босади, ҳам вақтни чўзади".

- Тарихимиздаги ҳар бир даврни, ўша даврда яшаб ижод этган ҳар бир ижодкорни ўрганиш ҳам осон кечмайди, - деди у пиёладаги чойни узоқ, шошмасдан ҳўплаб бўлгач. - Баъзида бутун бир аср адабиёти ҳақида маълумот, факт топишнинг имкони бўлмайди. Нимаям қила олардик, ҳеч бир манбанинг ўзи бўлмаса! Ана шундай паллаларда адабиётшунос олим, тарихчиларнинг ақл-фаросати, зийраклиги асқатади. Қуруқ гапларни қўя туриб, мисолларга ўтсак... Масалан, Хоразмийни олайлик, у XIV асрда яшаб, туркий ва форсий тилда ижод этган шоир. Бироқ бизга унинг асосан ўзбек, қисман тожик тилида битилган биргина "Муҳаббатнома" асари етиб келган. Бўлди... У ўзи ким? Қаерда яшаб ижод қилган? Хуллас, саволлар кўп, жавобларни эса куппа-кундуз куни чироқ ёқиб ҳам топа олмайсиз. Аммо! Унинг таржимаи ҳоли ҳақида баъзи маълумотларни шу асаридан билиш мумкин. Ҳолбуки, унинг асл исмини ҳам билмаймиз. Тахаллусидан билиш мумкинки, шоир - хоразмлик. Бироқ асар Сирдарё ёқаларида битилган. Шу ўринда, бир жиҳатга эътибор қаратиш жоизки, фақат Амударёнинг Оролга қуйиладиган жойларигина эмас, Сирдарёнинг денгизга туташ бўлган ҳудудлари ҳам Хоразм дейилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу боисдан, "Хоразм" деган жой номи англаган ҳозирги тушунча билан XIV асрдаги ҳудуд бир-биридан кескин фарқ қилиши табиий ҳолдир. "Муҳаббатнома"нинг эса атиги икки нусхаси бизгача етиб келган: асарнинг иккала нусхаси ҳам Лондондаги Британия музейида сақланади...

... Юз минглаб аскарлар оёғи остида қолган замин беомон топталар, бўғиқ инграр, ларзага келар ва гўё унинг юзида сунъий зилзила ҳосил бўларди. Ҳар ерда гувоҳи бўлиб турган қўрқинчли манзарадан азобланган куйи гулханлар чарсиллаб ёнар, ғира-шира тун бағрида, аланга ичида қолган қалъа, бегуноҳ кишиларнинг дод-фарёди, жанг майдонидаги ҳайқирик, ингранишлар, қиличлару чўмоқларнинг бир-бирига урилгандаги жаранглар, оғзи кўпикланиб пишқираётган, ваҳимали кишнаётган отлар галаси... Истеҳкомнинг тўрт дарвозаси олдида аёвсиз жангу жадал тинай демасди. Палахмонлар қалъа деворларию дарвозаларни бетиним тошбўрон қилар, манжаниқлару аррадалар ҳам истеҳкомнинг иродасини синдиришга, букишга зўр бериб тиришарди. Шу тобда кўкиш осмонда қора-қора нуқталар кўзга ташланиб, бир муддат кўриниб турди, қаъла ҳимоячилари бу не аломат эканини англаб етишгунча, ўқлар ёмғири уларнинг устига ёпирилди. Бирин-кетин аскарларнинг оғриқдан ихраган бўғиқ овозлари эшита бошлади...

..."Соя - инсоннинг энг қабиҳ ўй-фикрлари, мудҳиш ғоялари, зулмати, туни, кўнгли қора-қуйқаси. Ҳар ҳолда мен шундай ўйлайман, шундай тасаввур этаман. У ҳақиқат тиғи - шаффоф қуёш нурлари юз очганда, адолат, софлик, меҳр-муҳаббат нигоҳига дош беролмай, инсон танасини, қалбини тарк этиб, унинг ортига беркинади, ер билан битта бўлиб, зим-зиё



## RUHIYAT SURATI

тундек қоп-қора тусга киради. Ҳақиқат юз ўгиргач, эса ўша қора қуйқа тагин одамзод тани билан бирлашади, кўнглига сингиб кетади. Ана шунда қалбдаги соф, самимий туйгуларни бузгунчи, вайронкор ва кўр туйгулардан ажратиб бўлмасиз. Ҳақиқат - боқий, унинг тиғи бўй кўрсатаверади, соя ҳам беркинаверади, аммо танни ташлаб ҳам кетмайди. Юрсангиз ҳам, югурсангиз ҳам, қочсангиз ҳам, юлсангиз ҳам, уриб-тепсангиз ҳам у сиз билан, ҳеч ёққа кетмайди... Бироқ фақатгина қалбида ҳақиқат ва одамийлик қасрини бунёд этган инсон зотигина бундай соялардан абадул-абад халос бўлган. Қолганларимиз эса..."

Бошловчининг навбатдаги саволи Муҳаммад Акбаровичнинг хаёлини тўзғитиб юбориб, уни хушёр торттирди.

- XVII аср ўзбек адабиётида ҳажвий-танқидий йўналишнинг ривож топиши ва халқона услубнинг яралишига сезиларли таъсир кўрсатган шоир Турди Фароғийнинг номи ҳам, бугунги кунда бизга маълум бўлган 12 ғазал, 5 мухаммас ва 1 фарди ҳам 1925 йили тасодифан қўлёзмалар орасидан топилиб, кашф этилган экан. Бу топилма ўз даврида кўпгина адабиётшуносларнинг, жумладан Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби мунаққидларнинг ҳам эътиборини тортган. Шу ҳақда фикрингиз?

- Фароғийга ўхшаш ҳассос шоирлар ижоди сонда эмас, аксинча, салмоғи билан қимматлидир. Инчунин, XVIII аср ўзбек адабиёти ҳам бошқа давр ва асрларга нисбатан анча кам ўрганилган. Маълумотлар жуда оз... Шундай бўлса-да, фидойи устоз адабиётшуносларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўша асрдаги Нишотий, Равнақ, Мавлоно Киромий, Роқим, Яҳё, Умар Боқий, Нурмуҳаммад Андалиб, Муҳаммад Тоҳир Хоразмий сингари ижодкорларнинг номлари, улар ҳақидаги баъзи маълумотлар юзага қалқиб чиқди. Айнан XVIII асрнинг II ярмида Хоразмда ижод қилган шоир мавлоно Киромий ижодиётига тўхталадиган бўлсак, шоир Муҳаммаднинг Нишотий ўзининг "Ҳусну дил" достонида бу асарни ёзишда устоз Киромийдан илҳомланганлигини эслатиб ўтади, машҳур шоир, тарихчи ва таржимон Шермуҳаммад Мунис эса ўзининг "Мунис ул-ушшоқ" девонидаги "манга" радифли ҳасби ҳои ғазалида унга пирлик-устозлик ҳукмида бўлган ўндан ортиқ буюк шоирлар қаторида Киромийни ҳам ҳурмат билан тилга олади...

- Қизиқ маълумот, шу кунга қадар Киромий деган шоир ҳақида эшитмаган эканман...

Муҳаммад Акбарович бошловчининг изоҳини эътиборсиз қолдирди:

- Ўз навбатида, бу далил ва эътирофлар Киромийнинг диний-исломий илмларда, тасаввуф шеърлятида анчайин юқори мавқени эгаллаган мўътабар зотлардан бири бўлганлигидан далолат беради, - деди у яримлаб қолган пиёладаги чойни оҳиста қўлига оларкан. - Минг афсуски, бугунги кунгача Киромий қаламига мансуб барча асарларга эга эмасмиз. Улар ҳамон одамзод назаридан пана жойда, топилганича йўқ... Бундан ташқари, жиддий илмий изланишлар, адабий ўрганишлар кўплаб иккиланишларга ойдинлик киритмоқда.

- Мисол учун қандай?

"Чой совиб қолибди" хаёлидан ўтказди олим.



- Мисол учун, шу вақтга қадар "Гул ва Наврӯз" достони форс ва ўзбек тилларида ижод қилган Лутфий қаламига мансуб ҳисобланарди, бироқ олиб борилган илмий изланишлар натижасида маълум бўлдики, бу дostonни Хоразмда умр кечирган, бироз муддат Ҳиротда Умаршайхнинг ўғли Султон Искандар ҳузурида фалсафий билимларни яхши эгаллаган Ҳайдар Хоразмий битган экан...

... Ҳукмдор вайронага айланаётган қалъа яқинидаги ялангликда чодир тиктирди. Уруш ҳали якун топмасидан тилла чироқ осилган шоҳона чодирида галаба зиёфатини бошлаб юборди.

Орадан бироз вақт ўтиб, чодир ортида чопарнинг қораси кўринди:

- Олампаноҳ қутлашга ижозат беринг! - деди у чуқур-чуқур нафас олганча. - Мана, ниҳоят 17 кунлик қамалдан сўнг қалъани қўлга олишга мушарраф бўлдик.

- Албатта, онҳазрат, бу галаба ҳам тенгсиз саркарда эканингизни яна бир карра исботлағай, - хушомад қилган бўлди бош вазири.

Жиккаккина гавдали ҳукмдор хушхабардан қувониб, амиркон этигини шапателиб қўйди, сўнг оқ оралаган қуюқ соқолларини ҳузур қилиб силди, шоҳчодир тирқишидан кунпаякун бўлган қалъага қараб ғалати жилмайди-да, "Тез орада менинг шерюрак, йўлбарс шижоатли навкарларим бутун шаҳарни қўлга киритишади" деб мингирлаб қўйди.

Кўп ўтмай тўрт тарафдан шодон ҳайқириқлар янграй бошлади. Тормор этилган қўшин аскарларини қатл майдонига бир сафда тизишди. Ҳукмдор қалъа қўлига ўтган бўлса-да, шоҳчодирда қолишни афзал билди, у ҳуфиясининг "шаҳарда ҳаммаёқ тоза" деган хабарини интиқ бўлиб кутарди. Ҳар ҳолда, унинг жонини Жаббордан сўраб, интиқом қиличини қайраб юрган соялар оз эмас. Унинг шоҳчодирдан чиқмай берган ишораси билан қатлга ижозат берилди. Бу ишорани ноғораларнинг гумбир-гумбири ҳам тасдиқлади. Майдоннинг қоқ ўртасида жойлашган супага суянган, маъносиз нигоҳлари билан атрофда айлана ҳосил қилаётган томошаталаб одамларни кузатиб ўтирган жаллодга шу заҳоти жон кирди, ҳаракатини бошлади...

Ҳукмдорнинг ҳуфияси иккита хабар келтирди. Ҳукмдор бу хабарларнинг муҳим эканими ёҳуд интиқ кутиб ётгани учунми, шоҳчодирдан шошилиб чиқди. Энг ишонган йигитларидан - Ҳасан хожаси олдида тиз чўқди:

- Амрингиз вожиб бўлди, онҳазрат. Шаҳар чиннидай топ-тоза... деди-да, навкарларига имо қилди.

Шоҳчодир олдидаги машғала ёритишга ожизлик қилган масофадан икки навкар етовида оғиз-бурни қон, сочлари тўзгиган, энгил-бошидаги либоси бир аҳволда бир чол кўринди. Уни мажбурлаб ҳукмдорнинг ёнида тиз чўктиришди.

- Ё алҳазар! Уни бу кўйга ким солди? - деди ҳукмдор чолга ясама қайғуриб. - Хўш, сўйла, кимсан?

- Бандаман, - деди чол унга тик боққанча заҳарханда жилмайди.

- Сен кимнинг бандаси бўлурсан, бахтиқаро? - ҳукмдорнинг қошлари чимирилди.



- Яратган эгамнинг!

Ҳукмдорнинг қовоғи осилди. Ҳасан унга пой-патак бўла бошлади:

- Фаросатсизлигим учун бир қошиқ қонимдан кечинг, онҳазратим. Бу чол ушбу диёрнинг энг машҳур, энг буюк шоиридир. Айтишларича, унга етадиган қалам соҳиби ҳали тугилмаган эмиш. Уни Юсуф Боқий деб аташар эканлар. Сизнинг буюк ғалабаларингизни, тенги йўқ ҳукмдор эканингизни у тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битажак. Токи бутун дунё сизнинг қудратингиздан лол қолсин.

- Иншооллоҳ, - деди чеҳраси бироз ёришиб ҳукмдор. - Эндиликда бу чол буюк ишларимни битгувчи котибим бўлиб қолади.

"Ё раббим, бу не кўргилик?! Бу не синов бўлди? Мана бу иккисига қаранг... Сендан сўрамай-нетмай, рози-ризолигингиз Яратган пешонанга битган қисматингни ҳал этиб туришибди. Тавба-тавба!.. Аллоҳим, бу дунёда ҳар бир мўмин-мусулмонни тенг қилиб яратгансан, ҳеч бир зот қуллик ёҳуд ҳукмдорлик тамғаси билан тугилмаган..."

- Асло! - анчадан бери жим турган чол - шоир Юсуф Боқийнинг фикри-зикридаги газаб, алам ва гурур туйғулари омухта бўлиб, нидога айланди. Ёшига нисбатан овози анча ўктам эди. - Сендай баттолга қул бўлгунча, ўлганим афзал. Юртимни хонавайрон қилган, беғуноҳ халқимнинг бошига етган золимнинг малайи бўлишдан ор қиламан, нафратланаман. Ўлдир мени!

- Ўчир овозингни! - Ҳасан чолни бир тепиб қулатди. Чол қуриган дарахтдай ерга енгилгина йиқилди, инграниб қўйди. Салласи думалаб-думалаб, зулмат денгизига гарқ бўлди.

Ҳукмдор унча-бунчага жаҳл отига минавермас, илло шу фазилати билан оддий бир можародан тортиб, йирик жангларда ҳам қўли баланд келарди.

- Бас, - Ҳукмдор чол томон энгашди. - Эҳ нодон, сенга амал, бойлик таклиф этсаму, сенинг бу ишинг инсофданму?


- Инсоф? - Чолнинг юзига қон югурди. Энсасидаги чакка томирлари бўртиб чиқди. - Инсоф дегин? Ҳали сен инсоф нелигини ҳам биласанми? Қалъани забт этиб, шаҳарни қўлга киритишни эпларсан... Бузғунчилик касб-коринг-ку, ахир. Лек халқимнинг иродасини синдира олмайсан. Мени ҳам ўз изминга сола олмайсан... Қани энди айт-чи, бир гариб чолни ўз измига сола олмаган саркарда қандай қилиб бутун бир мамлакатни қўлга олмоқчи?.. Калтафаҳм экансан!

Ҳукмдорнинг газабини нафсоният тиғи тилиб ўтди. У қон томирларда гупириб оқди, бармоқлар бир-бирининг пинжиги тиқилиб жипслашди - улар мушт бўлиб тугилди.

- Ҳукмдорим, рухсат этинг, бошини танасидан жудо этай. Илло мен бу ишни бажармоққа шайман, - бўрон бошланишидан олдинги сукунатни ҳис қилган Ҳасан нажот горини излади.

(Давоми келгуси сонда)

**Ijtimoiy-tarixiy, ilmiy va ommabop jurnal**



**Ўлкамизда куз**

ISBN-2181-0281



2181 0282